

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ - МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТИ”**

*мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция материаллари
(2023 йил 29 ноябрь)*

Тошкент – 2023

**УО‘К 342.4.(575.1)
О‘ 32**

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2023.– 133 б.

Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашининг 2023 йил 22 декабрбодаги мажлисидаги муҳокама қилинган ва маъқулланган (20-сон баённома).

**Таҳрир ҳайъати:
Ш.К.Сайдов, Ш.Н.Рахманов, Ш.Х.Хасанов**

Тўпламда 2023 йил 29 ноябрь куни Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари жой олган.

Тўплам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизикувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмuni, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

**© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази, 2023**

**САИДОВ ШОКИР
КАМАЛОВИЧ**

Юристлар малакасини ошириш маркази директори в.в.б.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КаФОЛАТИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, бугунги тадбир иштирокчилари!

Сиз азизлар билан юз кўришиб турганимиздан бениҳоят хурсандмиз ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига хуш келибсизлар.

Бугун Юристлар малакасини ошириш марказида етакчи олимлар, мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар иштироқида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Судялар олий кенгashi ҳузуридаги Судялар олий мактаби, Тошкент давлат юридик университети, Юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари, маҳаллий эксперtlар, етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар иштирок этишмоқда.

2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

қабул қилди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-хуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор гоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-хуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси рухини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносаб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, Асосий қонунимизда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жисплаштириш, «Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган,

Бугунги халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон хуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, ижтимоий давлат тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланиши, Конституция нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллаш тизимини янада такомиллаштиришга доир масалалар ҳақида фикрлашиб оламиз.

ШИРИНОВ
ДЖАХОНГИР
ДЖАББАРОВИЧ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари қўмитаси раиси
E-mail:j.shirinov@mail.ru

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Ҳукуқ – инсонларнинг жамиятдаги муносабатларини тартиба соладиган, давлат томонидан ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган норма ва қоидалар мажмуидир. Одамлар айнан ҳуқуқлари ёрдамида ўзларининг турли манфаатларини қондириб борадилар.

Ҳуқуқнинг давлат томонидан ўрнатилган нормалардан иборат бўлиши аслида деярли барча юридик адабиётлар ва луғатларда акс этган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ва ташкилотларнинг турли соҳадаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида, қатор қонуности хужжатларида акс этган.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба “нодавлат нотижорат ташкилотлари” сўзи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида акс эттирилди. Илгариги (1992 йилда қабул қилинган) Конституцияда фақатгина “жамоат бирлашмалари” сўзларидан фойдаланиб келинган эди. Бунинг асосий сабаби мамлакат Конституцияси қабул қилинган ўша вақтда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мавжуд эмас эди. Аксинча, Конституция қабул қилинишидан олдинроқ, яъни 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги¹ Қонун қабул қилинган.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 72-моддасида давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун teng ҳукукий имкониятлар яратиши мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, айтиш жоизки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари фақатгина Конституция ва қонунлар билан чекланиб қолмайди.

Масалан, А.Ю.Соколованинг фикрича, ташкилотнинг ҳуқуқлари орасида қонунда белгиланган ҳуқуқлар билан биргаликда, қонунда белгиланмасдан ташкилотнинг устав қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Албатта, уставнинг бундай қоидалари қонунларга зид бўлмаслиги лозим, бу эса ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида текшириб кўрилади².

¹ Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/111825>;

² Административное право Российской Федерации: учебник / под ред. А.Ю. Соколова. М., 2018. С. 170.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Дарҳақиқат, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланмаган ҳуқуклар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилоти уставида кўрсатилади¹.

Худди шундай, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 15-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари уларнинг уставларида қайд этилади².

Таъкидлаш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқларини қўйидаги 2 турга бўлиш мумкин:

биринчиси, нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий ҳуқуқлари;
иккинчиси, нодавлат нотижорат ташкилотларининг маҳсус ҳуқуқлари.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий ҳуқуқларидан барча нодавлат нотижорат ташкилотлари фойдалана олади. Масалан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқиша қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллукли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўtkазиш;

қонунчиликка мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш тартиблари асосан уларнинг уставларида белгиланади. Шу билан бирга айrim нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўз аъзолари ва қатнашчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида қонунлар билан тартибга

¹ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни // URL: <https://lex.uz/acts/11360>;

² “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни // URL: <https://lex.uz/acts/111825>;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

солинган. Масалан, касаба уюшмалари томонидан ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиши билан боғлиқ қоидалар “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида¹ ва Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида² ўз аксини топган.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига таклифлар киритиш, давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишида иштирок этишга оид ҳуқуқлари улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳуқуқлардан нечоғли самарали фойдалана олиш қобилияти нодавлат нотижорат ташкилотининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги динамикасини кўрсатиб туради.

Миллий қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органларига таклифлар киритиши, давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишида иштирок этиши тартиблари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда³, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда⁴, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда⁵ ва бошқа қатор қонунларда ўз аксини топган.

Айтиш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотининг ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиши, унинг конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Жумладан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига мувофиқ ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, Конституциянинг ушбу моддасига мувофиқ давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мажбуриятини зиммасига олган⁶.

Навбатдаги масала, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқариш билан боғлиқ. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари 2 та усул орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши мумкин.

Биринчиси, нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида тадбиркорлик субъектини ташкил этмасдан ҳам бевосита фойда олиш фаолияти билан шуғуланиши мумкин. Бироқ, улар ўз устав мақсадларига мос келадиган доиралардагина тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши мумкин. Масалан, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва эркинларини ифода этиш учун тузилган жамоат бирлашмаси соҳага тааллуқли пулли ўқув курсларини ташкил

¹ “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4631281>;

² Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/6257288>;

³ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни /«Халқ сўзи» 2017 йил 12 сентябрдаги 182 (6876)-сон. // URL: <https://lex.uz/docs/3336169>;

⁴ “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2468214>;

⁵ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3679092>;

⁶ “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон; // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

этиши, маслаҳатлар бериши, тиббий журналларда белгиланган тартибда рекламалар жойлаштириб бориши ва ҳоказоларни амалга ошириши мумкин, бирок ҳеч қачон пулли “автопойгалар ёки яккакурашлар шоуси”ни ташкил этиш билан шуғулланмаслиги лозим. Чунончи, фойда олиш (тадбиркорлик) нодавлат нотижорат ташкилоти учун қўшимча фаолият тури бўлиб, у нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари сирасига кирмайди. Шу боис, қўшимча фаолият тури ҳам ташкилотнинг асосий мақсадига мувофиқ келиши керак.

Иккинчиси, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ҳуқуқидир. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари бошқа таъсисчилар каби умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси¹, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун², Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш тартиби тўғрисида Низом³ ҳамда бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига тўлиқ риоя этган ҳолда тадбиркорлик субъектини ташкил этиши мумкин.

Шу билан бирга, назаримизда Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий ҳуқуқлари тўлиқ санаб ўтилмаган. Бинобарин, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча шахсларнинг ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари мавжуд. Мисол учун, давлат органларига мурожаат қилиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳоказо⁴. Аслида бундай ҳуқуқлардан ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам эркин фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ барча нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга давлат божини тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқига эга⁵.

Қолаверса, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳуқуқига эга.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи кисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова

² “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни/«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 3 майдаги 86 (5506)-сони // URL: <https://lex.uz/docs/2006789>;

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПК-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорига 1-илова/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 89-модда, 29-сон, 693-модда, 33-сон, 863-модда, 38-сон, 1049-модда; // URL: <https://lex.uz/docs/3111347>;

⁴ “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни/Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон; // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>;

⁵ “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4680944>;

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунчилигимизда санаб ўтилган умумий ҳуқуқлари доирасини қўйидагилар асосида янада кенгайтириш лозим:

давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш;

судда, бошқа органлар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш;

мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида мулкка эга бўлиш;

қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш;

давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ҳамда халқаро дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этиш.

Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари умумий ҳуқуқлар билан бир қаторда *маҳсус ҳуқуқларга* ҳам эга бўлишади. Махсус ҳуқуқлар нодавлат нотижорат ташкилотларига уларнинг фаолият соҳаси ва бошқа белгиларидан келиб чиқиб алоҳида қонунлар билан берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадир¹.

Худди шундай, “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда уларни этиштириш (қайта ишлаш) масалаларига доир тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда бепул ва пулли асосда томорқа ҳўжаликларига тақдим этиши мумкин². Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ Ўзбекистон фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ўз аъзолари бўлган фермер, дехқон ҳўжаликларига ҳамда томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақли³.

Айрим олимлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараённида иштирок этиш ҳуқуқини эътироф этиб, уни қўйидаги шаклларда намоён бўлишини таъкидлашган:

¹ Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/4386848>;

² “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/5351489>;

³ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни/ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2019 й., 03/19/533/2885-сон; // URL: <https://lex.uz/docs/6242547>;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

- қонунчилик ташаббуси хуқуқи субъектига мурожаат қилган ҳолда муайян қонунни қабул қилишни таклиф этиш ҳамда унинг лойиҳасини тақдим этиш;
- парламентдаги экспертлик ва ишчи гурухлари таркибида иштирок этиш;
- халқ вакиллари орқали муайян қонунни қабул қилиш масаласини кўтариб чиқиш;
- қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасини ўтказиш¹.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги хуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли².

Худди шундай, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир қиласидиган масалаларга доир норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий тартибда Савдо-саноат палатаси билан келишилади. Бунда, Савдо-саноат палатаси норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмунига умуман ёки унинг бирор қисмига рози бўлмаган тақдирда, норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қиласидиган органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотларига алоҳида қонунлар билан маҳсус хуқуқларнинг берилиши давлат зиммасидаги айrim вазифаларни ҳам холис, шаффоф, сифатли, самарали ҳамда камхарж тарзда амалга ошириш имконини беради.

¹ Бочарова С.Н. Роль общественных объединений в защите прав человека // Вестник Московского университета. Сер.11: Право. 1997. № 1. С. 103–104.

² “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/54503>.

ОТАХОНОВ
ФОЗИЛЖОН
ХАЙДАРОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби
“Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН ТҮҒРИДАН-ТҮҒРИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

*Конституция тўғридан-тўғри амал қиласидаги ҳужжат бўлиши шарт.
Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-
тўғри мурожсаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур.*

Шавкат Мирзиёев

2023 йил 30 апрелда умумхалқ овоз бериш орқали референдумда янги
тахирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
давлатимизнинг ҳуқуқий сиёсатидаги туб сифат ўзгаришларини ўзига акс
эттириди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инсон, унинг ҳаёти,
эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият деб эълон қилинди. Инсон ва
фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда тўлиқ ва изчил
мустаҳкамлаб қўйилибгина қолмай, балки уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва
эркинликларини амалга ошириш учун зарур механизмлар яратилган холда
кафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсоннинг ҳуқуқ ва
эркинликлари бевосита амал қиласидаги ҳамда қонунларнинг, давлат органлари,
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари
фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди ва одил судлов билан
таъминланади.

Конституциямизда мустаҳкамланган ушбу конституциявий қоида ҳамда
ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолати
суднинг жамият ва давлатдаги ўта муҳим ўрнини белгилайди ва шу билан
бирга унга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминловчи
қонунларни тўғри қўллашда алоҳида масъулият юклайди.

Янги Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устунлиги
сўзсиз тан олиниши, мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга
эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини
ташкил этиши, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат
Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги
судлар томонидан унинг моддаларини аниқ ишларни кўриб чиқишида тўғридан-
тўғри қўллаш лозимлигини англатади.

Чунки суднинг асосий вазифалари инсоннинг **Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси** ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Конституция нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асослари хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (15, 16, 19, 20, 27, 28, 29, 30, 31, 44, 47, 55, 65, 70, 136, 137, 138, 139-моддалари), Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни (3,4,11-моддалари), “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (5, 6, 7, 8, 9, 18, 45-моддалари), “Судлар тўғрисида”ги (4,62-моддалари) қонунлари, Жиноят кодекси (1,2 ва 141-149-моддалари), Жиноят-ижроия кодекси (1-моддаси), Иқтисодий процессуал кодекси (13-моддаси), Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекси (11 ва 179-моддалари), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (2,7 ва 269-моддалари), Фуқаролик кодекси (1,8,9,10,11,12,15-моддалари), Фуқаролик процессуал кодекси (3,14-моддалари) каби қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас (16-моддаси), унга кўра давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши (15-моддаси) ва судьялар мустақил бўлиб, фақат Конституция ва қонунга бўйсуниши (136-моддаси) лозим.

Янги Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади ҳамда мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Шунинг учун ҳам судьялар жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишларни юритишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиши шарт.

Конституция нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллаш тартиби юқорида қайд қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Шу билан бирга судлар томонидан конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги ЎРҚ-837-сон Конституция-вий Қонуннинг 11-моддаси ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”**ги 16-сон Қарори қабул қилинди.

Пленум қарорида судларга хусусан қўйидаги:

биринчи, Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлардан устун туришини англашиб, шунга қўра, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги;

иккинчи, судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратишлари кераклиги;

учинчи, муайян ишда қўлланилиши зарур бўлган Конституциянинг нормасида бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатга ҳавола қилинганда, ишни кўриб чиқаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносабат-ларни тартибга солувчи қонунга асосланиши лозимлиги;

тўртинчи, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари (Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактлар ва бошқалар) билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида белгиланганлиги, шунга қўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилишига эътибор қаратилиши ҳамда ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда **қарорнинг асосланти-рувчи қисмида** ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозимлиги;

бешинчи, Конституцияда ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатни матбуот ва расмий манбаларда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти эканлиги белгиланганлигига эътибор қаратиш кераклиги [**30-модда биринчи қисми, 99-модда ўн биринчи қисми**];

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

олтинчи, Конституция нормалари тегишли қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъий назар, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Конун кучга кирган пайтдан, яъни 2023 йил 1 майдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилиши;

еттинчи, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозимлиги;

саккизинчи, Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги ва бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

тўққизинчи, Конституциянинг 29-моддаси тўртинчи қисмига асосан қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслигига ҳамда Конституция- да мустаҳкамланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қонунларда белгиланган тартибларни бузган ҳолда ёхуд қонунларда назарда тутилмаган ҳаракатлар натижасида тўпланган далиллар қонунни бузган ҳолда олинган далиллар деб эътироф этилиши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Ҳозирги кунда Олий суднинг судлов ҳайъатлари, Судьялар олий мактаби, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар мазкур Пленум қарори мазмун-моҳиятини қуий судларга тушунтириш юзасидан семинар-машғулотлар ўтказмоқдалар ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришга эътибор қаратмоқдалар.

Пленум қарори тушунтиришларига сўзсиз риоя этган ҳолда фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда Конституциянинг тегишли нормалари тўғридан-тўғри қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иқтисодий судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши мумкин бўлган тегишли моддалари **ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуқ нормаларини** ўз ичига олган. Шу боис иқтисодий судлар томонидан амалдаги моддий ва процессуал қонун ҳужжатлари қандай тартибда қўлланиб келинаётган бўлса, Конституциядаги қоидалар ҳам шу тартибда қўлланилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-модда-сида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат

органларининг ҳамда **бошқа ташкилотларнинг**, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда судга бошқа шахслар ҳам мурожаат қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга кўра ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 55-моддасига ҳавола қилган ҳолда иқтисодий судга даъво ариза тақдим қилган бўлса, иқтисодий суд буни суд ҳужжатларида (масалан, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳамда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримларида, шунингдек, ҳал қилув қарорининг баён қисмида) **кўрсатиши лозим**.

Бошқа бир мисол, Конституциянинг 67-моддасининг тўртинчи қисмида монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг бундай фаолияти билан боғлиқ муҳим шартлар, талаблар, мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс этган.

ИПКнинг 30²-моддасига мувофиқ юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киради. Бундай тоифадаги ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлиб, улар жавобгар жойлашган ердаги туман (шахар), туманлараро иқтисодий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин.

Демак, рақобатга оид ишлар юзасидан қабул қилинган иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми аввал Конституциянинг 67-моддаси тўртинчи қисми, ундан кейин рақобатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаси кўрсатилиши лозим.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, умумхалқ овози билан қабул қилинган Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беради;

иккинчидан, Конституция нормалари уларни қўллаш тартиби алоҳида қонунчилик ҳужжатларида мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар тўғридан-тўғри амал қилишига эришилади;

учинчидан, халқнинг Конституцияга бўлган ишончини кучай-тиришга, конституциявий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга ҳамда Конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш орқали уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга хизмат қиласди;

тўртинчидан, судлар томонидан ишларни қўриш жараёнидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини принцип ва нормаларига зид бўлган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш ва уларни белгиланган тартибда бартараф қилиш орқали шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришилади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўллашни орқали Янги Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига риоя қилинаётганлиги ўз ифодасини топади;

олтинчидан, судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция-сида белгиланган одил судловни амалга оширишнинг конституциявий принципларига (*Конституция ва қонунларнинг устуностини ҳамда судларнинг қонунчилик ҳужжатлари асосида иши юритиши; барчанинг қонун олдида тенглиги; одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши; судьяларнинг мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсуниши; ҳамма судларда ишлар очиқ қўрилиши; суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийлиги; суд ишлари юритиладиган тил*) оғишмай риоя этишлари таъминланади;

еттинчидан, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, шунингдек давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги ҳамда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши таъминланади.

**ЛЕЩЕНКО СНЕЖАНА
КОНСТАНТИНОВНА**

Заместитель директора учреждения образования «Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета», кандидат юридических наук, доцент

ЧЕЛОВЕК, ЕГО ПРАВА, СВОБОДЫ И ГАРАНТИИ ИХ РЕАЛИЗАЦИИ КАК ВЫСШАЯ ЦЕННОСТЬ И ЦЕЛЬ ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА

Научная общественность Республики Узбекистан в настоящее время вовлечена в активное обсуждение и анализ вопросов, связанных с принятием Конституции Республики Узбекистан в новой редакции.

В Республике Беларусь в феврале 2022 года состоялся республиканский референдум, по результатам которого также была принята обновленная Конституция.

В Основной закон включены положения, направленные на сохранение исторической правды и памяти о Великой Отечественной войне и массовом героизме народа, воспитание патриотизма.

Государство дополнительно на себя возлагает обязательства по созданию условий для защиты персональных данных и обеспечению безопасности личности и общества при их использовании, содействию внедрению инноваций на благо общих интересов и другие.

Особо значимым изменением и дополнением раздела IV Конституции послужили нормы, закрепляющие конституционный статус Всебелорусского народного собрания. Данный раздел дополнен отдельной главой.

ВНС – высший представительный орган народовластия, выполняющий стабилизирующую и консолидирующую функции в обществе, гарантирующий преемственность и устойчивость системы органов государственной власти.

В заключение своего приветственного слова хотелось бы пригласить Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Республики Узбекистан к участию в Консорциуме организаций стран ближнего и дальнего зарубежья, осуществляющих подготовку, профессиональную переподготовку и (или) повышение квалификации судей и гражданских служащих. Консорциум объединяет учреждения образования Республики Беларусь, Российской Федерации, Республики Казахстан, Кыргызской республики. Это площадка для постоянного взаимодействия ученых и практиков, обсуждения важных научных проблем, инноваций в образовании. Участие ЦПК юристов, безусловно, смогло бы обогатить и расширить деятельность данного объединения.

Возвращаясь к теме сегодняшней конференции, отмечу важность и своевременность поднимаемых вопросов. Желаю участникам конференции плодотворной работы, интересных дискуссий, новых научных идей и непременного их воплощения!

АЗИЗОВ НИҒМОНЖОН
ПАРДАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бош
илмий ходими, юридик фанлар доктори,
профессор

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТҮҒРИСИДАГИ ГОЯЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Давлат ўз тараққиётида узоқ ва мураккаб босқични босиб ўтди. Шу давр мобайнида у оддий шаклдан, бугунги замонавий давлат кўринишидаги, асосий вазифаси инсон ва унинг камолотини таъминлашдан иборат бўлган тузилмага айланиб борди. Лекин бундай ўзгариш ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Инсониятнинг буюк мутафаккирлари, сиёsat арбоблари, умуман халқнинг меҳнати натижаси ўлароқ юзага келди. Шундай ҳодисалардан бири – ижтимоий давлат ҳодисасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносаби ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигини нишонлаш муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида, Ўзбекистон Конституциясини жамият тараққиётига монанд ҳолда ривожлантириш, унинг замон талабларига мослаштириш тўғрисидаги таклифни илгари сурди. Унда “инсон – жамият – давлат” тамойилини миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш; иқтисодий ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари бош мезон бўлишини таъминлаш; оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш; “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш; болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши; Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон қадри” учун етти йўналишда 100 та мақсад белгилаб олинди. Эътиборли жиҳати, 100 та мақсаддан 34 таси бевосита ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилганлиги, мамлакатимизда ижтимоий давлат ғояси қарор топишига яққол мисолдир.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси нимани англатади? Унинг қандай белгилари ва хусусиятлари мавжуд? Ижтимоий фанларда бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, муайян хulosаларга келинган. Айнан хуқуқшунослик соҳасида “ижтимоий давлат” тушунчаси нисбатан кам ўрганилган. Сўнгги йилларда илм-фан вакиллари, сиёсатчилар, депутатларимиз бу борада ўз фикрларини эълон қилиб келмоқдалар. Жумладан, Фозилжон Отахонов, Ҳожимурод Одилқориев, депутатлардан Шахноза Жолдасовалар ижтимоий давлатнинг хуқуқий жиҳатларини ўрганганлар.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда немис олими Лоренц фон Штейн томонидан илмий муомалага киритилган. Унинг таъкидлашича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши, барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий хуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаши лозим. Бунда инсон камолоти давлат равнақи учун зарурый шарт ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларининг (Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия, Дания, Швеция ва бошқ.) конституцияларида “ижтимоий давлат” қоидалари ўз ифодасини топди. Жумладан, Конституцияга мувофиқ Германия “демократик ва ижтимоий федерал давлат”, деб эълон қилинган. Шунингдек, Франция Конституциясида “бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика”, Испания Конституциясида эса “хуқуқий, демократик, ижтимоий давлат”, Туркия конституциясида “демократик, дунёвий ва ижтимоий хуқуқий давлат” тамойили ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдумида қабул қилинган қилинган янги Конституциясида “ижтимоий давлат” тушунчаси муҳрланди. Маълумки, Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермайди, балки унда давлат сиёсатининг конституциявий-хуқуқий асослари белгиланади.

Тадқиқотчилар ижтимоий давлатни тавсифловчи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатадилар: меҳнатни ва одамлар соғлиғини мухофазалаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг минимал миқдорини кафолатлаш, оилани, оналиқ, оталик ва болаликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, бошқа тўлов ва нафақаларни белгилаш, ялпи ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва х.к.

Бироқ давлат жамият ва инсонларнинг барча эҳтиёжларини тўла таъминлаб беради, деб умид қилиш тўғри эмас. Давлат ҳамма нарсани муҳайё қиласди, мурувват манбаи бўлади, деб боқимандаликка берилиш ҳам маъқул эмас.

Ҳозирги босқичда хукуқ назариётчилари, олимлар ва социологлар деярли бир овоздан давлат ижтимоий ёрдам билан шуғулланиши лозимлиги, яъни одамлар ўзини энг кам яшаш минимуми билан таъминлашга қодир бўлмаган

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

жойда ва вақтда шуғулланиши шарт деган фикрни илгари сурадилар. Фақат бу қоидани амал қилишининг битта шарти мавжуд: ҳар бир меҳнатга лаёқатли шахс ўзини ва оиласини яшаш учур зарур бўлган неъматлар билан таъминлашга мажбур. Унга нисбатан давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий таъминот функцияси иккинчи даражали ва ёрдамчидир. Давлатнинг масъулияти шахс ўзи ва оиласининг эҳтиёжларини қондира олмасагина пайдо бўлади.

Қатор хорижий мамлакатлар конституцияларида инсоннинг меҳнат қилиш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Франция Республикаси 1958 йилги Конституциясида “Ҳар бир инсон меҳнат қилишга мажбур...” эканлиги; Япония Конституциясининг 27-моддаси 1-қисмида: “Ҳар ким меҳнат қилиш ҳуқуқига эга ва меҳнат қилишга мажбурдир” Португалия Республикаси Конституциясининг 58-моддаси 2-қисми: “Меҳнат қилиш мажбурияти меҳнат қилиш ҳуқуқидан ажралмасдир. Истисно касаллик, ёш ёки ногиронлик туфайли меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган шахслар учундир”; Испания Конституциясида (35-модда, 1-қисм): “Барча испанлар ишлашга мажбурдирлар ва ишлаш ҳуқуқига эга ...”; Италия Республикаси Конституциясининг 4-моддасига кўра, “...Ҳар бир фуқаро ўз имкониятларига мувофиқ ва унинг танлови асосида} жамиятнинг моддий} ёки маънавий тараққиётига ҳисса қўшадиган фаолиятни амалга ошириш ёки функцияларни бажаришга мажбурдир”; Полша Республикаси Конституциясига кўра (82-модда) “Полша фуқароси мажбурияти бўлиб, Полша Республикасига содиқлик, шунингдек, умумий манфаатлар учун ғамхўрлик ҳисобланади”.

Конституцияларда мустаҳкамланган меҳнат қилиш мажбурияти – маҳнатнинг мажбурийлигини англашмайди. Ҳар бир шахс, ўз қобилияти, иқтидори, билими, кўникмасига мос равишда касб танлаши, меҳнат қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясида ижтимоий давлат тушунчаси, амал қилиш тамойиллари, фаолият йўналишлари мужассам ифодасини топган. Конституциямиз муқаддимасида, Ўзбекистоннинг ягона халқи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқат, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашни мақсад қилган ҳолда ушбу Конституция қабул қилинганлиги ва эълон қилиниши мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги, 14-моддасида эса, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Конституциямизнинг 42-моддасида, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарздаadolatli ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш хуқуқига эгалиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради (**43-модда**).

Ўзбекистон Конституциясида миллий қадриятларга таянган ҳолда, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизлиқда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот хуқуқига эгалиги, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган (**46-модда**).

Сўзимизнинг исботи сифатида баъзи рақамларга мурожаат этамиз: 2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. 2017 йилда 500 мингта кам таъминланган оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиласа кўмак берилмоқда. Бу борада ажратилаётган маблағлар 7 баробар кўпайиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Асосий Қонунда фуқароларни уй-жой билан таъминлаш қоидаси белгиланган. Конституциянинг **47-моддага кўра**, ҳар ким уй-жойли бўлиш хуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган заарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган хуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади. Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилгани ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Жамиятнинг тараққий этиши, ўз навбатида унинг аъзоларининг соғлом бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, конституция 48-моддасида инсоннинг соғлиғини таъминлаш билан боғлиқ бўлган хуқуқлари белгилаб қўйилди. Унга кўра, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади (**48-модда**).

Баъзи рақамларга мурожаат этсак: соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ажратилган маблағлар **7,3 трлн. сўмдан 24,7 трлн. сўмга**, дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар **0,4 трлн. сўмдан 1,8 трлн. сўмга** етказилди.

Комил инсонни тарбиялаш таълим тизимининг самарадорлигига боғлиқдир. Конституцияда ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклузив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланган.

Узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мактабгача таълим билан қамров даражаси **27,7 фоиздан 67 фоизга**, мактаблардаги малакали олий маълумотли ўқитувчилар улуши **81,8 фоиздан 87,8 фоизга** етказилди. Олий таълим муассасалари 2,5 баробарга ошиб, олий таълимга қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ортди.

Конституцияга биноан давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жихатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади (**79-модда**).

Айниқса, ёшларни кўллаб-куватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб - келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда илғор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда, йигит-қизларимиздан 5,2 минги “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида ИТ касбларига, 6,4 минги “Ёшлар 1+1” ва “Тадбиркор аёл” лойиҳалари доирасида тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитилди.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг янги Конституциясида “ижтимоий давлат” ҳодисасининг мустаҳкамланиши, жамият тараққиёти учун муҳим босқич бўлиб, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ривожланишининг янги йўналиши учун туртки бўлди. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий соҳа вакиллари, жумладан, ҳукуқшунослар учун шу соҳадаги илмий тадқиқотларни кучайтиришни, “ижтимоий давлат” ҳодисаси қирраларини тадқиқ этиш зарурлигини англатади.

**МУЖЧИЛЬ САВЕЛИЙ
АЛЕКСАНДРОВИЧ**

**Старший преподаватель кафедры
Права и международных отношений
Казахстанско-Американского свободного
университета (Республика Казахстан)**

НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН

Права человека в Казахстане закреплены Конституцией, главным образом — в разделе II «Человек и гражданин» Республика Казахстан является членом ООН, ОБСЕ и СНГ.

В 1995—2022 году действовал Конституционный совет, сменивший Конституционный суд после принятия Конституции 1995 года. В 2022 году в конституции Казахстана Конституционный совет был заменён на Конституционный суд с правом обращения каждого, кто посчитает, что нормативные правовые акты непосредственно затрагивают их конституционные права.

Ранее право частных лиц обращаться в Конституционный совет не было предусмотрено, в отличие от Конституционного суда, существовавшего до 1995 года.

С 2002 года существует должность Уполномоченного по правам человека. С 1997 года при президенте существует комиссия по правам человека.

Комиссия по правам человека при Президенте Республики Казахстан является консультативно-совещательным органом, содействующим реализации Главой государства его конституционных полномочий гаранта прав и свобод человека и гражданина, признаваемых и гарантируемых в соответствии с Конституцией Республики Казахстан.

1) создание условий для реализации Президентом Республики Казахстан его конституционного статуса гаранта прав и свобод человека и гражданина в Республике Казахстан;

2) содействие совершенствованию механизма обеспечения и защиты прав и свобод человека и гражданина;

3) содействие деятельности центральных и местных государственных органов по реализации государственной политики в области обеспечения и защиты прав и свобод человека и гражданина;

4) участие в разработке концепций и программ государственной политики в сфере обеспечения и защиты прав и свобод человека;

5) содействие укреплению международного сотрудничества в области обеспечения и защиты прав и свобод человека.

Решениями Комиссии являются рекомендации и заключения, принимаемые на ее заседаниях и доводимые до сведения Президента

Республики Казахстан. Рекомендации и заключения Комиссии принимаются простым большинством голосов от числа присутствующих на заседании ее членов. При равенстве голосов считается принятым решение, за которое проголосовал председательствующий на заседании.

Рекомендации и заключения Комиссии, принятые в пределах ее полномочий, направляются соответствующему государственному органу, в компетенцию которого входит решение вопроса.

Государственный орган и его должностные лица, получившие рекомендации и заключения Комиссии, обязаны в установленный срок рассмотреть их и уведомить ее о принятом решении.

Комиссия состоит из председателя, секретаря и членов Комиссии, утверждаемых Президентом Республики Казахстан по представлению Государственного секретаря Республики Казахстан.

Уполномоченный по правам человека в Республике Казахстан — должностное лицо в Республике Казахстан, избираемое Сенатом Парламента Казахстана по представлению Президента Казахстана в целях обеспечения государственной гарантии защиты прав и свобод человека и гражданина, их соблюдения и уважения.

Данный институт призван защищать права человека от посягательств государственных должностных лиц, обеспечивать развитие законодательства и правоприменительной практики, разрабатывать и внедрять просветительские программы.

Уполномоченный по правам человека в Республике Казахстан является лицом, занимающим ответственную государственную должность, которая установлена Конституцией Республики Казахстан в целях обеспечения государственной гарантии защиты прав и свобод человека и гражданина, их соблюдения и уважения.

Задачами деятельности Уполномоченного по правам человека в Республике Казахстан являются содействие восстановлению нарушенных прав и свобод человека и гражданина, способствование продвижению прав и свобод человека и гражданина. На пост омбудсмена назначает Президент.

К его основным функциям относятся представление, обеспечение, защита прав и законных интересов предпринимателей и рассмотрение их обращений.

Приоритетной задачей Уполномоченного является защита прав и интересов детей-сирот, детей, оставшихся без попечения родителей, и детей, находящихся в трудной жизненной ситуации.

Уполномоченный по правам детей рассматривает обращения по нарушениям прав и законных интересов ребенка, жалобы на действия или бездействие со стороны местных исполнительных органов и других организаций. Также участвует в продвижении законопроектов по решению проблем в сфере охраны и защиты детства.

В Конституции Республики Казахстан закреплены следующие права и обязанности:

- Право свободного передвижения по территории РК и свободного выбора местожительства, кроме случаев, оговоренных ст. 21.п.1.
- Каждый имеет право на тайну личных вкладов и сбережений, переписки, телефонных переговоров, почтовых, телеграфных и иных сообщений. Ограничения этого права допускаются только в случаях и в порядке, прямо установленных законом. (ст.18, п.2)
- Право на жизнь. Никто не вправе произвольно лишать человека жизни. Смертная казнь устанавливается законом как исключительная мера наказания за террористические преступления, сопряженные с гибелью людей, а также за особо тяжкие преступления, совершенные в военное время, с предоставлением приговоренному права ходатайствовать о помиловании. . (ст.15, п. 2.)
- Свобода слова и творчества гарантируется. Цензура запрещается (ст.20).
- Каждый имеет право на признание его правосубъектности и вправе защищать свои права и свободы всеми не противоречащими закону способами, включая необходимую оборону (ст.13, п.1);
- Каждый имеет право на судебную защиту своих прав и свобод. (ст. 13, п. 2)
- Каждый имеет право на получение квалифицированной юридической помощи. В случаях, предусмотренных законом, юридическая помощь оказывается бесплатно(ст.13, п.3).
- Все равны перед законом и судом (ст. 14,п. 1)
Никто не может подвергаться какой-либо дискриминации по:
 - мотивам происхождения,
 - социального, должностного и имущественного положения,
 - пола,
 - расы,
 - национальности,
 - языка,
 - отношения к религии,
 - убеждений,
 - места жительства
 - или по любым иным обстоятельствам (ст.14,п.2) .
- Граждане Республики Казахстан могут иметь в частной собственности любое законно приобретенное имущество (ст26, п 1).
- Собственность, в том числе право наследования, гарантируется законом. (ст26, п. 2)

Никто не может быть лишен своего имущества, иначе как по решению суда. Принудительное отчуждение имущества для государственных

нужд в исключительных случаях, предусмотренных законом, может быть произведено при условии равноценного его возмещения.

Каждый имеет право на свободу предпринимательской деятельности, свободное использование своего имущества для любой законной предпринимательской деятельности. Монополистическая деятельность регулируется и ограничивается законом. Недобросовестная конкуренция запрещается. Граждане Республики вправе получать бесплатно гарантированный объем медицинской помощи, установленный законом. Получение платной медицинской помощи в государственных и частных лечебных учреждениях, а также у лиц, занимающихся частной медицинской практикой, производится на основаниях и в порядке, установленных законом. Гражданам гарантируется бесплатное среднее образование в государственных учебных заведениях. Среднее образование обязательно. Гражданин имеет право на получение на конкурсной основе бесплатного высшего образования в государственном высшем учебном заведении. Получение платного образования в частных учебных заведениях осуществляется на основаниях и в порядке, установленных законом. Государство устанавливает общеобязательные стандарты образования. Деятельность любых учебных заведений должна соответствовать этим стандартам. Граждане Республики Казахстан имеют право участвовать в управлении делами государства непосредственно и через своих представителей, обращаться лично, а также направлять индивидуальные и коллективные обращения в государственные органы и органы местного самоуправления. Граждане Республики имеют право избирать и быть избранными в государственные органы и органы местного самоуправления, а также участвовать в республиканском референдуме.

Не имеют права избирать и быть избранными, участвовать в республиканском референдуме граждане, признанные судом недееспособными, а также содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда.

Граждане Республики имеют равное право на доступ к государственной службе. Требования, предъявляемые к кандидату на должность государственного служащего, обусловливаются только характером должностных обязанностей и устанавливаются законом.

Каждый обязан соблюдать Конституцию и законодательство Республики Казахстан, уважать права, свободы, честь и достоинство других лиц (ст. 34, п.1). Каждый обязан уважать государственные символы Республики. (ст. 34, п.2). Уплата законно установленных налогов, сборов и иных обязательных платежей является долгом и обязанностью каждого. Защита Республики Казахстан является священным долгом и обязанностью каждого ее гражданина. (ст. 36, п.1).

ХАМРАҚУЛОВ ШАВКАТ

Адлия вазирлиги Инсон ресурслари башқармаси бош маслаҳатчиси

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Жамиятда халқ, миллат, аҳоли ва оила тинчлиги ва унинг манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг янги Конституциясида “Инсон – жамият – давлат” ва “Инсон қадри учун” каби эзгу ғоялар устувор этиб белгиланиб, инсон манфаатлари, қадр-қиммати устуворлиги асосий ўринга кўтарилди ҳамда ушбу тамойиллар конституцион ислоҳотларнинг бош мезонига айланди.

Хусусан, мамлакатимиз Конституциясида меҳнатга оид нормаларнинг ифодаланиши ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг тизимли равишда жамият ва халқ учун биринчи навбатдаги зарурийлик тамойилига асосланади ва ҳар бир фуқаронинг ўз меҳнат ҳуқуқларини tenglik асосида амалга оширишлари учун кафолат ҳисобланади.

Давлатимиз Конституциясида белгиланган меҳнатга оид нормаларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз, жумладан:

Тенглик принципи. Конситуциянинг 19-моддаси иккинчи қисмида барча фуқароларнинг тенглиги принципи белгиланган. Ушбу норма қоидалари Меҳнат кодексининг 4-моддасида ҳам ўз ифодасини топган, унга кўра, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга ва меҳнат ҳамда машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади.

Муносиб меҳнат шароити. Конситуциянинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида камситишларсиз ишлаш ва меҳнатига яраша ҳамда турмуш даражаси учун муносиб ҳақ олиши кафолати белгилаб берилган.

Мұхим нормалардан бири: Ҳомиладорлығы ёки боласи борлығи сабабли аёлларни шыга қабул қилишни рад этиши, шидан бўшатиш ва уларнинг шиҳақини камайтириши тақиқланади. Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилиши билан ҳомиладор ва ёш болали аёллар учун Конституциявий кафолат ва мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди. Мехнат кодексининг 119-моддасига кўра “ҳомиладорлик ёки фарзандлар борлығи билан боғлиқ сабабларга кўра шыга қабул қиласлик қонунга хилоф рад этиши” деб баҳоланади.

Бандлик. Конситуциянинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлашни, уларни ишсизликдан ҳимоя қилишни, камбағалликни қисқартириш чораларини кўришни ва шу билан бирга, уларнинг касбий тайёргарлиги ва қайта тайёрланишини ташкил этишини кафолатлади.

Мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши. Маълумки, мамлакатимизнинг эски Конституциясида ҳам, янги Конституциясида ҳам “Мажбурий меҳнат тўғрисида” Ҳалқаро (28.06.1930 й. Женева) Конвенциянинг қоидалари назарда тутилиб, Конституциянинг 44-моддасида ифода этилган. Унга кўра, суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари **мажбурий меҳнат тақиқланади**. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф соловчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи **ҳар қандай шакллари тақиқланади**.

Дам олиш ва меҳнат таътили. Меҳнат муносабатлари соҳасида ходимнинг асосий хукуқларидан бири, муносиб ишда ишлаш билан бирга дам олиш ва ўз вақтида таътил олиш ҳисобланади. Ушбу қоидалар Конституциянинг 45-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, ҳар ким дам олиш хукуқига эга, ёлланиб ишловчиларга дам олиш хукуки иш вақтининг давомийлигини, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларини, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилини белгилаш орқали таъминланиши белгиланган.

Ўқитувчининг қадр-қимматини кўтариш. Жамиятнинг баркамол улғайиши ва билмли бўлишида шубҳасиз ўқитувчиларнинг ўрни беқиёсdir. Конституциянинг 52-моддасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси **сифатида эътироф этилади**. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қиласи.

Гендер тенглиги. Конституциянминг 58-моддасида давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши аниқ белгилаб берилди.

АБДУЛЛАЕВА НАРГИЗА

Адлия вазирлиги масъул ходими

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРЗУ-НИЯТЛАРИНИ ЖАМЛАГАН ҲУЖЖАТ

Конституция ҳар бир мустақил давлатнинг ўзига хос ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берадиган Бош қомусидир. Айнан Конституция давлат фуқароларининг ҳуқуқлари ҳимояланганини кўрсатувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар мажмуасидир. Асосий Қонунимизнинг бугунги қиёфасига назар ташлар эканмиз, унинг мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезони даражасидаги ҳужжатга айланиш йўли анча залворли кечганини эътироф этмасликнинг имкони йўқ. Зоро, Конституциямизнинг қабул қилиниши бир сўз билан айтганда мустақиллик, истиқлол ва тараққиётимиз учун курашнинг, ўз тилимизга ҳуқуқий мақом беришнинг, ўз рамзларимиз, ўз миллий пул бирлигимиз, озод ва мустақил давлатнинг ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган фуқароси эканлигимизнинг кафолатидир.

2023 йилнинг 1 май санасидан кучга кирган янги таҳрирдаги Конституция халқимизнинг орзу-ниятларини ўзида жамлаган ҳужжат бўлди, десак адашмаймиз. Янгилangan қомусимизга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган ва бу сафар киритиладиган ўзгаришлар сони кўп эканлиги боис, ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янги конституциямизда моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошли.

Халқ овози қонунларда мустаҳкамланди:

Янги таҳрирдаги қомусимиз қабул қилинишида очиқлик, ошкоралик ва шаффоғлик асосида бўлиб ўтган умумхалқ муҳокамалари мухим аҳамият касб этди. Фуқаролардан келиб тушган 220 мингдан зиёд таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олиб, Конституция 65 фоизга янгиланди. Умумжаҳон саҳнасида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат эканлигимизнинг ўзига хос Паспорти ҳисобланадиган ушбу Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг орзу-истакларини ўзида мужассам этган халқимиз овозининг ифодасидир. Ўз келажаги, янада фаровон ҳаёти учун овоз берган халқимизни қийнаб келаётган долзарб масалалар, муаммоларга янги Конституцияда аниқ ечимлар берилган.

Нималар ўзгарди?

Конституциянинг 1-моддасидаги «Ўзбекистон – суверен демократик республика» жумласи «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» шаклида ўзгартирилди. Бу эса давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланиши, давлат бошқарувида сайланиш ва ўз вакилларини сайлаш орқали барчанинг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши, барча жараёнлар қонуний асосда намоён бўлиши ҳамда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлишини англатади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат ва дин бир-биридан ажратилган дунёвий давлат эканлиги таъкидланган.

III бобнинг 15 моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласида ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади, дея алоҳида таъкидланган. Бу эса ҳар бир фуқарога конституцияда кўрсатилган қонунлар доирасида ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини беради. 19 моддада эса эски таҳрирдан фарқли равишда имтиёзлар фақат қонунга мувоғиқ белгиланиши ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши ҳақидаги норманинг киритилиши ўзига хос инсоний бағрикенгликни англатувчи ифодадир.

Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланадими?

Ха, фақат битта ўринда. 21 моддада таъкидланганидек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирадагина чекланиши мумкин. **Шунингдек**, муайян шарт ва тартиб асосида ернинг хусусий мулк бўлиши мумкинлиги, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши ҳамда монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши ҳақидаги бандлар бугунги кунда барчамиз дуч келишимиз мумкин бўлган аксарият муаммоларга ечим бўла олади.

Асосий янгиликлардан яна бири, шу пайтга қадар фақатгина қофозларда қолиб кетаётган фикрлар – ОАВ фаолиятига тўсқинлик учун жавобгарлик Конституция даражасида белгиланди. Суд тизимига доир киритилган бандга кўра, Конституциявий суд судялари 10 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мумкин бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда...

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, конституциямизда инсонпарварлик, бағрикенлик тамойиллари ўз исботини топган. Ушбу ҳужжатни ҳаётимизга самарали татбиқ этиш эса барча мақсадларимизнинг энг муҳим шартидир. Янгиланган Конституция бугунги ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олган ва мамлакатимизни демократик ривожлантириш, жамиятимизни юқори поғонага олиб чиқиш, тараққий эттиришга, ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди.

РАХИМОВ ДОНИЁР
БАХТИЯРОВИЧ

Юристлар малакасини ошириш Маркази
профессори, юридик фанлари доктори (DSc)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ОДИЛ СУДЛОВ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилиниши жамият ривожланиши натижасида юзага келаётган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ҳаётий зарурати бўлиб, у мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни белгилаб олишимиз учун адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадам ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидағи юзлаб чекловларнинг олиб ташланганлиги, нақд пул, валюта, кредит масалаларидағи муаммолар ҳал қилинганлиги ва бошқа амалга оширилган ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш зарур.

Ушбу каби ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун уларни албатта Конституцияда муҳрлаб қўйиш лозим бўлади.

Бошқа жабхаларда бўлгани каби одил судловни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ҳам Конституция даражасида янада мукаммал ифодалаб қўйиш зарурияти мавжуд. Бу каби нормаларнинг юқори ҳуқуқий мақомдаги Комусда ўз аксини топиши одил судловнинг судлар томонидан амалга оширилишининг гарови ҳисобланади.

Буни янада тўлароқ англаб етишимиз учун Биз олдинги таҳрирдаги Конституция ва янги таҳрирдаги Конституцияда ўз аксини топган суд ҳокимиятига оид бўлган нормаларга қиёсий таҳлилий назар ташлаймиз.

Олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти - қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишига оид норма ифодаланган бўлса, янги таҳрирдаги Конституциянинг 130-моддаси Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади каби норма билан тўлдирилиб, масалага аниқлик киритилди.

Шунингдек, амалдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида суд тизими - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар ва х.к. судлардан иборат эканлиги белгиланган бўлса, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 107-моддасида ҳам бу каби қоидалар ўз аксини топган эди. Мазкур моддаларни қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлаштириш учун янги таҳрирдаги

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Конституциянинг 131-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланади деб қайд этилди.

Бундан ташқари, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 108-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти, Конституциявий суди судьялари, раиси ва унинг ўринбосари

нинг сайланиш тартиби белгиланган бўлсада, бироқ уларнинг қанча муддатга сайланишига оид нормалар белгиланмаган эди. Мазкур моддани янада мукаммаллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциянинг 132-моддаси Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўз таркибидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини беш йиллик муддатга сайлайди деган нормалар билан тўлдирилди.

Олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 109-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан “Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди” каби еттита туркумдаги ишлар кўриб чиқиши белгиланган бўлса, буларнинг доираси саккизтага кўпайди, яъни янги таҳрирдаги Конституциянинг 133-моддаси “референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хulosा беради” ва “Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли” эканлиги тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 110-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлсада, бироқ Олий суд раиси ва унинг ўринбосарларининг қанча муддатга сайланиши ўз ифодасини топмаган эди. Шу нуқтаи-назардан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 134-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан беш йиллик муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги қайд қилинди.

Бундан ташқари, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 111-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлсада, бироқ мазкур кенгашнинг раиси ва унинг ўринбосари

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

қанча муддатга сайланиши масаласи очик қолган эди. Шу жиҳатдан янги таҳрирдаги Конституциянинг 135-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланиши белгилаб қўйилди. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги эътироф этилди.

Шу билан биргаликда, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 112-моддасида судъялар ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлсада, бироқ уларнинг бу мақоми янада мукаммаллаштирилишига бўлган заруриятдан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирдаги Конституциянинг 136-моддасида судъялар нафақат қонунга балки, “Конституция ва қонунга бўйсуниши” қайд қилинди. Шунингдек, мазкур моддага судъялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди. Судъялар дахлсиздир. Давлат судъянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди. Судъяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судъяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Судъялар илмий ва педагогик ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиши мумкинлигини ифодаловчи нормалар киритилди.

Бундан ташқари, олдинги таҳрирдаги Конституциянинг 115-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади деб қайд қилинган эди, бу доирадаги муносабатлар янги таҳрирдаги Конституциянинг 139-моддасида “ёхуд қонунга мувофиқ бошқа тилда олиб борилади” деган тарзда тўлдирилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда судлар томонидан одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари янада мустаҳкамланди. Хусусан, судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклигини ифодаловчи 140-модда киритилди.

Хулоса сифатида эътироф этиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституцияда ифодаланган суд ҳокимиятига оид нормалар одил судловнинг юксак даражада ва тўлақонли амалга оширилишини таъминлайди.

ШАКУРОВ РАФИК
РАВИЛЕВИЧ

Доцент Центра повышения квалификации
юристов при Министерстве юстиции
Республики Узбекистан

ЗНАЧЕНИЕ И ФОРМЫ РЕАЛИЗАЦИИ КОНСТИТУЦИОННОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ

Будучи полноправным субъектом международно-правовых отношений, Республика Узбекистан с уважением относится к требованиям международных стандартов по защите прав, свобод и интересов личности и человека.

Эти стандарты нашли своё отражение в принципах и положениях Конституции Республики Узбекистан, которые несомненно должны найти свое отражение в других законах Республики Узбекистан.

Выступая на торжественной церемонии, посвященной 32-й годовщине независимости Республики Узбекистан глава нашего государства верно отметил, что «Мы должны жить по совести в соответствии со справедливыми законами, должны уверенно и сплочённо двигаться вперед во имя будущего страны»¹.

Безусловно, в обеспечении справедливости законов важное место занимает Основной Закон – Конституция Республики Узбекистан, который является основополагающим для всех законов нашего государства. Этот конституционный принцип определен как «Верховенство Конституции и закона» в главе III Конституции Республики Узбекистан.

Данный принцип означает, в частности, что Конституция Республики Узбекистан имеет высшую юридическую силу, прямое действие и образует основу единого правового пространства на всей территории страны, а также то, что государство и его органы, другие организации, должностные лица, институты гражданского общества и граждане должны действовать в соответствии с Конституцией и законами (статья 15 Конституции).

Анализ Основного закона позволяет выделить ряд положений, в которых так или иначе обозначено обеспечение справедливости в различных сферах жизни государства, общества и человека.

Особая значимость справедливости обусловила её закрепление в качестве преамбулы Конституции Республики Узбекистан.

¹ См.: Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвящённой 32-й годовщине независимости Республики Узбекистан/<https://president.uz/ru/lists/view/6637>;

В частности, отмечается, что единый народ Узбекистана принимая и провозглашая Конституцию подтверждает свою верность идеалам демократии, свободы и равенства, социальной справедливости и солидарности, осознает высокую ответственность перед нынешним и будущими поколениями за построение гуманного демократического государства, открытого и справедливого общества, в котором высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь и достоинство.

В силу того, что законы и другие нормативно-правовые акты Республики Узбекистан должны быть разработаны и приняты с учетом принципов и общих положений Основного закона страны, важным является обеспечение и реализация положений Конституции, регламентирующих вопросы справедливости. Так, статья 14 Конституции Республики Узбекистан, закрепляет положение о том, что «Государство осуществляет свою деятельность на принципах законности, социальной справедливости и солидарности в целях обеспечения благосостояния человека и устойчивого развития общества».

Известно, что система государственной власти Республики Узбекистан основывается на принципе разделения властей, одну из ветвей которой составляет судебная власть (ст. 11 Конституции). Соответственно, обеспечение указанное в статье 14 Конституции Республики Узбекистан принципа социальной справедливости возлагается на суд, который как представитель государственной власти должен осуществлять правосудие по уголовным делам в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан, провозглашающей основные идеи социальной справедливости (Преамбула Конституции Республики Узбекистан).

Это означает, что суды Республики Узбекистан в рамках своих полномочий и обязанностей должны осуществлять правосудие руководствуясь принципами Уголовно-процессуального законодательства (далее по тексту – УПК) в которых также воплощены принципы справедливости. Необходимость обеспечения справедливости, предусмотрены Уголовно-процессуальным законодательством относительно справедливого наказания (статья 2 УПК), собирания, проверки и оценки доказательств (статья 85 УПК), вынесения справедливого приговора (ст.ст.21, 455, 478, 488, 490 УПК), предмета разбирательства суда вышестоящей инстанции (статья 482 УПК), основания к отмене или изменению приговора, определения (статья 485 УПК), при принятии решения судом апелляционной инстанции (497³¹ УПК), при рассмотрении уголовного дела в суде кассационной инстанции (ст.ст.509⁷,

509¹⁰ УПК), при рассмотрении уголовного дела в ревизионном порядке в Суде Республики Каракалпакстан, областных, Ташкентском городском судах, Военном суде Республики Узбекистан (ст.ст.521³, 521⁶ УПК), при возобновлении производства ввиду вновь открывшихся обстоятельств (статья 522 УПК).

Как видим действующее Уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан пронизано обеспечением справедливости.

В статье 21 Конституции Республики Узбекистан определено, что «Права и свободы человека могут быть ограничены только в соответствии с законом и лишь в той мере, в какой это необходимо в целях защиты конституционного строя, здоровья населения, общественной нравственности, прав и свобод других лиц, обеспечения общественной безопасности и общественного порядка». Названное конституционное положение нашло свое отражение в статье 8 («Принцип справедливости») Уголовного кодекса Республики Узбекистан, которое гласит «Наказание или иная мера правового воздействия, применяемая к лицу, виновному в совершении преступления, должны быть справедливыми, то есть соответствовать тяжести преступления, степени вины и общественной опасности его личности».

Реализацию конституционного положения о том, что «Каждый имеет право на достойный труд, на свободный выбор профессии и рода деятельности, благоприятные условия труда, отвечающие требованиям безопасности и гигиены, на справедливое вознаграждение за труд без какой бы то ни было дискриминации и не ниже установленного минимального размера оплаты труда, а также на защиту от безработицы в порядке, установленном законом» (статья 42 Конституции) можно проследить в действующем Трудовом законодательстве Республики Узбекистан (далее по тексту – ТК). Данное положения о справедливости закреплено в качестве основных задач трудового законодательства (статья 2 ТК).

В соответствии со статьей 63 Конституции Республики Узбекистан одной из обязанностей граждан является уплата установленных налогов и сборов. Вместе с тем, исходя из принципа социальной справедливости отмечается, что «Налоги и сборы должны быть справедливыми и не должны препятствовать реализации гражданами своих конституционных прав». Данное конституционное положение реализовано в Наловом кодексе Республики Узбекистан, в котором в качестве одного из принципов налогообложения определена справедливость. Так, статья 10 Налового кодекса определяет, что «Налоги и сборы не могут иметь дискриминационный

характер и применяться исходя из социальных, расовых, национальных, религиозных и иных подобных критериев. Не допускается устанавливать дифференцированные налоговые ставки, налоговые льготы или иные преимущества в зависимости от формы собственности, гражданства физических лиц или страны происхождения капитала. Не допускается устанавливать налоги, препятствующие реализации гражданами своих конституционных прав».

«Для организации и проведения выборов Президента Республики Узбекистан, в Олий Мажлис Республики Узбекистан, представительные органы государственной власти областей, районов, городов, а также референдума Республики Узбекистан Олий Мажлисом Республики Узбекистан образуется Центральная избирательная комиссия Республики Узбекистан, основными принципами деятельности которой являются независимость, законность, коллегиальность, гласность и справедливость» (статья 129 Конституции). О реализации предусмотренного в статье 21 Конституции Республики Узбекистан принципа справедливости, свидетельствует статья 11 Избирательного кодекса Республики Узбекистан, где отмечается, что «Избирательные комиссии принимают необходимые меры по обеспечению кандидатам, политическим партиям равных условий для проведения избирательной кампании, справедливого распределения бюджетных средств, выделенных на подготовку и проведение выборов, честности голосования и подведения итогов выборов».

Многообразие существующих законов Республики Узбекистан не позволяет в рамках данного тезиса охватить и рассмотреть широкую имплементацию положений Основного закона о справедливости.

Вместе с тем, важно отметить, что воплощение положений Конституции Республики Узбекистан и, в частности, положения о справедливости в законы нашей страны, обязуют государственные органы, другие организации, должностных лиц осуществлять свои полномочия по отношению к физическим и юридическим лицам в рамках требований справедливости.

РАХМОНОВ ЗАФАРЖОН
ЗАЙНИДДИНОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси
E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛИШИДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати мустақилликка эришган вақтдан бошлаб босқичма-босқич ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда. Дастрраб давлат хизматининг ташкил топиши, унинг туб илдизлари ва ривожланиш тарихига назар ташласак, бу ҳақида тадқиқотчи олимларнинг турли хил фикрларни кўришимиз мумкин.

Хорижий тадқиқотчилар давлат хизмати моҳият сифатида давлатлар вужудга келгандан бери мавжудлигини таъкидлашади. Таҳлилчилар **Итжек Галнур ва Женинфер Осер** фикрича, давлат хизмати Қадимги Хитой ва Мисрнинг Қадимги подшолик даврлари (*мил.авв. 3 минг йилларнинг иккинчи ярми*)да бошланган. Улар замонавий даврдаги давлат хизмати эса XVIII асрда Пруссия ва Францияда ривожланганинг, ижтимоий-хуқуқий категория сифатида XIX асрда Буюк Британияда вужудга келган деган фикрларни билдиришган¹. Биз ҳам юқоридаги **И.Галнур ва Ж.Осер** фикрига қўшиламиз, яъни бутун дунёда давлат хизмати бевосита давлатчиликнинг вужудги келиши билан бир вақтга ташкил топган. Чунки давлатларнинг ташкил топиши бевосита уларда давлат хизматчиларининг ҳам фолиятини йўлга қўйилишига олиб келган ва шу асосда давлат хизматининг илк куртаклари вужудга кела бошлаган.

Таъкидлаш жоизки, давлат хизматининг бир тури сифатида давлат фуқаролик хизмати ҳам ривожланиб, тараққий этиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат хизмати тизимини, шу жумладан давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ўзининг ривожланиш босқичларига эгадир.

Узбекистон Республикасида давлат хизмати деганда – давлат ташкилотида давлатнинг олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти тушунилади². Давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат хизмати комплекс асосда Конституция ҳамда бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизматини ўташ соҳасида юзага келадиган

¹ Itzhak Galnoor, Jennifer Oser. Civil Service // <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780080970868750033?via%3Dihub>

² Э.Хожиев “Давлат хизмати” (қўлланма). Тошкент, 2004. – Б 27.

ижтимоий муносабатлар конституциявий, маъмурий, молиявий, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан тартибга солинади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш эса, давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари асосида тартибга солинади. Хусусан, Конституциянинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига оид V бобида давлат фуқаролик хизматига алоқадор умумий нормаларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, янгилangan Конституциянинг 37-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг хуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар Қонун билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида айтиб ўтилгандек тенглик хуқуқига оид норманинг асосий қонунимиз бўлган Конституциямизда акс эттирилиши давлат хизматига қабул қилишдан тортиб, уни ўташ даврида жинс бўйича камситишига йўл қўйилмаслиги, тенглик билим, малакага ва касбий тайёргарликка мувофиқ таъминланиши, бирор лавозимни эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантирилиши, уларнинг хизматда кўтарилиши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланган ҳолда амалга оширилишини белгилади.

Бугунги кунда давлат хизматини хуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида дунёning деярли барча давлатлари фаол позицияни эгаллашган. Кўплаб қонун чиқарувчиларнинг давлат хизмати институтини ташкил этишнинг конституциявий даражада асос яратганликлари ижобий баҳоланади. Хусусан, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа давлатларда шундай қоида жорий қилинган. Жумладан, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида, Германиянинг 1949 йилги Конституциясида ҳам бундай нормалар мавжуд¹.

Таъкидлаш лозимки, давлат хизматининг ташкилий асосларини ва функцияланишини таъминлаш бевосита унинг тамойилларига бориб тақалади. Бу тамойиллар нафақат давлат хизматининг, балки бутун давлат органлари тизимининг функцияланишини, уни ташкил этишнинг муҳим томонларини белгилаб беради. Давлат хизматининг тамойиллари – бу давлат хизмати тизимидағи давлат органлари, давлат хизматчиларининг вазифа ва функцияларини ўзида ифода этувчи қатъий коидалардир. Давлат хизматининг тамойиллари давлат хизматчилари фаолиятининг асосий йуналишлари умумий кўринишини очиб беради ва уларни давлат хизмати хуқуқий институтининг нормаларида мустаҳкамлайди.

Давлат хизматини хуқуқий таритибига солища Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар муҳим рол ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис

¹ Общество и право – 2017 – № 1 (59). 158-161 стр.

қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президети ва Ҳукумати қабул қилган ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари, марказий ижро ҳокимияти органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлари киради. Шунингдек ҳозирги кунда соҳани тартибга соладиган махсус ҳужжат “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда ҳам унинг қўлланилиш соҳаси белгилаб қўйилган. Жумладан, қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, мудофаа, дипломатик, божхона, солиқ хизмати ва бошқа махсус давлат хизматларида хизмат ўтаётган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланди. Ҳақиқатдан ҳам, санаб ўтилган соҳаларда давлат хизматини ташкил этиш, уни ўташ масалалари алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартбига солинган. Масалан, Прокуратура тўғрисидаги, Судлар тўғрисидаги, Ички ишлар органлари тўғрисидаги, Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги, Мудофаа тўғрисидаги Қонунлар шулар жумласидандир.

Фикримизча, давлат хизматчилари давлат бошқарувининг алоҳида элементи бўлганлиги учун келажакда давлат хизматчиларига оид нормалар Конституциянинг бешинчи бўлимидан ўрин олиши ҳам мумкин. Давлат хизматчилари ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғида фаолият юритиши инобатга олинса, мазкур тармоқларга ажратилган боблардан кейин давлат хизматининг умумий асослари алоҳида бобда ўрин олиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Ушбу боб “Давлат хизматчилари фаолиятининг асослари” деб номланиб, унда давлат хизматчилари фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари конституциявий жиҳатдан батафсил белгиланиши ҳам мумкин. Бундай амалиётни айрим давлатлар тажрибасида кўриш мумкин. Масалан, Сингапур Конституциянинг 9-боби тўлиқлигича давлат хизмати масаласига бағишланган бўлиб, у 102-119 моддалардан иборат¹. Ушбу боб Конституциянинг инсон ҳуқуқларига оид қисмида эмас, айнан давлат ҳокимиятига оид қисмида ўрин олган.

¹ Constitution of the Republic of Singapore. // <https://sso.agc.gov.sg/Act/CONS1963>

JUMAYEV SHOJAHON
BEGIMQUL O'G'LI

Huquqni muhofaza qilish akademiyasi tayanch doktoranti (PhD)

PROKURATURA ORGANLARINING KONSTITUTSIYAVIY-HUQUQIY ASOSLARI HAMDA PROKUROR TEKSHIRUVLARINI QONUN HUJJATLARIDA TARTIBGA SOLISH MASALALARI

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”da yetti yo‘nalish, 100 ta maqsad belgilab qo‘yilgan bo‘lib, uning 2-yo‘nalish, 17-maqsadi prokuratura organlari faoliyatini takomillashtirishga bag‘ishlangan va unda qonuniylikni qat’iy ta’minlovchi, ochiq va adolatli *prokuratura faoliyatining mustahkam huquqiy asoslarini yaratish* hamda “Qonun – ustuvor, jazo – muqarrar” tamoyilini bosh mezonga aylantirish vazifasi qo‘yilgan.

Bosh qomusimizning V bo‘lim, XXV bob, 143-146-moddalari prokuratura organlari faoliyatiga daxldordir.

Jumladan, Konstitutsiyamizning 143-moddasiga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi hududida qonunlarning aniq va bir xilda bajarilishi ustidan nazoratni O‘zbekiston Respublikasining Bosh prokurori va unga bo‘ysunuvchi prokurorlar amalga oshiradi.

O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuni 21-moddasiga ko‘ra, qonunlar ijrosini tekshirish qonunlarning buzilayotganligi to‘g‘risidagi **arizalar va boshqa ma’lumotlar asosida**, shuningdek qonuniylik prokuror tomonidan choralar ko‘rilishini talab qiladigan holatda ekanligidan kelib chiqqan holda qonunda belgilangan tartibda o‘tkaziladi.

Rossiya Federatsiyasining 1992-yil 17-yanvarda qabul qilingan 2202-I-sonli “Prokuratura idoralari to‘g‘risida”gi Qonuni 21-moddasi, ikkinchi qismiga ko‘ra esa, prokuror tekshiruvlarini o‘tkazishga **internet axborot-kommunikatsiya tarmog‘ida joylashtirilgan ma’lumotlar**, federal davlat axborot tizimlari ma’lumotlari, **uchuvchisiz havo vositalari yordamida olingan ma’lumotlar** va **aerofotosuratlar ham asos bo‘lishi** belgilangan. Ammo milliy qonunchiligidagi prokuror tekshiruvi uchun asoslar qatorida bular mavjud emas.

Axborotlarning asosiy qismi zamonaviy texnologiya vositalari yordamida almashiladigan bugungi dunyoda prokuror tekshiruvlarini o‘tkazishga asoslar qatorida internet axborot-kommunikatsiya tarmog‘ida joylashtirilgan xabarlar hamda

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

uchuvchisiz havo vositalari yordamida olingan ma'lumotlar ham “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonunning 21-moddasida qayd etilgan prokuror tekshiruvi o‘tkazishga asoslar qatoriga yuqoridagi asoslar ham kiritilsa, prokuror tekshiruvlarini o‘tkazish yanada takomillashgan hamda huquqbuzarliklar va ularga imkon berayotgan shart-sharoitlar o‘z vaqtida bartaraf etilgan bo‘lar edi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining V bo‘lim, XXIV bob, 118-moddasi hamda O‘zbekiston Respublikasining 2001-yil 29-avgustda qabul qilingan O‘RQ-257-sonli “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuni 1-moddasi ikkinchi qismiga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi hududida qonunlarning aniq va bir xilda bajarilishi ustidan nazoratni O‘zbekiston Respublikasining Bosh prokurori va unga bo‘ysunuvchi prokurorlar amalga oshiradi. “Qonunchilik hujjatlarining” jumlesi ancha keng doirda bo‘lib, o‘z ichiga qonun hujjatlarini ham, qonunosti hujjatlarini ham olishini inobatga olib, yuqoridagi moddalarda belgilangan “qonunlarning” jumlesi o‘rniga “qonunchilik hujjatlarining” jumlesi qayd etilishi lozim deb hisoblaymiz.

Shu bois, “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonunning 21-moddasidagi “Qonunlar ijrosini tekshirish” jumlesi ham “Qonunchilik hujjatlari ijrosini tekshirish” deb o‘zgartirilishi lozim deb hisoblaymiz.

“Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonunda “prokuror tekshiruvi” ga quyidagicha ta’rif keltirilishini taklif qilamiz:

Prokuror tekshiruvi bu – prokuratura organlari tomonidan muayyan qonun hujjatlarining aniq va bir xilda ijro etilishi bo‘yicha qonun hujjatlarida belgilangan asoslar, muddatlar hamda tartiblarda davlat organlari, korxona, muassasa va tashkilotlarda o‘tkaziladigan tekshiruvdir.

Ilg‘or xorij tajribasi hamda amaliyotni inobatga olgan holda O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi Qonuniga prokuror tekshiruvlarini o‘tkazish bosqichlarining quyidagi turlari kiritilishini taklif qilamiz:

- Tayyorlov bosqichi;
- Asosiy bosqich;
- Yakuniy bosqich.

ГИЁСОВ
БАҲРИДИН

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра доценти, (PhD)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МИСОЛИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши ҳуқуқ-тартиботидорлари фаолиятида ҳам кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш имконини берди. Зотан, аҳолининг тинч ва осойишта ҳайтини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги хеч кимга сир эмас. Маҳаллаларнинг “қизил”, “сариқ”, “яшил” тоифаларга ажратилиши аҳоли муаммоларини “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” ишлаш орқали ҳал этиш ҳамда энг оғир ва низоли вазиятларни ҳуқуқбузарликка айланмасидан маҳаллаларнинг ўзидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими “манзилли” ва таъсирчан профилактикани қайси ҳудуддан бошлиш керак”лиги масаласига ойдинлик киритишида ўз самарасини бермоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги ишларни ҳамкорликда амалга ошириш учун маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчisi, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторидан иборат “Маҳалла бешлиги” таркиби шакллантирилди. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат мавжудлигининг барқарор, муҳим ва мажбурий элементларидан биридир¹.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос миллий тизими шаклланди. Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни

¹ Боер В.М., Шамрай В.Н. Теоретико-правовое обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в современных условиях // Бизнес в законе. – 2012. – №3. – С. 161.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди¹.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислоҳотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда хуқуқ-тартибот идораларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар доирасида айниқса, жамоат хавфсизликни таъминлашда аҳолига хизмат кўрсатиш ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, соҳа хизматларини янги авлод технологиялари ва дастурий тизимлар билан таъминлаш орқали, уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат фаолиятини мақсадга мувофиқ моделлар асосида ташкил этиш (моделлаштириш) каби масалалар муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, “Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини аниқ белгилаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, хуқуқ-тартибот идораларининг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш, замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур соҳада ўтказилган ислоҳотлар жараёнида бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>;

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

Хусусан, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони қабул қилинди. Мухтарам Президентимизнинг куни-кеча касб байрами муносабати билан ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ҳамда фахрийларига йўлланган байрам табрикларида, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизmlари ва вазифалари белгилаб берилганлиги, шу билан бирга, вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуациян марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятининг яратилганлиги алоҳи таъкидланиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармонидан сўнг, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Бу борада “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да қўйидаги таърифлар бериб ўтилган: жамоат хавфсизлиги - жамиятнинг конунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошка таҳдидлардан химояланганлик холати булиб, у жамиятнинг баркарор ривожланишига хизмат килади ҳамда инсон ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари руёбга чикарилишини таъминлайди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

жамоат хавфсизлигини таъминлаш - давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан химоя килиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равища такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иктисодий, хукукий ва бошка комплекс ташкилий чора-тадбирларни камраб олувчи яхлит тизим.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилинганлигига бир йил бўлган бўлсада, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича 30 дан ортиқ норматив-хукукий ҳужжат ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жамиятимиз ҳаётига тадбиқ этилди. Бу борада бир нарсани фахр билан айтишимиз лозимки, Вазирлик, Академия профессор-ўқитувчилари ҳам жамоат хавфсизлиги фаолиятини хукукий асосларини такомиллаштириш борасида ўзининг илмий тадқиқот ишлари доирасидаги таклиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этиб келаётганлиги хеч кимга сир эмас. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар доирасида ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташининг йўлга қўйилганлиги, кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар “Smart” тизимларининг жорий этилаётганлиги, хукуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишининг электрон тизимли планшетлар билан таъминланганлиги, бундан ташқари “Хавфсиз пойтахт”¹, “Равон ва хавфсиз йўл” концепциялари², “Хавфсиз хонадон” тизимлари, “Смарт маҳалла”³ ахборот ҳамда “Хавфсиз шаҳар”⁴ аппарат-дастурий комплекслари асосида фаолиятни ташкил этишда янгича иш усусларидан фойдаланиш қўплаб қулайликлар яратишини исботлади. Ушбу соҳада ахборот коммуникация технологияларнинг жорий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнидаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жинояччиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори <https://lex.uz/docs/3786903>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралидаги Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-111-сон қарори <https://lex.uz/docs/5847479>;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинояччиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”йилдаги ПФ-6196-сон фармони <https://lex.uz/docs/5344118>;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябридаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” йилдаги ПФ-27-сон Фармони <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.

етила бошлангани фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар масалалари бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш, куч ва воситаларни тезкор бошқариш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига тезда муносабат билдириш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шу маънода айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар билан бирга ҳали жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида ўз ечимини кутаётган куйидаги муҳим масалалар ҳам мавжуд:

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали баҳолаш ва соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- бозорлар ва йирик савдо-кўнгилочар мажмуаларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига доир ишлар самарадорлигини ошириш;
- худудларда криминоген вазиятнинг таҳлили асосида жамоат хавфсизлигини таъминловчи бўлинмалар куч ва воситаларини мақбул жойлаштириш ҳамда бошқариш имконини берувчи дастурий тизимларни жорий этиш;
- жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш даражаси (қўлами) каби масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.

Юқорида билдирилган таклиф ва илмий таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган хulosалар, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун мутасадди ташкилотларга тақдим этилади.

IRGASHEV DILMUROD IKROMOVICH	Jamoat xavfsizligi universiteti “Iqtisodiy fanlar” kafedrasи dotsenti, i.f.b.f.d., (PhD) dotsent,
MUXTOROV SHERZOD SHUXRAT O'G'LI	Jamoat xavfsizligi universiteti Bakalavriat fakulteti 401 B-o'quv guruhi kursanti.

FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI SIFATIDA MAHALLA VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING O'RNI

O'zbekiston Respublikasi huquq tizimining negizida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi yotadi. Mamlakatimizning asosiy qonuni davlat, jamiyat, ijtimoiy va siyosiy xayot, iqtisodiy tizim, barcha jabxalarni tartibga solishga qaratilgan barcha normalarni o'zida mujassamlashtiradi. Konstitutsiya bugungi kunda mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat, kuchli fuqarolik jamiyati barpo etishda mustahkam poydevor bo'lib kelmoqda. Konstitutsiyamiz tufayli mamlakatimizda barcha sohalarda keng ko'lamlik islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Konstitutsiya xalqimizning manfaatlariga, davlatimizning strategik maqsadlariga to'la javob beradigan, har tomonlama puxta ishlangan muxim siyosiy hujjat hisoblanadi.

Mamlakatimizda demokratik qadriyatlarni ro'yobga chiqarishda fuqarolik jamiyati institutlari tomonidan olib borilayotgan izchil islohotlar muhim rol o'ynamoqda. Shuningdek, ular inson huquq va manfaatlarini himoya qilish hamda ijtimoiy faolligini oshirish uchun shart-sharoitlar yaratmoqda, jamiyatda manfaatlar muvozanatini ta'minlashga xizmat qilmoqda. Ayniqsa, davlat va hokimiyat tuzilmalari ustidan haqiqiy jamoatchilik nazoratini o'rnatishdagi mavqeini tobora mustahkamlab bormoqda.

O'zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarining maqomini konstitutsiyaviy darajada mustahkamlab qo'yish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining XIII bobi Fuqarolik jamiyati institutlarining konstitutsiyaviy asoslari alohida bob sifatida kiritilgani ahamiyatlidir. Jumladan, Konstitutsiyamizning 69-moddasida “Fuqarolik jamiyati institutlari, shu jumladan jamoat birlashmalari va boshqa nodavlat notijorat tashkilotlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, ommaviy axborot vositalari fuqarolik jamiyatining asosini tashkil etadi.

Konstitutsiyada fuqarolik jamiyati institutlarining mushtarak maqsadi sifatida “fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, demokratik

qadriyatlarni himoya qilishga, ijtimoiy hamda madaniy maqsadlarga erishish uchun ko‘maklashishga, jamiyatning ma’naviy va boshqa nomoddiy ehtiyojlarini qanoatlantirishga qaratilgandir” – deb belgilangan.

Davlatning fuqarolik jamiyati institutlarini qo‘llab-quvvatlash sohasidagi vazifalarini Asosiy Qonunimizda belgilovchi normalar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning dolzarb muammolarini hal qilishda fuqarolik jamiyati institutlarining ahamiyati va rolini oshirishga, ularning faoliyatini subsidiyalar, grantlar va ijtimoiy buyurtmalar shaklida qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirishga xizmat qiladi. Bugungi kunga kelib, fuqarolik jamiyati institutlari aholining siyosiy huquqiy madaniyatini va faolligini oshirish, ularning davlat siyosatini tashkil etish va boshqarishdagi ishtiroklarini ta’minlash orqali davlat va jamiyat o‘rtasida o‘ziga xos ko‘prik vazifasini o‘taydi, desak hech mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ayni paytda o‘tgan yillar mobaynida fuqarolik jamiyati institutlari borasida to‘plangan tajriba, aholi ijtimoiy-siyosiy faolligining tobora yuksalib borayotganligi, shuningdek, jamiyatimizda amalga oshirilayotgan yangilanish va o‘zgarishlar jarayonining hozirgi bosqichi davlat boshqaruvini yangilash va yanada demokratlashtirish, mamlakatni modernizasiya qilishda ularning rolini kuchaytirishni taqozo etmoqda. Qonunchiligidan fuqarolik jamiyati institutlarining rolini kuchaytirishga oid ro‘y bergen yangiliklar jamiyatimizda siyosiy hamjihatlik va siyosiy barqarorlikning huquqiy negizi sifatida siyosiy qarashlarni erkin holda rivojlantirishga, ijobiy siyosiy raqobat muhitini qaror toptirishga eng muhimi, aholining xohish-irodasini ro‘yobga chiqarishga yordam beradi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 – 2026 yillarga mo‘ljallangan “Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonida ham bu borada bir qator vazifalar belgilangani soha bo‘yicha keng islohotlar o‘tkazilishi dolzarbligini anglatadi.

Xususan, Taraqqiyot strategiyasining I Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish yo‘nalishida qator vazifalar belgilangan bo‘lib, uning birinchi maqsadida: “Mahalla instituti faoliyatining samaradorligini oshirish, uni jamoatchilik boshqaruvi va nazoratining tayanch bo‘g‘iniga aylantirish”, - ko‘rsatib o‘tilgan¹.

SH.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “...millati, tili va dinidan qat’i nazar, yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning, butun xalqimizning farovonligini ta’minlashga xizmat qiladigan «Yangi O‘zbekiston – xalqchil va insonparvar

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son farmoni // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>;

davlat» g‘oyasini amalga oshirishga alohida e’tibor qaratamiz. Shu asosda mahalliy boshqaruv organlarining joylarda muammolarni hal etishdagi roli va mas’uliyatini yanada kuchaytiramiz. Buning uchun kelgusida davlat funksiyalarining katta qismi markazdan hududlarga o‘tkaziladi”¹.

Ana shunday jamoatchilik tuzilmalaridan biri - mahalla ajdodlarimizdan bizga meros jamoaviy turmush shakli sifatida asrlar osha yashab kelayotgan bo‘lsa-da, mustaqillik yillarida fuqarolik jamiyatni poydevori sifatida yanada sayqal topdi. Mahalla noyob, betakror ijtimoiy boshqaruv idorasi bo‘lgani sababli uning roli va ta’sirchanligini oshirish saylov jarayonlari bilan hamohangdir.

Mahalla yuksak ma’naviyat beshigidir. Chunki yuksak ma’naviyat, avvalo, inson tug‘ilib o‘sigan makon - oila va mahallada shakllanadi. Bu muhitda toblangan va ota-bobolarimiz qadriyatlari ruhida tarbiya topgan farzandlarning istiqlol g‘oyalariga sodiq ruhda ulg‘ayishi millat ravnaqining asosiy shartidir.

Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 127-moddasida o‘zini-o‘zi boshqarish organlar, jumladan mahallalarning ham huquqiy asosi belgilangan bo‘lib, unga ko‘ra, “Shaharchalar, qishloqlar va ovullarda, shuningdek shaharlar, shaharchalar, qishloqlar va ovullardagi mahallalarda fuqarolarning yig‘inlari o‘zini o‘zi boshqarish organlari bo‘lib, ular raisni saylaydi.

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari davlat hokimiysi organlari tizimiga kirmaydi hamda mahalliy ahamiyatga molik masalalarni fuqarolarning manfaatlardan, rivojlanishning tarixiy o‘ziga xos xususiyatlaridan, shuningdek milliy qadriyatlardan, mahalliy urf-odatlar va an’analardan kelib chiqqan holda, qonunga muvofiq mustaqil ravishda hal etishga haqli.

Davlat fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari faoliyatini amalga oshirishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratadi, ularga qonunda belgilangan vakolatlarini amalga oshirishida ko‘maklashadi.

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari saylovi tartibi, ularning faoliyatini tashkil etish va vakolatlari qonun bilan belgilanadi”².

Fikrimizni tasdig‘i O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari to‘g‘risida”gi Qonunda belgilangan quyidagi normada o‘z ifodasini topgan, ya’ni “Fuqarolar shaharchalarda, qishloqlarda, ovullarda, shuningdek shaharlardagi, shaharchalardagi, qishloqlardagi va ovullardagi mahallalarda o‘zini o‘zi boshqarishga doir o‘z konstitutsiyaviy huquqini fuqarolarning saylov huquqlari kafolatlariga muvofiq fuqarolar yig‘inlari (fuqarolar vakillarining yig‘ilishlari) orqali amalga oshiradi”. Shu o‘rinda mahallalarning

¹ Shavkat Mirziyoyevning 2021 yil 6 noyabr kuni innauguratsiya marosimida so‘zlagan nutqi. Xalq so‘zi, 2021 yil 7 noyabr.

² O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

mahalliy ahamiyatga molik masalalarini o‘z manfaatlaridan, rivojlanishning tarixiy xususiyatlaridan, shuningdek milliy va ma’naviy qadriyatlardan, mahalliy urfatlar va an’analardan kelib chiqqan holda hal qilish borasidagi O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlari bilan kafolatlanadigan mustaqil faoliyatini amalga oshirishishi qayd etish lozim.

«Rahbarlar faqat davlatga emas, avvalo, inson va oilaga, ularning qonuniy manfaatlarini ta’minlashga xizmat qilishi kerak». Shuning uchun har bir mutasaddi mahalla va tuman hayotini ipidan ignasigacha bilishi shart¹. Ulug‘ ajdodlarimiz aytganidek, rahbar xalqqa yuk bo‘lmasligi, aksincha, xalqning yukini yelkasiga olishi kerak. Agar qaysiki rahbar davrning bu o‘tkir talabini tushunmasa, ularni endi xalqimiz ham, hayotning o‘zi ham qabul qilmaydi.

O‘zaro mehr-oqibat, ahillik va totuvlik, ehtiyojmand, yordamga muhtoj insonlar holidan xabar olish, yetim-yesirlarning boshini silash, to‘y-tomosha, hashar va ma’rakalarni ko‘pchilik bilan bamaslahat o‘tkazish kabi ezgu amallar mahalla hayotida yorqin namoyon bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasining “Ommaviy axborot vositalari to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq, ommaviy axborotni davriy tarqatishning doimiy nomga ega bo‘lgan hamda bosma tarzda (gazetalar, jurnallar, axborotnomalar, byulletenlar va boshqalar) va (yoki) elektron tarzda (tele-, radio-, video-, kinoxronikal dasturlar, Internet jahon axborot tarmog‘idagi veb-saytlar) olti oyda kamida bir marta nashr etiladigan yoki efirga beriladigan, qonunchilikda belgilangan tartibda ro‘yxatga olingan shakli hamda ommaviy axborotni davriy tarqatishning boshqa shakllari ommaviy axborot vositasidir. Ommaviy axborot vositalari bugun xalq ovozi, tom ma’noda “to‘rtinchchi hokimiyat”ga aylanib bormoqda. Shuning uchun ham nodavlat ommaviy axborot vositalarini fuqarolik jamiyati instituti ekanligini konstitutsiyaviy darajada e’tirof etilishi jamiyatimizda so‘z erkinligini inson taraqqiyotining ajralmas va muhim omiliga aylanishiga xizmat qiladi.

Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining XV bobi “Ommaviy axborot vositalari”ga bag‘ishlangan bo‘lib, uning 81-moddasida, “Ommaviy axborot vositalari erkendir va qonunga muvofiq ish olib boradilar.

Davlat ommaviy axborot vositalari faoliyatining erkinligini, ularning axborotni izlash, olish, undan foydalanish va uni tarqatishga bo‘lgan huquqlari amalga oshirilishini kafolatlaydi.

Ommaviy axborot vositalari o‘zi taqdim etadigan axborotning ishonchliligi uchun javobgardir”, - deb belgilab qo‘yilgan².

¹ Shavkat Mirziyoyevning 2021 yil 6 noyabr kuni innauguratsiya marosimida so‘zlagan nutqi. Xalq so‘zi, 2021 yil 7 noyabr.

² O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

Shuningdek, 82-moddasida esa, “Senzuraga yo‘l qo‘yilmaydi.

Ommaviy axborot vositalarining faoliyatiga to‘sqinlik qilish yoki aralashish qonunga muvofiq javobgarlikka sabab bo‘ladi”, - deyilgan.

Bir so‘z bilan aytganda, fuqarolik jamiyati institutlarining maqomi konstitutsiyaviy darajaga ko‘tarilishi Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’biri bilan aytganda, butun davlat boshqaruv tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga – “Yangi shaxs”, “Yangi fuqarolik jamiyati”, “Yangi demokratik boshqaruv” tizimiga olib chiqishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Birinchidan, fuqarolik jamiyati institutlarining barcha tizimlarini rivojlantirish va mustaxkamlash, ularlarning davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi bilan bog‘liq ishlarni sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarish, aholi turli katlamlari vakillarining ijtimoiy-siyosiy faolligini yuksaltirish, eng asosiysi, fuqarolarning joylarda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonlariga shaxsiy daxldorlik tuyg‘usini yanada kuchaytirishda muhim omil bo‘lib xizmat kiladi.

Ikkinchidan, fuqarolik jamiyati institutlari inson huquqlarini ta’minalash va himoya qilish, aholining huquqiy va inson huquqlari borasidagi madaniyatini oshirishda muhim o‘rin tutadi.

Shunday ekan, fuqarolik jamiyatiga eng muhim konstitutsiyaviy-huquqiy institut sifatida qarashimiz lozim. Yangi bosqichda fuqarolik jamiyatining o‘rni tobora ortib borayotganini hisobga olgan holda, mamlakatimiz Asosiy qonuniga tegishli o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish, so‘zsiz konstitutsiyaviy islohotlarimizning asosiy maqsadini tashkil qiladi.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

ҚАРШИБОЕВ ФАЙЗУЛЛА УМИРЗАКОВИЧ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси Божхона институти “Умумҳуқуқий фанлар” кафедраси бошлиғи
ЭРГАШЕВ ЖАҲОНГИР ШЕРАЛИЕВИЧ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси Божхона институти “Умумҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2022-йил 28-январда “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим касб этадиган вазифаларни амалга ошириш, асосий Қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислоҳотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам хуқуқий пойdevор яратиш муҳим вазифага айланмоқда¹.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан кўзланган мақсад - Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислоҳотларимиз мантиғига мослаштиришдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтдилар².

2022 йил 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма мажлисда мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишга оид чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29-йиллигига багишланган тантанали маросимдаги нутқи // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3824>;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

комиссия тузилди¹. Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг матни 2022 йил 25 июндан 1 августга қадар умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Умумхалқ муҳокамаларида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича 222 минг 715 та таклиф келиб тушган ва улар асосида лойиҳа такомиллаштирилиб, маромига етказилган. Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, 190 га яқин давлатлар конституциялари пухта таҳлил қилингани, халқаро эксперт ва мутахассислар томонидан халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган барча қоидасини ўзида мужассам қилган ҳужжат сифатида юқори баҳоланганини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳажми ва қўлами, хусусан, унинг моддалари 128 тадан 155 тага кўпайтганлиги, амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг номи ўзгаририлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янги таҳрирда баён этиш тўғрисида қарор чиқарилган².

2023 йил 15 март куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Унга кўра Конституция лойиҳаси 6 та бўлим, 27 та боб, 155 та моддадан иборат тарзда шаклланди.

2023-йил 30-апрел куни бўлиб ўтган умухалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, хуқуқий маъданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Ушбу конституция давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини чуқурроқ англаб этиш учун, унинг ўзига хос ҳусусиятларига эътибор бериш лозим. Яъни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгashi, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори, 20.05.2022 йилдаги 2123-IV-сон // URL: <https://lex.uz/ru/docs/6063569>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори, 13.03.2023 йилдаги КСҚ-4-сон // URL: <https://lex.uz/ru/docs/6405731>

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

ўзига хос ҳусусиятларига қараб, унинг олдинги конституциялардан фарқлари ва афзалликлари нималардан иборат эканлигини англаймиз¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ўзига хос ҳусусиятлари:

1. Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суврен, демократик, хуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгиланганлигидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси)

2. Миллий урф-одатлар ва анъаналар эътиборга олинганлиги. (127-модда маҳаллага конституциявий мақом берилди, 14-боб яъни оила, болалар ва ёшларга алоҳида боб ажратилди, 80-модда вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар)

3. Ижтимоий ҳаёт - сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишининг белгиланганлигидир. (Шунга асосан ҳозирги вақтда Республикамизда бешта сиёсий партия яъни, *Тадбиркорлар ва ишбильармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, *Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, *Ўзбекистон Халқ демократик партияси, *Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, *Ўзбекистон экологик партияси фаолият кўрсатмоқда)

4. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади деб белгиланганлигидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси)

5. Миранда қоидаларига асосан нормалар киритилганлиги. (Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг хукуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси)

6. Адвокатурага алоҳида боб ажратилганлигидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-боби. 141,142-моддалар) унга кўра Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Сайдовнинг “Инсон шаъни, қадр-киммати, хукуқларининг мустаҳкам кафолатлари” номли мақоласи Халқ сўзи газетаси 250 сон 24.11.2023 йил.

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади.

Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади¹.

Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганлариdek ҳар бир фуқаромизда конституциявий ҳуқуқ маданиятини, конституциявий онгни ва асосий қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантирсақ ҳамда барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилишини таъминласак, ўйлаган буюк мақсадларимизга албатта эришамиз.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, Асосий қонунимизда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жипслаштириш, “Конституция-халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш;

сўнги йилларда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституциянинг ўрни ва ролини ёритиш;

“Конституция-халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!” деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятиниъ янги таҳрирдаги Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлигини очиб бериш;

мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналиқ, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>

**НУРУЛЛАЕВ ФАРРУХ
УМИДЖОНОВИЧ**

Преподаватель кафедры «Международное
право и права человека» ТГЮУ
E-mail: farruxdior1135@gmail.com

РЕАЛИЗАЦИЯ ПОЛИТИКИ МЕЖДУНАРОДНОЙ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Наряду с другими общепризнанными принципами и нормами международного права нормы, регулирующие права человека на труд и свободу передвижения, закрепленные во Всеобщей декларации прав человека (Генеральная ассамблея ООН, 1948 г.), многостороннем основополагающем акте международного права, отражены в национальном законодательстве Республике Узбекистан, т.е. в нормативных актах правовые акты, имеющие различную юридическую силу и относящиеся к различным областям правового регулирования. Фундаментальный характер этих прав человека определяет их закрепление, прежде всего, в источниках национального конституционного права, в то время как их содержание отражено в актах, относящихся к различным отраслям трудового и миграционного законодательства.

Узбекское законодательство рассматривает права человека на труд и свободу передвижения по-разному. Другими словами, их имплементация (реализация, исполнение) в национальной правовой системе осуществляется в различных формах, главным образом посредством преобразований и ссылок. Выполнение международных договоров и соглашений является важнейшим средством интеграции государств в мировое сообщество, что в полной мере относится и к Республике Узбекистан. Многие ученые подчеркивают важность расширения сферы применения международно-правовых норм в национальной правовой системе.

Например, С. Жолдасова¹ отмечает растущую потребность в участии Республике Узбекистан в глобальных интеграционных процессах. И подчеркивает важность имплементации общепризнанных норм и принципов международного права для развития демократических институтов в Республике Узбекистан и обеспечения эффективной защиты прав человека.

Основываясь на положениях резолюции Генеральной Ассамблеи ООН 2013 года “Верховенство права на национальном и международном уровнях” (Генеральная ассамблея ООН, 2013), Б.И. Осьминин подтверждает тезис о важности имплементации международного права для интеграции государства в мировое сообщество. Ученый считает, что взаимодействие международного и национального законодательства и гармоничное развитие международной и национальной правовых систем являются предпосылками обеспечения верховенства права на национальном и международном уровнях (Осьминин, 2014). Правовая система Республике Узбекистан как правовой системы государства, позиционирующего себя как часть мирового сообщества, основана на общепризнанных принципах и нормах международного права, закрепленных в ее важнейших актах.

Всеобщая декларация прав человека играет особую роль среди других межгосударственных договоров и соглашений, поскольку она закрепляет права и свободы человека и гражданина как базовые ценности всего человечества и служит основой для построения национальных правовых систем практически во всех странах мира. Его нормы-принципы и декларации о нормах так или иначе выражены в конституциях (основных законах) государств и конкретизированы в действующем законодательстве. По словам З. Кадирова по меткому выражению (2020), “буква” и “дух” международного

¹ Djoldasova, S. . . (2021). Legal Policy Of Uzbekistan In The Field Of Migration. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(12), 105–112. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume03Issue12-16>

права охватывают все конституционное законодательство Республике Узбекистан.¹

Положения Всеобщей декларации прав человека имплементированы в Конституцию Республике Узбекистан как специфическая форма включения международного права в национальное законодательство, которую юристы классифицируют как трансформацию международного права. Примером таких преобразований могут служить несколько статей Конституции Республике Узбекистан. Таким образом, статья 2 Конституции Республике Узбекистан признает человека, его права и свободы высшей ценностью и закрепляет обязанность государства соблюдать и защищать их, что отражает основную идею Всеобщей декларации прав человека и ее цель в международном праве. В главе 2 “Права и свободы человека и гражданина” Конституции Республике Узбекистан приняты положения Всеобщей декларации прав человека, закрепляющие весь спектр гражданских (личных), политических, социальных, экономических, культурных и иных прав и свобод человека.

Мы не можем не согласиться с И.О. Лошкаревым и др. (2019)² в том, что интеграция РФ в международное сообщество путем имплементации международно-признанных норм и принципов в области признания и защиты основных прав человека и гражданских свобод является основой ее суверенитета на мировой арене. Чтобы подчеркнуть специфику данного исследования, мы, как и многие другие ученые, занимающиеся соотношением международного и национального права, должны отметить, что основополагающие акты международного права трансформируются в конституционные положения. Как мы отмечали в нашей предыдущей статье, последовательное признание и обоснование наиболее ценных и неотъемлемых прав человека в ходе развития человеческой цивилизации, которые выражены

¹ Abdukhalimovna K. Z. International Cooperation of Uzbekistan in Labor Migration //Asia Pacific Journal of Business Review. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 23-33.

² Лошкарев И.О., Никодимов И.Ю. и Ястребова А.И. (2019). Правовые основы государственного суверенитета России. Международный журнал новейших технологий и инжиниринга, 8 (3), 7344-7349.

в актах международного права и, прежде всего, во Всеобщей декларации прав человека, является основой узбекского и других форм конституционализма. Существует определенное сходство в реализации основополагающих принципов национальным и международным правом.

Нормы-декларации и нормы-принципы Конституции Республике Узбекистан, которая имеет верховенство на всей территории Республике Узбекистан, раскрываются, детализируются и реализуются через совокупность ее подзаконных актов. Например, нормы-декларации и нормы-принципы Всеобщей декларации прав человека дополняются целевыми конвенциями и актами Организации Объединенных Наций и ее конкретных учреждений, т.е. декларациями, конвенциями и рекомендациями Международной организации труда.

Однако существует концептуальное различие в применении основных норм международной и национальной правовыми системами, природа которого определяется принципом суверенитета правовых систем. В контексте национального законодательства существует строгая иерархия правовых источников, безусловное соответствие и непротиворечивость положений, содержащихся в актах, имеющих меньшую юридическую силу, по отношению к актам большей юридической силы. Принятие, изменение или признание недействительным правового акта влечет за собой необходимость соответствующей корректировки актов, имеющих меньшую юридическую силу. Напротив, акт, принятый каким-либо межправительственным органом, автоматически не вступает в юридическую силу в контексте международного права, за некоторыми исключениями. Такой акт (двусторонний и многосторонний договор, межгосударственное соглашение) приобретает юридическую силу только после его утверждения сторонами вышеупомянутого договора (соглашения) или членами международной организации, принявшей данный акт международного права в пределах компетенции, определенной ее уставом. Успех или неудача утверждения

какого-либо международного акта зависит от нескольких условий и факторов, типичных для страны в определенный период, прежде всего политических и социально-экономических. Это заявление в полной мере относится к правовому регулированию “внешней” трудовой миграции, которое заставляет Республики Узбекистан соблюдать как общепризнанные нормы и принципы международного права, так и двусторонние и многосторонние соглашения, заключаемые в рамках региональных интеграционных объединений.

ШАРАПОВ БАХТИЁР МУХТАРХАНОВИЧ	Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси
ПАЙЗИЕВ АББОС МУХАММАДОВИЧ	Махсус-ҳуқуқий фанлар ва ҳарбий дипломатия кафедраси катта ўқитувчиси

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси баркамол авлодни тарбиялашда ғоявий-тарбиявий аҳамияти бекиёс. У ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст - биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қиласи. Айниқса, асосий Қонунимизда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урфодатлари мужассамлашгани бош Қомусимизнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Унда жамиятнинг барча қатламлари сингари ёшларнинг ҳам барча турдаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган.

Конституция юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий хужжат бўлиб, давлатнинг Асосий қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, жамият ва давлат ҳаётининг, давлат органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принципларини мустаҳкамлайди. Давлат юритадиган ички ва ташқи сиёсатнинг асослари ва барча муҳим йўналишларини акс эттиради¹.

Конституция халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Унда жамият тараққиётига туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Конституцияда мужассамлашган мафкура жамиятни, халқни муайян мақсадлар сари етаклайди, уларни уddeлаш учун сафарбар қиласи. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, халқимизнинг истиқлолга, эркинликка бўлган интилишини, миллий ахлоқий-маънавий қадрияtlарини акс эттирган ҳамда уларни жамият онгига, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга хизмат қиласи².

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 14-30 ёшгача бўлганё шлар сони 9 миллион 654 минг 351 кишини ташкил этиб, жами аҳолининг 26,8 фоизига teng келмоқда³.

¹Х.Маматов. Дарслик. Конституциявий ҳуқуқ. Т – 2018 й. 8 Б.

² Янгиланаётган Конституция: ёшлар учун янги имкониятлар // <https://uza.uz/uz/posts/>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги. [https://stat.uz/uz/..](https://stat.uz/uz/)

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

Яъни, мамлакатимиз бошқа соҳалар қатори нуфус жиҳатидан ҳам катта давлатга айланмоқда. Юртимиз аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилиши кутилмоқда.

Ёшларимизга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Шу маънода, айни масаланинг ечими ҳам мустаҳкам хуқуқий пойдевор – Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини қабулқилишни тақозо этди.

2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда янги таҳрирдаги халқчил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди¹. Янги Конституциямиз 65 фоизга янгиланиб, таклифларнинг 60 фоиздан ортиғи бевосита ёшлар томонидан берилгани катта аҳамиятга эга. Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституция Муқаддима, 6 бўлим, 27 боб ва 155 моддадан ташкил топди.

Амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечеётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам хуқуқий асосини яратади ҳамда Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеиликка ва шиддатли ислоҳотларимиз мантиғига мослаштиради. Айтиш жоизки, янгилangan Конституциямизнинг нормалари жонажон Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган ислоҳотларни жадал давом эттириш ҳамда хуқуқ устуворлигини таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, янгилangan Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ва кафолатланган деярли барча хуқуқ ва эркинликлар асосан ёшлар ва вояга етмаганлар учундир. Зоро, ёш авлодни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, уларни билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш давлатимиз олдига қўйган юксак вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, янги таҳрирдаги Конституциядан илк маротаба узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифаси этиб белгиланганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Таълимга оид нормалар 50,51 ва 52-моддаларда ўз аксини топди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 50-моддаси иккинчи бандида “Давлат узлуксиз таълим тизими унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди” деб давлатнинг вазифалари қаторидан жой олди. Мазкур қоидаларнинг Конституция даражасида белгиланиши, болалар боғчасидан тортиб, тики университетларгача, барча таълим ташкилотларини улар давлатники ёки хусусий эканлигидан қатъий назар, ривожлантириш учун мустаҳкам хуқуқий замин яратади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>;

Шунингдек, Конституциянинг 50-модда учинчи бандида илк маротаба боғча ёшидаги болаларнинг таълим ва тарбияси соҳасидаги давлат мажбуриятларининг конституциявий даражада белгиланишини муҳим воқеа бўлди. Бола учун оиласдан кейинги биринчи жамоа бу боғчадир. Мактабгача таълим сифатли бўлиши инсоннинг бутун ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат эндиликда нафақат умумий ўрта таълим балки бошланғич профессионал таълим олишни ҳам бепул бўлишини кафолатлади.

Энг муҳим янгиликлардан бири, бу – алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклузив таълим ва тарбиянинг таъминланиши бўлди. Жисмоний, ақлий, ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклузив таълим ташкил этилади. Бу норма шундай нуқсонларга эга болаларнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топриши учун жуда муҳим қадамdir.

Янгиланган Конституциянинг 51-моддасига мувофиқ, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли, эканлиги аниқ белгилаб қўйилди. Сўнгги беш йил ичида, грантларни кўпайтириш йўлидан борилмоқда. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилгандавлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оиласаларнинг фарзандлари бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки бароварга оширилди, шунингдек, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур конституциявий қоиданинг белгиланиши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақлаб қолиниши, давлат олий таълим муассасалрида грант ўринлари йўқолмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, олий таълим ташкилотларига Конституциявий қонунга мувофиқ, академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилди. Бу масалаларнинг Конституция даражасида белгилангани олий таълим жараёнига ташки аралашувларни чеклаш, олий таълим сифати ва дунёда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 53-моддаси биринчи бандида: “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади”, деб таъкидланган. Зоро, интеллектуал салоҳиятини юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизнинг алоҳида боби – XIV боб “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланганига ҳамда ундан ёшларга оид қатор нормалар ўрин олганига эътибор қаратиш даркор. Бундай янгича ёндашув, шубҳасиз, Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигидан яққол далолатдир.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

Таъкидлаш жоизки, болаларнинг маънан, жисмонан ва ижодий томондан комил инсон сифатида етишида нафақат оиласдаги мухит яхши бўлиши, балки давлат томонидан зарур шарт-шароит, имконият ҳам яратиб берилиши зарур. Шу маънода, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида янги Конституцияда муҳрланди.

Бош қомусимизда, шунингдек, давлат ёшларда миллий ва умумисоний қадриятларга содиклик, халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик туйғулари шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланди. Бу ҳақда Конституциянинг 78-моддаси тўртинчи бандида шундай дейилган: “Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умумисоний қадриятларга содикликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласди”.

Шу билан бирга, Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат томонидан ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштироки рағбатлантирилиши кафолатлаб қўйилди. Конституциямизнинг 79-моддаси биринчи бандида қайд этилганидек: “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради”.

Яна бир мухим янгилик: ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида Асосий қонунга киритилди. Конституциянинг 79-моддаси иккинчи бандига кўра: “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат ёшларга ғамхўрлик масалаасида ўз зиммасига ғоят мухим мажбуриятларни олгани алоҳида диққатни тортади. Энг асосийси, мазкур конституциявий нормалар нафақат Ўзбекистон ёшлари манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шундай экан, навқирон авлодимиз вакиллари томонидан янги таҳрирдаги Конституциямиз “Ёшлар Конституцияси” дея эътироф этилаётгани бежизга эмас.

SHOMUROTOV MA’RUF

Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi Bojxona instituti o‘qituvchisi

**DAVLAT BOSHQARUVINI MODERNIZATSIYA QILISHDA
JAMOATCHILIK NAZORATI INSTITUTINI TAKOMILLASHTIRISH
AHAMIYATI**

O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 36-moddasiga asosan, “O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda bevosita hamda o‘z vakillari orqali ishtirok etish huquqiga egadirlar. Bunday ishtirok etish o‘zini o‘zi boshqarish, referendumlar o‘tkazish va davlat organlarini demokratik tarzda tashkil etish, shuningdek, davlat organlarining faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini rivojlantirish va takomillashtirish yo‘li bilan amalga oshiriladi. Davlat organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirish tartibi qonun bilan belgilanadi”¹. Konstitutsiyada jamoatchilik nazoratini amalga oshirish huquqiy davlat qurishning muhim sharti sifatida belgilab quyilganligi Respublikada davlat va jamiyat taraqqiyotiga jiddiy e’tibor qaratilaytganligidan darak beradi. Konstitutsiyada shuningdek, millati, tili, dini hamda ijtimoiy ahvoldidan qati nazar hamma qonun oldida teng ekanligi hamda Konstitutsiya va qonunlarni bilish, ularni hurmat qilish nazarda tutilgan. Qonun ustuvorligiga erishishda jamoatchilik nazorati asosiy institut bo‘lishi zarur.

Jamoatchilik nazoratini amalga oshirishda fuqarolar, nodavlat tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari va fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlarining roli oshib bormoqda.

O‘zbekistonda ochiqlik va oshkorlik tamoyillarini qaror toptirish, so‘z va matbuot erkinligini ta’minlash hamda davlat boshqaruva organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini o‘rnatish bo‘yicha samarali ishlar amalga oshirildi. Xususan, “davlat, fuqarolar va fuqarolik jamiyati institutlarining mamlakatni yanada jadal va har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan sa‘y-harakatlarni birlashtiruvchi zamonaviy shakldagi tizimli hamda samarali muloqotini yo‘lga qo‘yish hamda ularning ijtimoiy manfaatlari kelishilishini ta’minlash”². 2020-yil 16-aprelda tashkil etilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Jamoatchilik palatasining asosiy vazifasi etib belgilandi. Bu islohotlar Respublikada normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalar amalda o‘z aksini topayotganligi, ularning mexanizmlari ishlab chiqilib, amaliyotga tatbiq etilayotganligi namunasidir. Shuningdek, Jamoatchilik palatasining barcha hududlarda bo‘limlari tashkil etildi, ommaviy axborot vositalari erkinligi ta’minlandi. Jamoatchilik palatasi vakolatiga

¹ O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>;

² “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Jamoatchilik palatasini tashkil etish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 16.04.2020 yildagi 5980-sonli farmoni // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-4789926>;

kiritilgan ichki va tashqi siyosatda jamoatchilik nomidan fikr bildirish imkoniyati sohadagi islohotlar ko‘lami kengligidan darak beradi.

Bundan tashqari, “Jamoatchilik nazorati jamoatchilik kengashlari va komissiya va jamoatchilik tashkiliy tuzilmalari tomonidan ham qonun hujjatlariga muvofiq amalga oshirilishi mumkin”¹. Bu bo‘yicha 2018-yil 4-iyulda qabul qilingan 3837-sonli Prezident qarori ijrosi yuzasidan hududlar kesimida jamoatchilik kengashlari tashkil etilib, ular davlat va fuqarolar o‘rtasida “ko‘prik” vazifasini bajarishi belgilandi. Kengash qabul qilinayotgan normativ hujjatlar, qarorlarda, shuningdek, davlat dasturlarida jamoatchilik fikri inobatga olinishini, sherikchilik shartnomalarida ularning manfaatlariga dahl qilinmasligini nazorat qiladi, jamoatchilik nazorati sub’ektlarining hamkorlikdagi faoliyatini tashkil etadi. “Raqamli O‘zbekiston-2030” strategiyasining tasdiqlanganligi, “Elektron hukumat” tizimining takomillashtirilib borilishi jamoatchilik nazorati sub’ektlariga amalga oshirilayotgan ishlardan xabardor bo‘lish, davlat byudjetini mavjud vaziyatni tahlil qilish hamda kamchiliklarni bartaraf etish chora-tadbirini ishlab chiqishga imkon berish maqsadi ko‘zlangan.

2021-yil 4-martda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti 6181-sonli Farmoni bilan “2021-2025 yillarda fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiysi”ning tasdiqlanishi jamoatchilik nazorati sub’ektlari faoliyatining huquqiy asoslari yanada mustahkamlanishi, davlat va jamiyat boshqaruvida faol ishtiroki uchun zaruriy shart-sharoitlarni yaratib berish, ularni qo‘llab-quvvatlash mexanizmini takomillashtirish, faoliyati ochiqligini ta’minalash bo‘yicha muhim qadam bo‘ldi. Ushbu islohot to‘liq amalga oshirilsa, jamoatchilik fikri faqat tavsiyaviy xususiyatga ega bo‘lib qolmay, davlat va jamiyat boshqaruvida hal qiluvchi rolga ega bo‘ladi. Farmonda nodavlat-notijorat tashkilotlarining Oliy Majlis qonunchilik palatasi va uning qo‘mitalari (komissiyalar) majlislarida ishtirok etuvchi doimiy vakili joriy etilishi belgilangan. Vakilning asosiy vazifalari qonun loyihalari va Qonunchilik palatasining vakolatlariga oid masalalar bo‘yicha muhokamalar hamda yig‘ilishlarda ijtimoiy sheriklik, samarali jamoatchilik mexanizmlarini joriy qilish, ularni amaliy jihatdan to‘g‘ri qo‘llash va nodavlat tashkilotlarining huquq va manfaatlarini himoya qilish belgilangan. Jamoatchilik nazorati institutlari mamlakatda korrupsiya, ta’magirlik, mansabni suuiite’mol qilishga qarshi kurashishi hamda huquqiy, fuqarolik jamiyatni qurish va uni takomillashtirib borish uchun xizmat qilishi shu va boshqa qator normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan.

Muxtasar qilib aytganda, jamoatchilik nazorati davlat boshqaruvi jarayonlari ochiq va shaffof bo‘lishi va bu faoliyatdan aholining barchasi birdek xabardor bo‘lishi uchun zarur. Buning uchun mavjud muammolar yuzasidan jamoatchilik fikri hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lishi kerak. Lekin jamoatchilik nazorati sub’ektlarining fikrlari asosan tavsiyaviy xarakterga ega bo‘lib kelganligi, davlat organlari tomonidan ular faoliyatini inobatga olinmaganligi, shuningdek, ular norma

¹ “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Qonuni // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-3679092>.

ijodkorligi jarayoniga to‘g‘ridan to‘g‘ri fikr bildira olmasligi hamda nazorat ob‘ekti doirasi torligi nazorat kutilgan natija bermayotganligiga sabab bo‘ldi.

Shuningdek, boshqaruvning bir qismi xo‘jalik boshqaruvi organlari qo‘lida ekanligi va ularga oid nazorat imkoniyati huquqiy jihatdan jamoatchilikka berilmaganligi ham xalqning barcha muammolari jamoatchilik nazorati institutlari tomonidan echilmasligini ko‘rsatadi. Ushbu kamchiliklarni oldini olish uchun jamoatchilik fikri mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy hayotidagi echilishi zarur bo‘lgan masalalar nisbatan hal qiluvchi ahamiyat kasb etishi yo‘lida yuqorida keltirilgan kabi ta’sirchan islohotlar amalga oshirilmoda.

Ushbu keltirilgan masalalardan kelib chiqib, quyidagi takliflarni ilgari surish mumkin:

Birinchidan, jamoatchilik nazorati institutlarining konstitutsiyaviy-huquqiy asoslarini takomillashtirish, xususan nazorat ob‘ekti doirasini kengay tirish, davlat boshqaruvi organlari bilan bir qatorda xo‘jalik boshqaruvi organlarini ham ob‘ekt sifatida kiritish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Ikkinchidan, jamoatchilik nazoratini huquqiy tartibga solish uni samarali amalga oshirishni tashkil etish uchun zarurdir. Umuman, jamoatchilik nazoratini amalga oshirishga oid qonunchilikda nazorat sohasini aniqlash va jamoat birlashmalari, jamoalarga oid zarur vakolatlar mustahkamlanishi lozim.

Uchinchidan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida¹ belgilangan ustuvor vazifalarning fuqarolik jamiyatni vakillari bilan muhokamalarni uyushtirish va amalga oshirib borish.

To‘rtinchidan, davlat idoralari huzuridagi jamoatchilik kengashlari faoliyati samaradorligini ko‘tarish chora tadbirlarini amalga oshirish zarur.

Beshinchidan, davlat idoralarining nodavlat tashkilotlari, OAV va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan samarali va izchil hamkorligini mustahkamlash islohotlarini amalga oshirib borish lozim.

Oltinchidan, davlat tashkilotlarining ijtimoiy tarmoqlardagi faoliyati ochiqligiga erishish, shuningdek, davlat idoralari faoliyatining shaffofligi va hisobdorligini muntazam yo‘lga qo‘yishning amaliy choralarini ko‘rish.

Xulosa o‘rnida shuni keltirish mumkinki, davlat boshqaruvi organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratining o‘rnatalishi fuqarolik jamiyatni barpo etishning eng muhim shartlaridan biridir. Fuqarolarning faolligi, ijtimoiy hodisalarga daxldorlik hissining ortishi hamda har bir davlat xizmatchisining o‘z faoliyati jamoatchilik nazorati ostida ekanligini chuqr his etib borishi fuqarolik jamiyatni shakllanishi jarayonining muhim shartlaridan hisoblanadi. Ya’ni, davlat organlari xalqqa o‘z siyosati, harakatlarini tushuntirib berishi, uning oldida hisobot berib borishi lozim.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 24-yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-24-yanvar-kuni-oliy-majlisga-navbatdagi-murojaatnomani-taqdim-etadi>

OMIRZAKOV RUSTEM

Qoraqalpoq Davlat Universiteti o‘qituvchisi
Email: omirzakov_r@karsu.uz

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING YANGI KONSTITUTSIYASI: DEMOKRATIK ISLOHOTLAR SARI QADAM

Mustaqillik yillarda mamlakatimizda demokratik huquqiy davlat, kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etish, erkin bozor munosabatlari va xususiy mulk ustuvorligiga asoslangan bozor iqtisodiyotini rivojlantirish, xalqning tinch va farovon hayoti uchun shart-sharoitlar yaratish, O‘zbekistonning xalqaro maydonda munosib o‘rin egallashiga yo‘naltirilgan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirildi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va uning asosida qabul qilingan qonunlar jamiyat va davlat faoliyatining barcha sohalarini isloh qilish uchun mustahkam huquqiy asos yaratdi. Ta’kidlash joizki, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so‘ng qo‘silgan dastlabki xalqaro-huquqiy hujjatlardan biri bo‘lgan Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasida nazarda tutilgan asosiy tamoyillar o‘zining ifodasini topgan.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi inson huquqlari bo‘yicha 70 ta asosiy hujjatga qo‘sildi, BMT tomonidan ushbu sohada qilingan 10 ta asosiy xalqaro shartnama ishtirokchisiga aylandi. O‘zbekiston Respublikasida milliy qonunchilik va huquqni qo‘llash amaliyotiga xalqaro standartlarni tizimli va bosqichma-bosqich implementatsiya qilishning o‘z modeli, insonning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga rioya etilishi monitoringi milliy tizimi shakllantirilgan¹.

Yurtimizda 2023-yil 30-aprel kuni o‘tkazilgan referendumda yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi ishtirok etgan fuqarolarning 90,21 foizi tomonidan yoqlab ovoz berish orqali qabul qilinganligi unda xalqimizning Yangi O‘zbekistonni barpo etish bo‘yicha orzu-umidlari va intilishlari o‘z aksini topganligidan dalolat bermoqda. Yangi tahrirdagi Konstitutsiya Yangi O‘zbekiston strategiyasini amalga oshirishning siyosiy-huquqiy asoslarini yaratib, milliy davlatchilik taraqqiyotining tarixiy muhim bosqichida davlat va jamiyatni yanada rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlarini belgilab berdi. Referendum ko‘p millatli buyuk xalqimizning birdamligi va hamjihatligi, suveren, demokratik, huquqiy, ijtimoiy va dunyoviy davlat qurishga qat’iy qaror qilganligining ishonchli ifodasi bo‘ldi. Xususan, Konstitutsiyada davlat qurilishining yangi strategik maqsadi — ijtimoiy davlat qurish ekanligi belgilab berildi, ijtimoiyadolat va birdamlik

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 05.05.2018 yildagi “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilinganining 70 yilligiga bag‘ishlangan tadbirlar dasturi to‘g‘risida” PF-5434-sون Farmoni // URL: <https://lex.uz/docs/-4875627>

prinsiplari joriy etildi, inson huquq va erkinliklarini himoya qilishning mutlaqo yangi mexanizmlarini nazarda tutuvchi konstitutsiyaviy asoslar mustahkamlandi.

Hokimiyatlar bo‘linishi prinsipi hamda o‘zaro tiyib turish va manfaatlar muvozanati tizimining zamonaviy konsepsiyasini hisobga olgan holda, Oliy Majlis, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Hukumati o‘rtasida vakolatlar qayta taqsimlandi. Joylarda hokimlar va xalq deputatlari Kengashlari vakolatlari taqsimlanishiga asoslangan davlat hokimiyatini tashkil etishning yangi modeli nazarda tutildi¹. Qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Yangi taxirdagi Konstitutsiyasiga ko‘ra, Konstitutsiyaga 27 ta yangi modda kiritilda, moddalar soni 128 tadan 155 taga oshdi. Shuningdek, Konstitutsiyamizning oldingi 275 ta normasi 434 taga ko‘paydi, ya’ni Konstitutsiyamiz 65 foizga yangilandi. Xususan, Yangi Konstitutsiyaning 65-moddasida mulk daxlsizligi va u bilan bog‘liq huquqlarning ta’milanishi davlat tomonidan kafolatlanishi, mulkiy huquqlarni cheklash faqat sud qarori asosida bo‘lishi mustahkamlanmoqda.

Bundan tashqari, advakaturaga bag‘ishlangan alohida XXIV bobning kiritilishi sud hokimiyati, prokuratura organlari qatorida odil sudlovning muhim tarkibiy qismi sifatida advokaturaning huquqiy maqomi belgilanishiga xizmat qildi.

Yangilanayotgan Konstitutsiyamizda “Inson huquq va erkinliklarini ta’minlash - davlatning oliy maqsadidir” degan norma belgilandi.

Ushbu maqsadga erishish uchun insonning sha’ni va qadr-qimmati daxlsizligi, davlat organlari tomonidan huquqiy ta’sir choralarini mutanosiblik prinsipiga asoslanishi va qonunlarda nazarda tutilgan maqsadlarga erishish uchun yetarli bo‘lishi kerakli belgilanmoqda.

Aybsizlik prezumsiyasi yanada kuchaytirilmoqda. Jumladan, Konstitutsiyamizning 28-moddasida shaxsning ishi sudda ko‘rib chiqilib, uning aybi aniqlanmaguncha u aybdor hisoblangan bo‘lsa, endilikda sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi bilan aniqlanmaguncha u aybsiz hisoblanishi mustahkamlandi².

Konstitutsiyada insonning shaxsiy huquqlari va erkinliklari kafolati eng ilg‘or xalqaro standartlarga muvofiq kuchaytirildi. Xususan, 27-moddaga ko‘ra shaxsni sud qarorisiz 48 soatdan ortiq muddat ushlab turilishi mumkin emasligi, ushbu muddat ushlab turish qonuniyligi va asosliligi sudda isbotlanmasa, shaxs darhol ozod qilinishi (“Xabeas korpus” instituti) hamda shaxsni ushlab turish chog‘ida uning huquqlari va ushlab turilishi asoslari unga tushunarli tilda tushuntirilishi kerakligi (“Miranda qoidalari”), shuningdek, ayblanuvchi va sudlanuvchilarga o‘ziga qarshi ko‘rsatma bermaslik, ya’ni “sukut saqlash” huquqi belgilanmoqda. Ushbu qoidalari shaxsiy erkinlik daxlsizligini va insonlarni noqonuniy hibsga olishga yo‘l qo‘ymaslikni kafolatlaydi³.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 08.05.2023 yildagi “Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini amalga oshirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida” PF-67-son Farmoni// URL: <https://lex.uz/docs/-6461609>

² Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

³ O‘zbekiston – ijtimoiy davlat // uza.uz // URL: https://uza.uz/oz/posts/ozbekiston-ijtimoiy-davlat_544064

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг хуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Ilk marotaba yozishmalar, telefon orqali so‘zlashuvlar, pochta, elektron xabarlar va boshqa xabarlarni sir saqlash huquqi faqat sudning qaroriga asosan cheklanishi mumkinligi belgilandi. Shaxs qarindoshlarining sudlanganligi asosi bilan huquqlari cheklanishi mumkin emasligi qat’iy belgilanishi inson o‘zining yaqinlari yo‘l qo‘ygan xatolar uchun javob bermasligini ta’minlaydi.

Yangilangan Bosh Qomus jamiyatimizda inson qadrini ulug‘lash, xalqimiz uchun yanada qulay sharoitlar yaratish maqsadini ko‘zlashi bilan ahamiyatlidir. Ayniqsa, 41-modda tahriri, bu borada bildirilgan takliflar ta’lim tizimida kutilayotgan o‘zgarishlar qiyofasini belgilab beradi. Ta’kidlash joizki, amaldagi konstitutsiyada ta’limga oid normalar birgina moddada ask ettirilgan. Yangi tahrirga ko‘ra, 50-51-52-moddalar ushbu sohaga bag‘ishlanadi¹.

Jumladan, ta’lim olish huquqi kafolatlanishi bilan bir qatorda, davlat va nodavlat ta’lim tashkilotlari rivojlanishi bir xilda qo‘llab-quvvatlanishi ilk bor rasmiy asosda mustahkamlanmoqda. Qolaversa, inklyuziv ta’lim-tarbiya atamasining konstitutsiyada aks etishi e’tiborga molik. Eng asosiy o‘zgarish o‘qituvchilarning maqomi bilan bog‘liq. Ya’ni, 52-moddada avval bo‘lmagan yangi norma kiritilmoqda. Unga ko‘ra, o‘qituvchining mehnati jamiyat va davlatni rivojlantirish, sog‘lom, barkamol avlodni shakllantirish hamda tarbiyalash, xalqning ma’naviy va madaniy salohiyatini saqlash hamda boyitishning asosi sifatida e’tirof etiladi. Davlat o‘qituvchilarning sha’ni va qadr-qimmatini himoya qilish, ularning ijtimoiy va moddiy farovonligi, kasbiy jihatdan o‘sishi to‘g‘risida g‘amxo‘rlik qiladi. Ushbu normalarning konstitutsiyaga kiritilishi zamonaviy o‘zbek pedagogikasida yangi davrni boshlab berishi shubhasiz.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mmmkinki, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar negizini tashkil etuvchi “Inson qadri uchun” g‘oyasi hamda hozirgi islohotlarimizning bosh tamoyili bo‘lgan “Inson-jamiyat-davlat” degan yondashuv Konstitutsiyamizning mazmuniga chuqur singdirilmoqda. Yangi O‘zbekiston hayotida inson qadr-qimmati, sha’ni va g‘ururi barcha sohalarda birinchi o‘rinda turishi oliy darajada o‘z ifodasini topmoqda.

¹ Konstitutsiya islohoti: O‘qituvchining maqomi belgilanmoqda // www.jomboy.uz URL: <https://www.jomboy.uz/uz/node/2136>

ШАРИПОВ АКРАМЖОН
КУРБОНОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси мустақил
изланувчиси
E-mail: bazarovakram77@gmail.com

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг конституциясига нафақат давлатнинг фаолиятини тартибга соловчи асосий қонуни тариқасида, балки муайян бир шахснинг ўз эрк ва иродасини амалга оширишни кафолатловчи олий юридик кучга эга ҳужжат сифатида ҳам қаралади.

Хусусан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 5-қисмида инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланган¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 5-банди З-хатбошисида ҳам инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши эътироф этилган².

Гарчи, ушбу конституциявий қоида мамлакатимизда кенг эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг устувор аҳамиятга эга эканлигига бевосита бир далил бўлсада, Ўзбекистон худудида қабул қилинган конституциялар ўтмишига назар солсак, унинг тарихий илдизи муқаддам умуман мавжуд бўлмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, Ўзбекистон худудида яратилган дастлабки конституция ҳисобланадиган Бухоро Халқ Совет Республикасининг 1922 йилда қабул қилинган Конституцияси³ ёки бўлмаса, кейинчалик 1927⁴, 1937¹, 1978²

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL:lex.uz/docs/6445145.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарори // URL: lex.uz/docs/6523654

³Бухоро Халқ Совет Республикасининг 1922 йилда қабул қилинган Конституцияси // URL: shosh.uz/wp-content/uploads/2016/12/Konstitutsiya-Buharskoy-NSR-1922-g..pdf

⁴Ўзбекистон ССРнинг Конституциялари // URL: shosh.uz/wp-content/uploads/2016/12/Konstitutsiya-Uzbekskoy-SSR-1927-g..pdf

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

йилларда турли таҳрирларда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциялари ва ҳаттоғи 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк Конституциясида ҳам бу ҳакида бирор-бир сўз юритилмаган.

Аммо, бу сингари нормага мазмунан яқин бўлган меъёрий қоидалар қонунчилигимизда аввалдан бор эди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 15-моддасига асосан, маъмурий ишларни кўриб чиқишида қонунчиликдаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин этилади³.

Ёхуд, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 13-моддасига кўра, солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин этилади⁴.

Ёки бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 13-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўриб чиқишида қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади⁵.

Шу каби, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” қонуни 11-моддасига биноан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади⁶.

Эътиборлиси, юқорида келтирилган ҳуқуқий нормаларнинг барчасига хос бўлган умумий ва айни вақтда янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормага қараганда фарқли жиҳат бу – мазкур моддаларда “бартараф этиб бўлмайдиган” жумласининг қўлланилганидир.

¹ Ўзбекистон ССРнинг Конституциялари // shosh.uz/wp-content/uploads/2016/12/Konstitutsiya-Uzbekskoy-SSR-1937-g..pdf

²Ўзбекистон ССРнинг Конституциялари // URL: nrm.uz/contentf?doc=391018_konstituciya_(osnovnoy_zakon)_respublikni_uzbekistan_(prinyata_19_04_1978_g_na_v_neocherednoy_shestoy_sessii_vs_ruz_devyatogo_sozyva)

³Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // URL: lex.uz/docs/3527353

⁴Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси // URL: lex.uz/docs/4674902

⁵Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси // URL: lex.uz/docs/3523891.

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” қонуни // URL: lex.uz/acts/2006789.

Табиий савол туғилади: хўш, “бартараф этиб бўлмайдиган” жумласи билан ушбу моддаларда айнан нима кўзда тутилмоқда?

Ўйлашимизча, бу ерда Ўзбекистон Республикаси “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ти қонунининг 18-моддаси, яъни норматив-хуқуқий хужжатларнинг ўзаро нисбати назарда тутилган бўлиб, бу модда талаби бўйича, турли норматив-хуқуқий хужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатларига ва мақомига, ушбу хужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-хуқуқий хужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади. Норматив-хуқуқий хужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ бўлиши керак. Норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжат қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжат қоидалари амал қиласди, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно. Агар норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини хуқуқий жихатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган хужжат бир хил мақомдаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади¹.

Демак, қонунининг ушбу моддаси мазмунига таянсак, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мавжуд барча бартараф этиб бўладиган зиддиятлар ва ноаниқликлар муайян шахс фойдасига талқин этилмаслиги ҳақида хулоса келиб чиқади.

Ўз навбатида, Конституциямизнинг 15-моддаси 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эгалиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона хуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, 16-моддаси 2-қисмида бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги, тўғрисидаги талабларини эътиборга олсак, юқорида қайд этилган қайд этилган норматив-хуқуқий хужжатлардаги моддаларнинг мазмуни Конституциямизнинг 20-моддаси 5-қисмидаги талабига номувофиқ бўлиб чиқмоқда, боиси унда “бартараф этиб бўлмайдиган” жумласи ишлатилмаган.

¹Ўзбекистон Республикаси “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ти қонуни // URL: lex.uz/docs/5378966.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Бундан ташқари, бу сингари конституциявий норма ҳуқуқий тизими нисбатан тараққий этган мамлакатлар, яъни Япония¹, АҚШ², Франция³, Швейцария⁴, Австралия⁵, Россия Федерацияси⁶ конституцияларида учрамаслигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Шу маънода, давлатимизда мансабдор шахслар ва масъуллар томонидан амалиётда ҳуқуқ субъектлари ўртасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар ҳамда низоларни ҳал этиш учун мазкур конституциявий қоидага тўғридан-тўғри ҳамда сўзсиз риоя этишлари доимо устувор аҳамият касб этиши лозим.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида ҳар доим ҳам ушбу тамойилга риоя этилмаётгандек кўринмоқда.

Масалан, аризачи Т.В.П. жавобгар Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигига нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.08.2019 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4427-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2019 йилдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли Қарорида 01.10.2019 йилдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаси фақат “E-Ijro auksion” савдо майдончасида электрон онлайн аукцион орқали берилиши, энг яхши таклифни танлаш орқали йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкаларини тақдим этиш ҳоллари бундан мустасно экани қайд этилганини, Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг 28.08.2020 йилдаги 1335-сонли қарори қабул қилинишида юқорида кўрсатилган қарорлар талабларидан четга чиқилиб, фуқаро Р.М.га ер майдони (бу ер майдонида фуқаро Р.М. томонидан тўрт қаватли майшлий хизматлар кўрсатиш биноси қурилган) тўғридан-тўғри ажратиб берилганини маълум қилиб, Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг 2020 йил 28 август қунидаги 1335-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Нурафшон туманлараро маъмурий суди 2022 йил 13 июнь қунги ҳал қилув қарори билан, шикоят аризани қаноатлантиришни рад этган. Мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан Т.В.П. томонидан апелляция шикояти келтирилиб,

¹Япония конституцияси // URL:file:///C:/Users/User/Downloads/JPN27179.pdf

²АҚШ конституцияси // URL: https://constitutioncenter.org/media/files/constitution.pdf

³Франция конституцияси // URL: https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/69919/118231/F49600133/FRA69919%20Eng.pdf

⁴Швейцария конституцияси // URL: https://aceproject.org/ero-en/regions/europe/CH/Switzerland%20Constitution%202002.pdf

⁵Австралия конституцияси // URL::https://www.aph.gov.au/-/media/05_About_Parliament/52_Sen/523_PPP/2023_Australian_Constitution.pdf

⁶Россия Федератсияси конституцияси // URL: http://www.constitution.ru/official/pdf/constitution.pdf

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 13 июнъ кунидаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Шу тариқа, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати апелляция шикоятида келтирилган важлар асосли эканлигини, Ўртачирчик туман ҳокимлиги томонидан 2020 йил 28 августдаги 1335-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 44-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2019 йилдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли Қарори талабларига зид равишда қабул қилинганлиги, туман захирасидаги суғориладиган ер майдони тўғридан-тўғри танлов ўтказилмасдан фуқаро Р.М.га қурилиш қилиш учун ажратиб берилганлиги боис, мазкур иш бўйича қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Т.В.П.нинг аризасини қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган¹.

Фикримизча, апелляция судлов ҳайъати маъмурий иш бўйича низони ҳал этишда қуйидаги қонунчилик меъёрлари талабларини назардан четда қолдирган.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этса, мазкур қонуннинг 6-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қаторида юридик табиати бўйича сўнгти ўринда турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари кўрсатиб ўтилган².

Қолаверса, ушбу қонуннинг 16-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари сифатида ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши белгиланган.

Натижада, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати қайд этилган маъмурий иш бўйича низо юзасидан аризачи Т.В.П.нинг фойдасига қарор чиқарар экан, ушбу қарор билан нафақат жавобгар бўлган давлат органи Ўртачирчик туман ҳокимлигининг, балки ишнинг натижасидан бевосита манбаатдор бўлган учинчи шахс фуқаро Р.М.нинг зарарига, яъни унинг мулкий ҳуқуқларига ҳам даҳл қилган ва ушбу қарор пировардида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддаси 5-қисми талабига зид бўлиб чиқмоқда.

¹ public.sud.uz/report/ADMINISTRATIVE_NEW (5-1101-2204/762-сонли тартиб рақам билан юритилган маъмурий иш)

²Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунни // URL: lex.uz/docs/5378966.

Баён этилган фикр-мулоҳазаларимизни инобатга олиб, хулоса ўрнида қўйидаги таклифларни илгари сурмоқчимиз.

1. Конституциямизда мавжуд “инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши” тўғрисидаги қоидани юридик табиати бўйича қуий турадиган тегишли қонун ҳамда кодексларда алоҳида модда тариқасида кўрсатиб ўтилса;

2. Мазкур модданинг номини “инсоннинг ҳақлиги презумпцияси” деб номланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, буюк юонон файласуфи Афлотун ўз даврида таъкидлаб ўтганидек “Қаерда қонунлар кучга эга бўлмаса ёки кимнингдир ҳукми остида бўлса, ўша жойда давлат ҳалокатга яқин деб биламан. Қаерда қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонунлар қули бўлса, ўша жойда давлат равнақ топади ва худолар давлатларга инъом этадиган барча эзгуликларни кўраман”¹

¹Платон. Собрание сочинений в 4 т. / под общ. ред. А. Ф. Лосева, В. Ф. Асмуса, А. А. Тахо-Годи ; пер. с древнегреч. Вл. С. Соловьева, М. С. Соловьева, С. Я. Шейнман-Топ-штейн и др. М.: Мысль, 1994. Т. 4. С. 169.

БОЙТУРАЕВ ФАРХОД
МАМАТКАРИМОВИЧ

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ НОРМАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон мамлакатларида самарали давлат бошқаруви ва одил судлов тизимини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда жиддий таҳдидлардан бири коррупция бўлиб қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals) бўйича ҳисоботида коррупция, порахўрлик, талон-тарож қилиш ва солик тўлашдан бўйин товлаш ривожланаётган мамлакатларга ҳар йили тахминан 1,26 триллион доллар зарар келтираётганлиги, ҳолбуки ушбу ресурслар камида олти йил давомида кунига 1,25 доллардан кам пул сарфлаётганларнинг турмуш даражасини ошириш учун ишлатилиши мумкинлиги баён қилинган¹.

БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадларининг (Sustainable Development Goals) 16.5-бандида коррупция, экстремизм ва порахўрлик қўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равища қисқартириш инсоният олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида маълум қилинди².

Хорижий мамлакатлар тажрибаси хам шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашиш масалалари жуда кўплаб давлатларнинг Конституциялари даражасида эътироф этилмоқда. Хусусан, 2014 йилда референдумда қабул қилинган Миср Конституциясининг 218-моддасида баён

¹ The Sustainable Development Goals Report 2023 // www.un.org/sustainabledevelopment/peace-justice/.

² United Nations (2017) Resolution adopted by the General Assembly on 6 July 2017, [Work of the Statistical Commission pertaining to the 2030 Agenda for Sustainable Development](https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/6754Technical%20report%20of%20the%20UNSC%20Bureau%20%28final%29.pdf) // https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/6754Technical%20report%20of%20the%20UNSC%20Bureau%20%28final%29.pdf

қилинишича, "Давлат коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини олади ва қонун ваколатли назорат қилувчи органлар ва ташкилотларни белгилаб беради. Ваколатли назорат қилувчи органлар ва ташкилотлар коррупцияга қарши курашишда бир-бирларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши учун очиқлик ва ҳалоллик стандартларини жорий этади, коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси бажарилишини таъминлайди", -деб кўрсатилган¹.

Турли мамлакатлар конституцияларида коррупцияга қарши аниқ конституциявий қоидаларни жорий этиш тенденцияси ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунга қадар ушбу масала сўнгги йигирма йил ичида ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинган бир нечта конституцияларда алоҳида кўриб чиқилган. Конституциявий чоралар орқали Кения, Непал, Покистон, Сингапур, Таиланд, Уганда ва Филиппин юқори мартабали амалдорлар орасида коррупцияга қарши курашмоқда². Шунга мувофиқ равишда, ушбу конституцияларда парламент назорати, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро бир-бирин тийиб туриш ва назорат қилиш, очиқлик ҳамда жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон давлат сиёсатида коррупцияга қарши курашиш масалалари устуворлигига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон тарихида биринчи марта коррупцияга қарши курашишнинг самарали конституциявий асослари яратилди.

Жумладан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш,

¹ Миср Конституцияси // <http://worldconstitutions.ru/?p=1013&page=5>

² Трунцевский Ю.В. Антикоррупция и конституция. Мировые, региональные и национальные тенденции // https://studme.org/366502/pravo/antikorruptsiya_i_konstitutsiya_mirovye Regionalnye_i_natsionalnye_tendentsii

уларнинг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш функцияси киритилди¹.

Конституцияга киритилган мазкур ўзгартириш Ҳукуматдан коррупцияга қарши курашишда самарали давлат бошқаруви усулларини қўллаш, давлат хизматига “ҳалоллик” стандартларини тадбиқ қилиш бўйича қўшимча вазифалар юклайди. Ўз навбатида, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишларига қулай шарт-шароит яратади.

Шу билан бирга, Конституциянинг 95- ва 109-моддасида республика коррупцияга қарши курашиш органи раҳбари лавозимига номзодни тақдим қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати сифатида, коррупцияга қарши курашиш органи раҳбарини сайлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколати сифатида эътироф этилди. Ушбу механизм ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мустақиллиги ва холислинин таъминлашга хизмат қиласди².

Конституциянинг 93-моддасида эса парламент ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъruzani эшитиши ҳақида қўшимча киритилди. Ушбу янгича тартибот парламент вакилларининг жамиятда коррупциянинг тарқалганлик ҳолати, коррупция хавфи чуқурроқ намоён бўлаётган соҳаларни аниqlашга ва коррупцияга қарши курашишда устуворликларни белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Шу билан бир қаторда, миллий маъruzani эшитиши якунида Республикадаги коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигининг оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиши орқали ушбу жараёнларда парламентнинг роли ва таъсирчанлиги ошишига олиб келади. Ўз навбатида, давлат бошқаруви органлари томонидан коррупцияга қарши амалга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445147>.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445147>.

оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаси ҳақида ҳисобдорлиги фуқароларнинг ушбу жараёнлар ҳақида хабардорлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, муаллиф томонидан ушбу йўналишдаги ислохотлар жараёнини мониторинг қилиш давомида бир қанча камчиликлар ва хуқуқий бўшлиқлар ҳам аниқланди. Жумладан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъruzага қўйиладиган талаблар, уни тайёрлаш жараёнидаги давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, ушбу ҳужжатнинг структураси, унда ёритилиши лозим бўлган масалалар, шунингдек, парламентга тақдим қилиш муддати, миллий маъruzani жамоатчилик учун очик эълон қилиши тартиботи ёритилмаган. Бунинг оқибатида эса айрим хуқуқий бўшлиқлар юзага келган.

Фикримизча, ушбу баён қилинган хуқуқий бўшлиқлар Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига қўшимчалар киритиш орқали бартараф қилиниши зарур. Ўз навбатида Конституцияда баён қилинган коррупцияга қарши нормаларнинг амалиётда самарали қўлланилишини таъминлаш мақсадида миллий маъruzанинг структураси қуидагилардан таркиб топиши таклиф қилинади:

- Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzага ахборот таҳлилий ҳужжатга қўйиладиган талаблар қўйилиши, шу жумладан коррупцияга қарши мониторинг натижалари ва аниқланган коррупцияни келтириб чиқараётган сабаб-шарт шароитлар таҳлили мавжуд бўлиши;

- ўтган давр мобайнида аниқланган коррупцияга оид жиноятлар, улар оқибатида етказилган давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарар ҳажми, бундай жиноятларни аниқлаш йўналишидаги хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг сарҳисоби;

- жамиятда коррупциянинг тарқалганлик даражасини аниқлашга хизмат қилувчи фуқаролар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар кўрсаткичлари;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

- коррупция хавфи юқори бўлган соҳалар бўйича давлат бошқарувини амалга оширишувчи давлат органларининг коррупцияга қарши чоратадбирлари бўйича маълумотлар;

- давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги.

- коррупцияга қарши йўналишдаги чора-тадбирлар устуворлигидан келиб чиқиб, аниқланган муаммолар ва коррупциянинг сабаб ва шартшароитларини бартараф қилишга қаратилган таклифлар.

Шу билан бирга, ушбу жараёнларда қуйидаги тартиб-таомиллар белгиланиши мақсадга мувофиқ саналади:

коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzza учун зарур ахборот базасини таъминлаш мақсадида Ҳукумат таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳар йил якунланганидан кейинги ойнинг 10-санасигача Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига ҳисобдорлигини;

ҳар йилнинг 20 февраль санасига қадар Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzzанинг парламентга тақдим қилиниши;

ҳар йилнинг 20 март санасига қадар парламент томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzzанинг эшитувини ташкил қилиш ва парламент палаталарининг эшитув натижалари бўйича қарор қабул қилинишини;

ҳар йилнинг 30 март санасига қадар коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzza ва парламент қарорининг очиқ эълон қилинишини таъминлаш.

JAHONOV SHOHRUH
SHUHRAT O'G'LI

Toshkent davlat yuridik universiteti mustaqil izlanuvchisi
E:mail: jahonovshohruh@gmail.com

**JURNALISTIK TEKSHIRUVI JAMOATCHILIK NAZORATI
SHAKLINING HUQUQIY TABIATI**

Bugungi kunda fuqarolik jamiyatini qurishda muhim institut bo‘lgan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning bir qancha shakllari mavjud. Jamoatchilik nazoratini amalga oshirish shakllari “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida”gi Qonunda quyidagicha nazarda tutilgan:

- davlat organlariga murojaatlar va so‘rovlar;
- davlat organlarining ochiq hay’at majlislarida ishtirok etish;
- jamoatchilik muhokamasi;
- jamoatchilik eshituvi;
- jamoatchilik monitoringi;
- jamoatchilik ekspertizasi;
- jamoatchilik fikrini o‘rganish;
- fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari tomonidan davlat organlari mansabdar shaxslarining hisobotlari va axborotini eshitish;
- Jamoatchilik nazorati qonunchilikka muvofiq boshqa shakllarda ham amalga oshirilishi mumkin¹.

Ommaviy axborot vositalari jamoatchilik nazoratining subyekti sifatida yuqorida berilgan shakllarda jamoatchilik nazoratini olib borishlari mumkin.

Shu bilan birga, ushbu moddaning ikkinchi qismida belgilangan jamoatchilik nazorati qonunchilikka muvofiq boshqa shakllarda ham amalga oshirilishi mumkinligi quyidagilarni misol sifatida keltirish mumkin:

¹ O‘zbekiston Respublikasining 12.04.2018-yildagi O‘RQ-474-son “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida”gi Qonuni // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-3679092>.

- jurnalistik tekshiruvi;
- ekologik nazoratning jamoatchi inspektori;
- jamoat ekologik ekspertizasi va boshqalarni kiritish mumkin.

Jurnalistik tekshiruvi ommaviy axborot vositalarining jamoatchilik nazoratini olib borishining eng samarali shakllaridan hisoblanadi. Hozirda tadqiqotimiz obyekti doirasida jurnalisik tekshiruvi jamoatchilik nazorati shaklini ko‘rib chiqamiz. Bunda avvalo jurnalistik tekshiruvning o‘zi nima ekanligini tahlil qilishimiz lozim bo‘ladi.

“Jurnalistlik faoliyatini himoya qilish to‘g‘risida”gi Qonunning 9-moddasida “Jurnalist axborot to‘plash va tekshiruv o‘tkazish huquqiga ega.

Jurnalist o‘z tekshiruvlarining natijalarini ommaviy axborot vositalari orqali tarqatishga, ularni davlat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, jamoat birlashmalari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar va mansabdar shaxslarga ixtiyoriy ravishda taqdim etishi mumkin. Jurnalist tekshiruvi davrida u qo‘lga kiritgan materiallar va hujjatlar olib qo‘yilishi yoki ko‘zdan kechirilishi mumkin emas”, deb belgilab qo‘yilgan.

Ammo qonunchilikda jurnalistik tekshiruvning qanday tartibda va qaysi hollarda olib borilishi tartibga solinmagan. Shu sababli jurnalistik tekshiruv nima ekanligini aniqlash maqsadida shu sohada tadqiqot olib borgan olimlarning ishlarini tahlil qilamiz.

Bu tushunchaning ta’rifini A. Konstantinov shunday izohlagan “Jurnalist tekshiruvi omma e’tiboridan chetda qolgan faktlarni qidirish, tadqiq qilish va nashr etish faoliyati”¹.

Robert Grin bu atamaga boshqacha ta’rif bergan: “Jurnalist tekshiruvi, qoida tariqasida, shaxslar va tashkilotlar sir saqlanishini xohlagan muhim mavzuda o‘z ishini olib borishga asoslanadi”².

Yuqorida berilgan fikrlarni tahlil qiladigan bo‘lsak, A.Konstantinovning fikrlariga qo‘shilish mumkin, ammo Robert Grinning fikrlariga qo‘silib bo‘lmaydi,

¹ Константинов А.Д. Журналистское расследование // История метода и современная практика : учеб. пособие для профессионалов и начинающих/ под общ. ред. А. Д. Константина. СПб. : Астрель, 2010. С. 14

² Уилмен Дж. Журналистские расследования: Современные методы и техника. М., 1998. С. 12

sababi jurnalist shaxslarning shaxsiy ma'lumotlariga daxl qilishga huquqi yo'q va bu chegarani bosib o'tsa o'zi javobgarlikka tortilishiga sabab bo'ladi.

A.A. Tertichniy jurnalistik surishtiruvining maxsus usullarini huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan solishtiradi va ba'zi o'xshashlik jihatlarini qayd etib o'tadi: “Jurnalistlarning axborot qidirish usullari tergovchi va taddiqotchi olim bilan o'xshaydi va bu o'xshashlik birinchi navbatda mantiqiy tahlilda va materialni sinchkovlik bilan o'rghanishda, voqeа-hodisalarning bir-biri bilan aloqasini, har bir tafsilotni eng mayda detallarigacha tushunib qayta ishlashda namoyon bo'ladi”¹.

Fikrimizcha, A.A. Tertichniy journalist bilan tergovchini bir-biriga solishtirish katta xato, tegrovchi axborotni talab qilib olish vakolatiga ega, ammo jurnalistda bunday vakolat yo'q. Jurnalistning vazifasi jinoyatchini qo'lga olish emas, balki uning noqonuniy faoliyati faktlarini ommaga e'lon qilish, muammoni aniqlash va ehtimoliy yechimlarni taklif qilishdir. Shu bilan birga, olingan axborotni mayda detallarigacha mantiqiy tahlil qilishi o'xshashlik kasb etadi.

Shu bilan birga “jurnalistik tekshiruvi” va “jurnalistik surishtiruvi” ko'pincha bir-biri bilan almashtirib qo'llanadi. Jurnalistik tekshiruv atamasini ilk bor amarikalik jurnalistlar ishlatgan. Bu atama amerikalik jurnalistlar tomonidan “*investigation*” kabi ishlatilgan. Keyinchalik rus tiliga o'zlashgan.

Inglizcha “*investigation*” so'zining rus tiliga ikki xil tarjimasi mavjud: “tekshiruv” va “o'rghanish”. Asosan, jurnalistik tekshiruv atamasi qo'llanadi. Bu hozircha jamoatchilik e'tiboridan chetda bo'lgan ayrim faktlarni qidirish, o'rghanish va nashr etishga nisbatan qo'llanadi. Shu sababli jurnalistik tekshiruv va jurnalistik surishtiruv bir-biri bilan almashtirib qo'llangani bilan, asossan xalqaro amaliyotda jurnalistik tekshiruv atamasi qo'llanadi. Jurnalistik surishtiruv atamasini qo'llanishi jurnalaistlarning imkoniyatini cheklab qo'yishini ta'kidlash lozim.

Jurnalistik tekshiruvning predmetini belgilashda xorijlik olimlar deyarli har doim korrupsiyaga qarshi kurashni eslatib o'tadilar.

¹ Тертычный А. А. Расследовательская журналистика : учеб. Пособие для вузов / под общ. Ред. Э. М. Харламова. М. : Аспект Пресс, 2002. С. 106.

“Jurnalistika surishtiruvi” tushunchasi XXI asrda qo’llanila boshlandi. Sovet davrida bu atama ishlatilmagan va jurnalistlar ham sovet ideallashtirilgan turmush tarzini targ’ib qilish bilan shug’ullangan va faqat ijobiy ma'lumotlarni joylashtirishga harakat qilgan.

“Jurnalistik tekshiruv” sahifasidagi dastlabki nashrlar 1990-yillarning boshlarida paydo bo’lgan. Bunda jurnalistik tekshiruv o’tkazgan jurnalistlar ko’pincha sog‘lom fikrga rioya qilgan holda ishlashi kerak edi.

A. A. Tertichniy jurnalistik tekshiruvlarni mavzusiga qarab tasniflaydi:

- siyosiy jinoyatlarni tergov qilish;
- iqtisodiy jinoyatlarni tergov qilish;
- korruptsiyani tekshirish;
- ekologik jinoyatlarni tergov qilish;
- tarixiy sirlarni o’rganish;
- ijtimoiy va maishiy jinoyatlarni tergov qilish.

Yuqoridagilardan ko‘rishimiz mumkinki, jurnalistik tekshiruvning xalqaro miqyosda qabul qilingan yaxlit mexanizmi yo‘q. Shu bilan birga qonunchiligidizda jurnalistik tekshiruvga to‘sinqlik qilganlik yoki ommaviy axborot vositalarining faoliyatiga aralashganlik uchun javobgarlik belgilanmagan.

Yangi tahrirdagi Konstitutsiyamizning 82-moddasida “Ommaviy axborot vositalarining faoliyatiga to‘sinqlik qilish yoki aralashish qonunga muvofiq javobgarlikka sabab bo‘ladi”¹, belgilab qo‘yilgan. Ammo yuqorida ta’kidlaganimizdek, qonunchiligidizda bu bo‘yicha aniq javobgarlik belgilangan mexanizm yo‘q. Bu esa o‘z navbatida Konstitutsion normaning amaliyotda samarali ishlamasligiga olib keladi. Shu sababli Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeks va Jinoyat kodekslarida “Ommaviy axborot vositalari va jurnalistlarning faoliyatiga to‘sinqlik qilganlik uchun javobgarlik”ni belgilash lozim.

¹O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

МАЖИДОВ ШАХЗОД
АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч
докторанти
E-mail:shohzodmajidov@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ШАХСЛАРГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирда Конституциясининг 40-моддасига кўра, ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга¹. Мазкур конституциявий нормага биноан Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий норма асосида шаклланди. Конституцияда шахсларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш турлари мустаҳкамлаб кўйилди. Ўз навбатида, ҳар бир шахс ушбу конституциявий ҳуқуқини бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда амалга оширишлари мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг амалий ижроси юзасидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар (кейинги ўринларда хабар берган шахслар деб юритилади) нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг муҳим самарали воситаси сифатида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини қайд этиб келмоқда. Шу боис ҳам, давлат раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришишига бағишлиланган қўшма мажлисидаги нутқида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, «бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарурлиги ва шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>;

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади» деб, таъкидлаган эди¹. Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ўлароқ тан олиниши, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва сиёсий қадами сифатида, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни² қабул қилинди ва мамлакатда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган тараққиёт стратегияси 84-мақсади доирасида коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби мақсадлар давомий вазифа сифатида белгиланди³. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги ПФ-200-сон «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари устидан жамоатчилик назорат тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури»да коррупцияга оид хабарлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида қайд этилди⁴. Бироқ, бугунги кундаги таҳлиллар амалдаги қонунда хабар берган шахсларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Хусусан, «Чегара билмас муҳбирлар» (Reports without borders) халқаро ташкилот томонидан «Матбуот ва сўз эркинлиги» бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботга кўра,⁵ Ўзбекистон 2022 йилда матбуот ва сўз эркинлигига 45.74 балл билан 180 та давлат орасидан 133-ўринда қайд этилган бўлса, 2023 йилда 45.73 балл билан 137-ўринда қайд этилиб, 4 погона пастлади. Мазкур йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасида коррупция ҳақида хабар берган шахслар, оммавий ахборот воситалари, блоггерлар ва журналистларга таҳдид қилинаётганлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳимоясини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришишига бағишлиланган қўшма мажлисидан тантанали маросимдаги нутқи://Халқ сўзи газетаси 2021 йил 7 ноябрь № 238 (8018). Б-2.

² Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-419-сон. 03.01.2017. // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-60-сон. 28.01.2022 // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари устидан жамоатчилик назорат тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 28.11.2023. ПФ-200-сон// URL: <https://www.lex.uz/uz/pdfs/6676585>

⁵ Reports without borders. Get informed. Index Uzbekistan in 2023. <https://rsf.org/en/country/uzbekistan>

етарлича таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва механизmlари тўлиқ эмаслиги таъкидланган¹. Шунингдек, йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасида хабар берувчиларнинг сўз эркинлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашишнинг асосий жиҳати сифатида, давлат ва хусусий секторда коррупциявий жиноятларни профилактика қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул харакатлар режасининг 4-раунд мониторинги ҳисоботининг 14.7-тавсиясида Ўзбекистонда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мазкур тавсия талаблари расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган амалдаги нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахсларни ҳуқуқий мақоми ва ҳимоясини етарли даражада таъминлай олиш ёки олмаслиги хусусида ягона хуносага кела олмаганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин².

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, хабар берган шахслар ички бошқарувни яхшилашни хоҳлайдиган ташкилотлар учун самарали ҳисобланади. Ходимлар одатда муаммолар ҳақида биринчи бўлиб билишади ва хабар бериш иш берувчилар учун бирор ҳолат назоратга олинишидан олдин нима нотўғрилиги ва тўғриланиши кераклиги хусусида «эрта огоҳлантириш белгиси» бўлиб хизмат қиласи. Жумладан, 2002 йил КПМГнинг Австралия ва Янги Зелландиядаги фирибгарликка оид ҳисботида фирибгарликка оид ҳолатларнинг 25 фоизи ҳодимлар томонидан содир этилганлиги баён этилган³. 2005 йил КПМГнинг Африкадаги тадқиқотида фирибгарликка оид жиноятларнинг 44 фоизи хабар берувчи шахслардан олинган маълумотлар асосида фош этилгангининг⁴ бугунги кунда хабар берган шахслар коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, хабар берганларга оид қонунларнинг туб мазмун-моҳиятига қараганда бундай тусдаги муносабатлар бевосита инсонларнинг шахси, даҳлсизлиги, уларнинг меҳнат фаолиятларининг кафолатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиши, шу билан бирга улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланиладиган хавфсизлик чоралари шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларини

¹ Reports without borders. Get informed. Index Uzbekistan in 2023. <https://rsf.org/en/country/uzbekistan>

² Fighting Corruption in Eastern Europe and Central Asia. Anti-corruption reforms in Uzbekistan. Istanbul anti-corruption action plan fourth round of Monitoring. OECD 2019.

³ Cited in Scholtens, Review of the Operation of the Protected Disclosures Act – Report to the Minister of the State Services (NZ), December 2003 at 3.31. (NZReview)

⁴ KPMG Forensic Africa, Africa Fraud and Misconduct Survey 2005.

ҳимоя қилишга қаратилган норматив асослар қонуности хужжатлар ёки меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан эмас, балки қонун даражасида тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Натижада қабул қилинган мазкур қонуннинг мақсади жамоат тартибини бузувчилар, рағбатлантириш механизмидан сунъий равища фойдаланувчилар, ушбу фаолиятни ўзига касб қилиб олган ҳар қандай шахсларни эмас, балки вижданан, ҳалол ва оқилона асосларга эга коррупциявий хуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар хуқуқларини тўла рўёбга чиқариши даркор. Шунингдек, мазкур қонун муайян ташкилотда коррупциявий хавфлар аниқланса, ходимлар ўз фикрларини иш берувчи ёки масъул ички хизмат вакилига берса-да, етарли натижа бўлмаган тақдирда маълумотларни хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, оммавий ахборот воситалари ёки парламент аъзоси орқали ошкор қилган ходимнинг ҳам ҳимоясини таъминлаши зарур.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг мурожаат қилишга оид конституциявий хуқуқларининг ижросини амалда янада таъминлаш юзасидан халқаро ташкилотлар ва хорижий эксперталар томонидан берилган таърифларни таҳлил қилган ҳолда хабар берган шахсларни алоҳида хуқуқий мақомини Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунида белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хабар берган шахсларни шартли равища қуйидаги турларга бўлиш уларнинг хуқуқий мақомини янада ёрқин очиб беришга хизмат қиласди.

Хуқуқбузарликлар тўғрисида ички хабар бериш каналлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар: (шахснинг бевосита ўзи коррупциявий хуқуқбузарликдан жабр чеккан, мазкур ноқоқонуний ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) гувоҳи бўлган шахслар).

Ташқи хабар бериш каналлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар: (маълумотларни хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, оммавий ахборот воситалари, блоггерлар ёки парламент аъзоси орқали ёки ишонч телефонлари орқали маълумот тақдим қилган шасхлар).

Юридик шахс мақомига эга бўлган органлар орқали хабар берувчи ташкилотлар: (хорижий давлат ваколатли органининг мансабдор шахси ҳамда ваколатли вакиллари орқали ёки фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали маълумот берган шахслар).

BEGATOV JASURBEK
NUMONJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi
Davlat va huquq institutining tayanch doktoranti
ORCID: 0000-0002-7301-9525
E-mail: jbegatov96@gmail.com

FUQAROLARNING MEHNAT QILISH HUQUQLARINING KAFOLATLARI

Annotatsiya: Mazkur tadqiqot ishida O‘zbekiston Respublikasida fuqarolarning mehnat qilish huquqining normativ-huquqiy asoslari hamda ularni amalga oshirish mexanizmini yoritib berishdan iborat. Jumladan, yangi qabul qilingan konstitutsiyada mehnatga oid yangi normalarni kirtilishi insonlarni mehnatga oid huquqlarini ta’minlashning yangi pog‘onasi hisoblanadi. Mehnat qilish huquqi insonlarning eng muhim huquqlaridan biri hisoblanadi. Bugungi kunda jamiyatida insonlarni mehnat qilish huquqining kafolatlanganligi va ta’minlanganligi davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylandi.

Kalit so‘zlar: Konstitutsiya, davlat, ishsizlik, mehnat qilish, ijtimoiy himoya, ishsizlik, davlat organi, qonun, ijtimoiy adolat, xalqaro tashkilotlar, majburiy mehnat.

Bugungi kunda O‘zbekistonda aholining ish bilan ta’minlash sohasida amalga oshirib kelinayotgan islohatlar tufayli mehnat qilish erkinliklari, aholini ishga joylashtirish va bandlikni ta’minlash borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Aholining ish bilan bandligi sohasida amalga oshirib kelinayotgan ijtimoiy siyosat, eng avvalo, fuqarolarimizning mehnat qilish va shu orqali munosib hayot kechirishlarini ta’minlashdan iborat. Har bir fuqaro erkin kasb tanlashi hech bir kamsitishlarsiz mehnat faoliyatini amalga oshirishi, majburiy mehnatga yo‘1 qo‘yilmasligi vaadolatli mehnat sharoitida ishlashi kabi tamoyillarga tayanuvchi normativ-huquqiy hamda uni amalaga oshiruvchi davlat mexanizmi yaratildi.

Mamlakatimizda aholi bandligiga oid qonunchilik tizimi vaqtincha ishidan va mehnat daromadidan mahrum bo‘lib qolgan fuqarolarni tezkorlik bilan ish bilan ta’minlash, uning iloji topilmaganida esa qonunda nazarda tutilgan boshqa kafolatlarni o‘z vaqtida ta’minlab berishga qaratilgan.

O‘zbekiston fuqarolarning huquq va erkinliklari, xususan ijtimoiy va iqtisodiy huquqlarini amalga oshirish, ularni himoya qilish borasida sezilarli ishlarni amalga oshirilmoqda.

Mazkur ishlar doirasida davlat siyosatining tamoyillari va asosiy yo‘nalishlari shakllantirildi, xususan:

birinchidan, demokratiya va inson huquqlarining umume'tirof etilgan g'oyalari va qadriyatlariga, shuningdek, inson huquqlari sohasidagi xalqaro majburiyatlarga sodiqlik;

ikkinchidan, kuchli huquqiy davlatchilik va adolatli fuqarolik jamiyatini shakllantirishga asoslangan milliy manfaatlarning ustuvorligi;

uchinchidan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida mustahkamlangan shaxs manfaatlarining jamiyat va davlat manfaatlaridan ustunligi;

to'rtinchidan, ochiqlik va oshkorlik tamoyili, ya'ni bu boradagi barcha muammolarni muhokama qilish va hal etish fuqarolik jamiyatining barcha institatlari, shuningdek, xalqaro hamkorlar bilan muloqotda amalga oshiriladi.

Mamlakatimizda ana shu tamoyillardan kelib chiqqan holda, inson huquqlari, jamiyat hayoti, fuqarolar va davlat xizmatchilari ongiga xalqaro standartlarni keng ko'lamda joriy etish ishlari amalga oshirildi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 42-moddasida mustahkamlangan mehnat qilish huquqi insonning eng muhim va asosiy huquqlarindan biridir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida o'z ifodasini topgan bu huquq:

birinchidan, fuqarolarga o'zлари xohlagan kasb-hunarni erkin tanlash;

ikkinchidan, o'z qobiliyatiga yarasha ish bilan ta'minlanish;

uchinchidan, mehnatining hajmi va sifatiga qarab haq olish;

to'rtinchidan, adolatli mehnat sharoitida ishslash va qonunda ko'rsatilgan tartibda ishsizlikdan himoyalananish;

beshinchidan, mehnatni muhofaza qilish uchun zarur vositalar bilan ta'minlanishini anglatadi.

Fikrimizcha, bu faqarolarga bozor iqtisodiyotiga mos bilimlari va malakalariga qarab ish bilan ta'minlash vazifasini yuklaydi. O'zbekiston fuqarolarining mehnat qilish huquqi mustaqillik va istiqlol sharofati bilan yangi-yangi imtiyoz va qoidalar bilan boyitildi.

Har bir fuqaro mehnat qilish va uning natijalaridan foydalanish, shu jumladan, unumli va ijodiy mehnat uchun o'z qobiliyatlarining tasarruf etilish imkoniyati huquqiga, ishni erkin tanlash, qulay mehnat sharoitlari, davlat tomonidan kafolatlangan mehnat haqi minimumi va ishsizlikdan himoyalananish, teng mehnati uchun hech bir kamsitishsiz teng haq olish huquqiga egadir. O'zbekiston Respublikasida demokratik, insonparvar fuqarolik jamiyatini barpo etish jarayonida davlat va jamiyatni rivojlantirishning zarur sharti, jamiyat boyligini ko'paytirish manbai bo'lmish insonlarga Konstitutsiyada va amaldagi qonunlarda kafolatlangan mehnat qilish huquqining berilganligidadir¹. Ushbu moddaning qoidalari amaldagi Mehnat kodeksida hamda O'zbekiston Respublikasining “Aholini ish bilan ta'minlash to'g'risida”, “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”, “Nogironlarni

¹ О'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son)

ijtimoiy himoya qilish to‘g‘risida”gi qonunlarida hamda tegishli qonun hujjatlarida o‘z aksini topgan.

Amaldagi mehnat qonunchiligiga ko‘ra, har bir shaxs o‘zining samarali va ijodiy mehnat qobiliyatini tasarruf etish hamda qonun hujjatlarida ta’qilanganmagan har qanday faoliyat bilan shug‘ullanish huquqqa ega.

Inson huquqlari bo‘yicha ta’lim – bu yangilanishlar manbai va faol fuqarolar sifatida yoshlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish, o‘z huquqlari va boshqalarning huquqlarini himoya qilish uchun muhim strategiya hisoblanadi. Jahan ta’lim dasturining to‘rtinchi bosqichidagi harakatlar rejasidan yakuniy xulosa va olg‘a intilish uchun qo‘llanma sifatida foydalanish yo‘li bilan yoshlar uchun hamda yoshlar ishtirokida inson huquqlari sohasida ta’limni amalga oshirish bo‘yicha sa’yarakatlarni kuchaytirish tinch, adolatlari va barqaror kelajakka qo‘shilayotgan muhim hissa hisoblanadi¹. Fikrimizcha, fuqarolar inson huquqlari bo‘yicha mukkamal ta’lim olish orqali o‘zlarining mehnat huquqi sohasidagi huquqlarni samarali himoya qilishi va amalga oshirishga zamin yaratadi.

Iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlarning amalga oshirilishi, mulkning bosqichma-bosqich davlat tasarrufidan chiqarilishi, iqtisodiyotning nodavlat sektori, ayniqsa xususiy va kichik tadbirkorlikning davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi, yuridik shaxs tashkil etmagan holda jismoniy shaxslar tomonidan amalga oshiriladigan yakka tadbirkorlikka keng yo‘l ochilishi, qishloq joylarida aholiga qo‘sishma yer maydonlarining berilishi tufayli ortiqcha ish kuchi bilan bog‘liq muammoni yumshatish, odamlami samarali mehnatga jalb etish imkonini yaratildi².

Bugungi global mehnat bozorida odam savdosi va uni erkinligini cheklash orqali majburiy mehnatga jalb qilib yuqori daromad olish niyatida bo‘lgan insonlar ham tobora ko‘payib bormoqda. Odam savdosiga qarshi kurashish bo‘yicha OBSE vakili Xelga Konradning ta’kidlashicha, har yili 200 mingdan 500 minggacha kishi odam savdosi bo‘yicha G‘arbiy Yevropa davlatlariga olib kiriladi. Ular ichida ayollar 60% ni, erkaklar 40% ni tashkil etadi. Vakil har yili odam savdosidan olinadigan foyda 10-15 milliard dollarni tashkil etishini ta’kidlaydi. Odam savdosi bu jinoiy zanjir, uning kichik bo‘g‘inidan boshlab so‘ngisigacha kurashish kerak. Faqat shundagina muvaffaqiyatga erishish mumkin. Odam savdosiga bir vaqtning o‘zida ham jinoyat huquqi, ham inson huquqlari himoyasi masalasidir³. Yuqoridagi statistikaga asoslanib mazkur soha bugungi kunda tobora dolzarblashib bormoqda hamda bu jinoyatga qarshi kurashishda davlatlar o‘zaro hamkorlikda harakat qilishini taqozo qilmoqda.

O‘zbekistonda fuqarolarning mehnat huquqlarini kafolatlash maqsadida mehnat kodeksi yangi tahrirda qabul qilindi. Bozor iqtisodiyotiga mos zamonaviy davlatlar qonunchiligidan ijodiy foydalanilgan yangi tahrirdagi qonun 2022-yil 28-oktabrda

¹ Mo‘minov, Abdulkay Rashidovich; Tillabaev, Mirzatillo Alisherovich. Inson huquqlari: darslik/ A.R. Mo‘minov, M.A. Tillabaev; mas’ul muharrir A.X. Saidov. - 2-nashr. - T.: Adolat, 2013. - 304 b

² <https://insonhuquqlari.uz/oz/news/m9134>

³ Y. Tursunov, M.A. Usmanova. Mehnat huquqi. Darslik. -T.: TDYI nashriyoti. 2006. -58 bet

qabul qilingan. Yangi kodeksda yakka tartibdagi mehnatga oid munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solishning quyidagi asosiy prinsiplari belgilangan:

- mehnat huquqlarining tengligi, mehnat va mashg‘ulotlar sohasida kamsitishni taqiqlash;
- mehnat erkinligi va majburiy mehnatni taqiqlash;
- mehnat sohasidagi ijtimoiy sheriklik;
- mehnat huquqlari ta’milishining va mehnat majburiyatlari bajarilishining kafolatlanganligi;
- xodimning huquqiy holati yomonlashishiga yo‘l qo‘ylmasligi.

Bu o‘zgarishlar insonlarni ijtimoiy ahvolini yaxshilash bozor iqtisodiyotining bugungi “o‘z-o‘zini ta’milash tizmida” aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalari himoya qilish mexanizmi yaratildi. Davlat aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalarini ishga joylashtirish bo‘yicha qo‘srimcha ish o‘rinlarini, ixtisoslashtirilgan tashkilotlarni, shu jumladan nogironligi bo‘lgan shaxslar mehnat qilishi uchun tashkilotlarni tashkil etish, maxsus qayta tayyorlash va malaka oshirish dasturlarini tashkil etish, ish o‘rinlarining eng kam sonini belgilash kabio‘srimcha kafolatlarni ta’milaydi. Yangi tahrirdagi mehnat kodeksida aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalariga quydagilar kiritildi:

- 14 yoshga to‘limgan bolalari, nogironligi bo‘lgan bolalari bor yolg‘iz ota-onas, shuningdek ko‘p bolali oilalardagi ota-onalar;
- umumiyo‘rtasiga va o‘rtasiga maxsus ta’lim tashkilotlarini, kasb-hunar maktablari va kollejlari hamda texnikumlarini tamomlab, kasbga ega bo‘lgan yoshlar;
- “Mehribonlik” uylarining bitiruvchilari, shuningdek oliy ta’lim tashkilotlarining davlat grantlari bo‘yicha ta’lim olgan bitiruvchilari;
- Mudofaa, Ichki ishlari, Favqulodda vaziyatlar vazirliklari, Milliy gvardiya, Davlat xavfsizlik xizmati qo‘sishlaridagi muddatli harbiy xizmatdan bo‘shatilgan shaxslar;
- nogironligi bo‘lgan shaxslar;
- pensiyaoldi yoshidagi shaxslar (qonunda belgilangan pensiya yoshiga qadar ikki yil oldin);
- jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan shaxslar yoki sudning qaroriga ko‘ra o‘ziga nisbatan tibbiy yo‘sindagi majburlov choralarini qo‘llanilgan shaxslar;
- odam savdosidan jabrlanganlar .

Yuqoridagi toifalarga davlat ishga joylashtirish bo‘yicha qo‘srimcha kafolatlar berilishini ta’milaydi. Mazkur kodeksdagi asosiy yangiliklardan biri yillik asosiy mehnat ta’tili eng kam muddati 15 kundan 21 kalendar kunga uzaytirildi. Kodeksda xodimning shaxsiy ma’lumotlarini uning roziligesiz boshqa shaxslarga berish ta’qilandi. Bu shubhasiz, shaxs daxlsizligini himoya qilishga qaratilgan asosdir.

Aholini ish bilan ta’milash muammolarini hal qilish bandlik xizmati organlari va ish beruvchilar faoliyatidan tashqari umuman ushbu masalalarda yuritilayotgan davlat siyosati bilan ham qo’llab-quvvatlanadi va bu siyosatning maqsadi - fuqarolarga ularning mehnat qilish huquqlarini amalga oshirilishida yordam berishi, ixtiyorli, samarali va erkin ish bilan bandlikni ta’milashga qaratilgandir. Aholi

bandligi yuzasidan yuritilayotgan davlat siyosati mehnat resurslarini rivojlantirish, barcha fuqarolarga teng mehnat qilish imkoniyatini yaratish, ijodiy, unumli mehnat qilishlariga ko‘maklashishdan iborat¹.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining **43-moddasida:** Davlat fuqarolarning bandligini ta’minlash, ularni ishsizlikdan himoya qilish, shuningdek, kambag‘allikni qisqartirish choralarini ko‘radi. Davlat fuqarolarning kasbiy tayyorgarligini va qayta tayyorlanishini tashkil etadi hamda rag‘batlantiradi. Mazkur qoida aholini ish bilan ta’minlash masalasini yanada jadallashtirish hamda yangi normativ hujjat asosida faoliyatni tashkil etishga asos bo‘ladi.

O‘zbekistonda 2013-yildan boshlab XMT metodologiyasi asosida qishloq xo‘jaligida bolalar va majburiy mehnatdan foydalanish monitoringi olib borilmoqda. Xalqaro Mehnat Tashkilotining bolalar va majburiy mehnat to‘g‘risidagi ratifikatsiya qilingan konvensiyalarini amalga oshirish bo‘yicha Milliy harakatlar rejası qabul qilindi va amalga oshirilmoqda. U bolalar mehnati va majburiy mehnatning eng yomon shakllarining oldini olishga qaratilgan aniq chora-tadbirlarni, jumladan:

bolalar va majburiy mehnat sohasidagi normativ-huquqiy bazani takomillashtirish;

ishga qabul qilishning eng kam yoshi to‘g‘risidagi konventsija va bolalar mehnatining eng yomon shakllarini taqiqlash va ularga barham berish bo‘yicha zudlik bilan choralar ko‘rish to‘g‘risidagi konventsianing bajarilishini nazorat qilish va monitoring qilish;

bolalar va majburiy mehnat to‘g‘risidagi konventsiyalarini amalga oshirish yuzasidan keng ko‘lamli axborot va tushuntirish ishlarini olib borish;

bolalar va majburiy mehnatning oldini olishga qaratilgan xalqaro hamkorlik loyihibarini amalga oshirish. Mazkur vazifalarni ijrosi natijasida majburiy mehnatga qarshi kurashish xalqaro reytinglarida sezilarli o‘sishga erishildi.

Amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaning 44-moddasida:

Sud qarori bilan tayinlangan jazoni ijobi etish tartibidan yoxud qonunda nazarda tutilgan boshqa hollardan tashqari majburiy mehnat ta’qiqlanadi.

Bolalar mehnatining bolaning sog‘lig‘iga, xavfsizligiga, axloqiga, aqliy va jismoniy rivojlanishiga xavf soluvchi, shu jumladan uning ta’lim olishiga to‘sqinlik qiluvchi har qanday shakllari ta’qiqlanadi. Yangi konstitutsiyaga mazkur moddani kiritlishi bolalar mehnat huquqlarni himoya qilishning yangi bosqichiga asos soldi.

Mamlakatimizda majburiy mehnatni oldini olishga qaratilgan amaliy harakatlar natijasida qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida, jumladan, paxta yigim-terimida bolalar mehnatidan foydalanishni oldini olish borasida amalga oshirilayotgan ishlar xalqaro ekspertlar tomonidan ijobiy baholanmoqda. Bugungi kunga qadar XMT O‘zbekistonni xalqaro mehnat standartlarini joriy etishda ijobiy tajribaga ega davlat sifatida baholaydi.

¹ Долголенко Т. Уголовная ответственность за торговлю людьми. Уголовное право. 2004. - № 2. – С.23-25.

Xalqaro tashkilotlar ishtirokisiz va inson huquqlari bo‘yicha asosiy xalqaro hujjatlarga rioya qilmasdan demokratik huquqiy davlat barpo etib bo‘lmasligini anglagan holda, mustaqil O‘zbekistonning asosiy vazifasi inson huquqlari va inson huquqlari sohasidagi xalqaro majburiyatlarini qat’iy bajarishdan iborat edi.

Xulosa qilib aytganda, har bir inson hech qanday kamsitilishlarsiz va belgilangan mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdoridan kam bo‘limgan tarzda adolatli haq olish huquqiga ega ekanligi, mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdori insonning o‘zi va oilasi yashashi uchun yetarli bo‘lishi, homiladorligi yoki bolasi borligi sababli ayollarni ishga qabul qilishni rad etish, ishdan bo‘shatish va ularning ish haqini kamaytirish ta’qiqlanishi, har bir ishlovchi ayol homilador bo‘lgan taqdirda va tug‘ish davrida haq to‘lanadigan ta’tilga hamda yangi tug‘ilgan chaqalojni parvarish qilish uchun ta’tilga yoki bolani farzandlikka olish uchun ta’tilga chiqish huquqiga ega bo‘lishi kabi normalarni kiritilishi inson huquqlari rivojlanishini yangi pog‘onaga ko‘tardi.

Bugun O‘zbekiston davlat organlari va aholi o‘rtasidagi munosabatlarni tubdan o‘zgartirish asosida o‘zining demokratik-huquqiy rivojlanishining muhim bosqichini boshdan kechirmoqda. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning samaradorligi davlat tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida mustahkamlangan fuqarolik, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy huquqlar va inson manfaatlarining butun majmuasini ta’minlash bo‘yicha o‘z majburiyatlarini izchillik bilan bajarishi bilan chambarchas bog‘liqdir.

AMINOV MIROBBOS
ASKAR O'G'LI

Toshkent davlat yuridik universiteti doktoranti
E-mail: mr4689959@mail.ru

MAHSULOT TAQSIMOTIGA OID BITIM – DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK SHAKLI SIFATI. QONUNCHILIK TAHLILI

Mamlakatimizning tabiiy yerosti qazilma boyliklari neft va gaz, shuningdek, boshqa bir qator foydali qazilmalar bo'lib, jamiyatimiz farovonlik darajasi ana shu resurslar bilan uzlucksiz ta'minlash imkoniyatiga bog'liq. Biroq, ularni qidirish, ishlab chiqarish va qayta ishlash jarayoni katta moliyaviy xarajatlarni, maxsus jihozlarning mavjudligini, shuningdek ularni amalga oshirish tajribasini talab qiladi.

Ushbu holatlar davlatning xususiy sektor bilan neft, gaz va boshqa tabiiy resurslarni qazib olish bo'yicha o'z mablag'larini investitsiyalash orqali hamkorlik qilish imkonini beradigan davlat-xususiy sheriklik shaklini yaratishga olib keldi. Bunday sheriklik mahsulot taqsimotiga oid bitimdir.

Davlat-xususiy sheriklik shakllaridan foydalanish amaliyoti va erishilgan imkoniyatlarni ko'rib chiqsak maqsadga muvofiqdir. O'zbekistonda keng qo'llaniladigan davlat-xususiy sheriklikning eng ommabop shakllaridan biri bu 2001-yil 7-dekabrda qabul qilingan “Mahsulot taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi Qonuni¹ asosida tuziladigan mahsulot taqsimoti bitimlaridir. Ushbu xususiy sheriklik konlarni qazib olishga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda o‘zining samaradorligini ko‘rsatdi. Hozirgi vaqtida “Lukoyl” va “Gazprom” (Rossiya), “PETRONAS” (Malayziya), “Kossor Operating Company” (Vietnam), CNPC (Xitoy), “KNOC” va “KOGAS” (Janubiy Koreya) va boshqa kompaniyalar bilan mahsulot taqsimoti shartnomalari tuzilgan.

Mahsulot taqsimotiga oid bitimning **девлат-хусуси шериклик шакли сифатида хусусиятлари**. “Mahsulotni taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi O'zbekiston

¹ 2001-yil 7-dekabrda qabul qilingan "Mahsulot taqsimotiga oid bitimlar to'g'risida"gi Qonuni // URL: <https://lex.uz/docs/-20641>

Respublikasi Qonunning 1-moddasida mahsulot taqsimotiga oid bitimning maqsadi O‘zbekiston Respublikasi hududida konlarni aniqlash, qidirish va foydali qazilmalarni kavlab olishga investitsiyalar kiritilganda mahsulot taqsimotiga oid bitimlarni tuzish, ijro etish va bekor qilish jarayonida yuzaga keladigan munosabatlarni tartibga solishdan iboratdir¹.

Mahsulot taqsimotiga oid bitimning **taraflari** davlat va xususiy sheriklardir. Davlat sherigi O‘zbekiston Respublikasi bo‘lib, uning nomidan shartnomada O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi yoki u vakolat bergen organ hisoblanadi.

Xususiy sherik tomonida “Mahsulotni taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunning 4-moddasiga binoan, konlarni aniqlash, qidirishga va foydali qazilmalarni kavlab olishga o‘z mablag‘larini, qarzga olgan yoki jalb etgan mablag‘larini (mol-mulkini va (yoki) mulkiy huquqlarini) kiritayotgan investor.

Mahsulot taqsimotiga oid bitimning **amal qilish muddati**. Bitimning amal qilish muddatini taraflar belgilaydi. Bitimning amal qilishi investor tashabbusi bilan, u o‘z zimmasiga olgan majburiyatlarni bajargan taqdirda, foydali qazilmalar iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq tarzda qazib olinishini tugallash hamda yer osti boyliklaridan oqilona foydalanish va ularni muhofaza qilishni ta’minlash uchun yetarli bo‘lgan muddatga uzaytiriladi. Bunda ana shunday uzaytirish shartlari va tartibi bitim bilan belgilanadi. (“Mahsulotni taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunning 11-moddasi).

Mineral xomashyo qazib olishni **moliyalashtirish** mahsulot taqsimotiga oid bitim bo‘yicha investorning o‘z, qarz yoki jalb qilingan mablag‘lari (mulk va (yoki) mulkiy huquqlar) mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002-y., 1-son, 12-modda; 2003-y., 9-10-son, 149-modda; O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 52-son, 533-modda; 2008-y., 52-son, 513-modda; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son; 12.10.2021-y., 03/21/721/0952-son

DXShning ushbu shakli ishtirokchilarining **xatarlari** quyidagicha taqsimlanadi: investor investitsiya va tijorat risklarini, davlat hamkor esa siyosiy, ijtimoiy va huquqiy risklarni o‘z zimmasiga oladi.

Xususiy va davlat sheriklarining mahsulot taqsimotiga oid bitim bo'yicha **foydasи** “Mahsulotni taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunning 15-moddasiga asosan quyidagicha taqsimlanadi. Qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulot davlat bilan investor o‘rtasidagi bitimga muvofiq taqsimlanmog‘i lozim bo‘lib, bitimda:

qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulotning umumiy hajmini va uning qiymatini aniqlash;

qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulotning kompensatsiya mahsuloti sifatida investorga mulk qilib beriladigan qismini (shu jumladan uning eng yuqori yoki eng past miqdorini) aniqlash;

qidirish ishlarining va yer qa’ri uchastkasini boshqacha tarzda tadqiq etishning natijalarini investorga foydalanishga berishga qilgan xarajatlarini qoplash uchun qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulotning davlatga beriladigan qismini aniqlash;

foydaqa qolgan mahsulotni (bunday deganda qazib olingan yoki ishlab chiqarilgan mahsulotning ushbu Qonunning qoidalariiga muvofiq yer osti boyliklaridan foydalanganlik uchun to‘lovlarni to‘lashga ishlatiladigan bir qismi, kompensatsiya mahsuloti, shuningdek davlat tomonidan qilingan xarajatlarini qoplash uchun davlatga beriladigan bir qismi chegirilganidan keyingi holati tushuniladi) taqsimlash;

qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulotning davlatga tegishli qismini yoki shu bahodagi ekvivalentini unga berish;

qazib olingan (ishlab chiqarilgan) mahsulotning investorga tegishli qismini yoki shu bahodagi ekvivalentini unga berish shartlari va tartibi nazarda tutilishi kerak.

Bundan tashqari, Davlat kompensatsiya mahsulotini, shuningdek foydaga qolgan mahsulotning bitim shartlariga muvofiq investor ulushi hisoblanuvchi qismini investorga mulk qilib beradi.

Bitim shartlariga muvofiq investorning mulkiga o‘tadigan mahsulot hech qanday cheklashlarsiz O‘zbekiston Respublikasidan tashqariga olib chiqib ketilishi yoki investor tomonidan ichki bozorda bitimda belgilangan shartlar va tartibda realizatsiya qilinishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasida favqulodda holatlar yuzaga kelgan taqdirda, davlat kamida o‘ttiz kun oldin investorni xabardor qilib, investorning mahsulotini zarur hajmda olish huquqiga ega. Bu holda mahsulotni olish va investorning ehtimol tutilgan zararlarini qoplash shartlari bitimda belgilab qo‘yiladi. (“Mahsulotni taqsimotiga oid bitimlar to‘g‘risida”gi Qonunning 16-moddasi).

Investorga bir qator **kafolatlar** beriladi. Birinchidan, Mahsulot taqsimotiga oid bitim shartlarining barqarorligi kafolati, xususan, Qonunning 24-moddasiga binoan, taraflarning kelishuviga binoan bitim shartlariga kiritilgan o‘zgartishlar bitimda nazarda tutilgan tartibda va shartlarda amalga kiritiladi. Agar bitimning amal qilish muddati mobaynida qonunchilik bilan investorning bitim doirasidagi faoliyatining tijorat natijalarini yomonlashtiruvchi normalar belgilanadigan bo‘lsa, bitimda qayd etilgan shartlar amal qiladi. Agar qonunchilik bilan ishlarni bexatar olib borish, yer osti boyliklarini, atrof muhitni va fuqarolar sog‘lig‘ini muhofaza qilish standartlariga (normalariga, qoidalariga) o‘zgartishlar kiritiladigan bo‘lsa, mazkur qoida qo‘llanilmaydi.

Ikkinchidan, investorga mahsulot taqsimotiga oid bitimga muvofiq o‘zi sotib olgan va amalga oshiradigan mulk va boshqa huquqlarni himoya qilish kafolatlanadi. Investorga Mahsulot taqsimotiga oid bitimdoirasida u tomonidan sotib olingan va amalga oshirilgan huquqlarni cheklovchi qonuniy qoidalar qo‘llanilmaydi.

Yuqorida tahlillarimizdan shunday xulosaga kelishimiz mumkinki, mahsulot taqsimotiga oid bitimlar ham davlat-xususiy sheriklikning bir shaklidir. Shundan

kelib chiqib, “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni¹ning 1-moddasiga quyidagi tartibda o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritishni taklif qilamiz:

“Ushbu Qonunning maqsadi davlat-xususiy sheriklik, shu jumladan konsessiyalar hamda mahsulot taqsimoti to‘g‘risidagi bitimlar sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat.

Ushbu Qonunning amal qilishi davlat xaridlari sohasiga nisbatan tatbiq etilmaydi.

Konsessiya loyihalarini va mahsulot taqsimoti to‘g‘risidagi bitimlar ro‘yobga chiqarish, shuningdek konsessiya shartnomalari hamda mahsulot taqsimoti to‘g‘risidagi bitimlarni tuzish ushbu Qonunda davlat-xususiy sheriklik loyihalari uchun belgilangan tartibda amalga oshiriladi”.

Bundan tashqari “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 3-moddasi birinchi qismi to‘qqizinchli xatboshi bilan to‘ldirishni taklif qilamiz:

“mahsulot taqsimotiga oid bitim - shartnoma hisoblanib, unga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi haq olish asosida va muayyan muddatga chet ellik investorga bitimda ko‘rsatilgan yer qa’ri uchastkasida konlarni aniqlash, qidirish va foydali qazilmalarni kavlab olish hamda shular bilan bog‘liq bo‘lgan ishlarni olib borish uchun mutlaq huquqlar beradi, investor esa mazkur ishlarni o‘z mablag‘lari hisobiga va tavakkal qilib amalga oshirish majburiyatini oladi”.

¹ Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-4329270>.

ABDUKADIROVA SHOXINA
ABDUQODIR QIZI

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
magistratura talabasi
E-mail: abduvaliyevashahina3@gmail.com

INVESTITSIYA HUQUQI, UNING HUQUQ TIZIMIDA TUTGAN O'RNI VA FAOLIYAT ASOSLARI

Investitsiya faoliyatini mamlakat iqtisodiyotiga daromad eshigi sifatida xizmat qilishi, uning rivojlanish oqimini yanada jadallashtirishiga qo'shgan hissasi, sanoat va ishlab chiqarish sohalaridagi progressive o'sishga sabab bo'ladigan yo'l ekanligi - har bir davlat o'z iqtisodiy globallashuvi jarayonida investitsiya faoliyatini qo'llab quvvatlashi, ularning oqimini yanada jadallashtirish uchun harakat qilishi, har bir sohalarda investitsiya faoliyatini shakllantirib, faoliyat iahtirokchilarini rag'batlantirishiga sabab bo'ladi. Ushbu faoliyatning davlat rivojiga qo'shishi mumkin bo'lgan ulkan hissalari uning mamlakat iqtisodiyotida ulkan ahamiyat kasb etishini belgilab beradi.

Investitsiya faoliyatining samarali olib borilishi quyidagi ijobiy oqibatlarni keltirib chiqaradi:

- birinchidan, xalqaro huquq tizimida diplomatik munosabatlarni shakllantirishdagi yumshoq kuch vositasi bo'lib hizmat qilib, davlatlar orasidagi iqtisodiy xalqaro hamkorlikni kuchaytirishi, diplomatik barqarorlikka asos bo'lishi orqali o'zaro munosabatlarni ijobiy oqimda ushlab turishi mumkin;

- ikkinchidan, iqtisodiy taraqqiyotni rag'batlantirishga, infratuzilmani rivojlanishga, yangi ish o'rnlari yaratishga, texnologiya ko'nikmalarining samaradorli almashinuviga hizmat qiladi. Bu bir vaqtning o'zida ham investor, ham qabul qiluvchi mamlakat uchun foyda keltiradi;

- uchinchidan, BMT bosh assambleyasi tomonidan 2015-yilda barcha uchun yaxshiroqroq va barqarorroq kelajakka erishish uchun 17 qismdan iborat rejasи, "Sustainable Development Goals" ya'ni, o'zbek tiliga tarjima qilinganda, "Barqaror rivojlanish maqsadlari" ning to'qqizinchisi investitsion faoliyat haqida bo'lib, unda, Investitsiyalarni barqaror loyihalarga yo'naltirish orqali, davlatlar qashshoqlik, iqlim o'zgarishi va ijtimoiy tengsizlik kabi muammolarni hal qilish, iqtisodiy faoliyatni global rivojlanish maqsadlariga moslashtirishga hissa qo'shishiga urg'u berilgan;

- to'rtinchidan, investitsiyalar tadbirkorlarni, xalqaro standartlarga mos kelib, ma'suliyatli biznes yuritishini rag'batlantiradi. Inson huquqlarini himoya qilinishi, atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalari va axloqiy biznes amaliyotlariga rioya qilish faoliyat olib boruvchilar soni ko'payishi bilan, tobora ko'proq tadbiq qilina boshlaydi. Bu investitsiyalarning kengroq ijtimoiy ta'sir ko'rsatib, aholi xabardorligining o'sishini oshiradi;

- beshinchidan, xalqaro nizolarni hal qilishda "ISDS" kabi xalqaro mexanizmlarni tashkil qilib, xalqaro ishbilarmonlik munosabatlarida, javobgarlik va

adolatlilikni ta'minlab, davlatlarga buzilgan huquqlari ustidan da'vo qilish huquqlarini beradi.

Shu sababli, har bir mamlakat o‘z huquq tizimida Investitsiya faoliyatini yanada jozibadorlashtirishga qaratilgan qator islohatlarni uzluksiz tarzda olib borishga harakat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi hududida ham investitsion faoliyatni qo‘llab quvvatlash maqsadida qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son farmonini bunga bir misol qilib olishimiz mumkin. Ushbu farmon, mamlakat ishlab chiqarish sanoati darajasini har tomonlama oshirish, uning har bir javhasiga kirib kelishi kerak bo‘lgan investitsiyalar oqimini jadallashtirish orqali, biznes muhitini yanada yaxshilash, shuningdek, mahalliy va xorijiy investorlar bilan o‘zaro muloqotni yo‘lga qo‘yishga qaratilgan “Toshkent xalqaro investitsiya forumi”ni har yili o‘tkazishni yo‘lga qo‘yilishi kabi bir qator islohotlar rejasini o‘z ichiga qamrab olgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining Soliq Kodeksiga qo‘srimcha va o‘zgartishlar kiritish to‘g‘risidagi, Qonunchilik palatasi tomonidan 2022-yil 28-aprelda qabul qilingan, Senat tomonidan 2022-yil 29-aprelda maqullangan Qonunida soliq kodeksiga O‘zbekiston Respublikasining investitsiya muhitini yaxshilash uchun kiritilgan qator o‘zgartirishlar va qo‘srimchalar kiritiganligi, Xorijiy sarmoyadorlar va xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarga qator soliq va bojxona imtiyozlari taqdim etilganligini misol qilib keltirishimiz mumkin.

Investitsiya faoliyatining davlat iqtisodiy ravnaqida tutgan o‘rni, uning huquq tizimidagi alohida soha sifatida ahamiyat darajasiga shubhasiz ta’sir qiladi. Bu esa to‘g‘ridan-to‘g‘ri, ushbu faoliyatning mazmun mohiyatini tubdan yoritish va tushunish orqali, uning nafaqat Respublikamizdagi balki Xalqaro darajadagi huquq tizimidagi o‘rnining shakllanishini anglashni taqazo qiladi.

Investitsiya faoliyatiga turli hil adabiyotlarda turlicha ta’rif berilib, g‘arb olimlarning fikriga ko‘ra, investitsiya kelajakda daromad olish uchun bugun o‘zingdan ajratilishi kerak bo‘lgan kapital bo‘lsa, R.X.Karlibayevaning “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish” nomli o‘quv qo‘llanmalarida Investitsion faoliyat – foyda olish maqsadida aksiya, obligatsiya sotib olish, tovar ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan real aktivlarni sotib olish va ishlab chiqarish uchun sarflash tushuniladi, ya’ni investitsiyalar har qanday vosita sifatida pulning qiymatini saqlaydi yoki uning qiymatini ko‘paytiradi va ijobjiy daromadlar olishni ta’minlaydi¹, deb ta’rif berilgan.

O‘zbekistonda faoliyat olib borayotgan olim P.Vaxrin investitsiya tushunchasi to‘g‘risida, shaxs o‘z kapitalining qiymatini saqlash, yoki uniny qiymatini oshirish yo‘li bilan joylash orqali daromad toppish yo‘li deya ta’rif bergan.¹²

¹ R.X. Karlibayeva, N.M.Maxmudov, Sh.A.Majidov “Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish”

² Вахрин П. И. Инвестиции. М.: Дашков и К°, 2002. С. 17.

Investitsiya faoliyati pulning zamonga bog‘liq nazariyasiga ko‘ra daromad yoki foyda ko‘rish maqsadida, o‘zining mamlakati hududidagi yoki boshqa davlatlar tarkibiga kiruvchi turli tarmoqlarga, jumladan ijtimoiy-iqtisodiy dasturlarga, tadbirkorlik loyihalarga, ilm-fan yoki innovatsiyaga kapital qo‘yishni, ya’ni uni ma’lum bir muddatga ushbu soha orqali band qilishni anglatadi.

Imloviy ma’nosi tomondan ham, “Investitsiya” atamasi lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, “invest”, ya’ni “qo‘yilma” degan ma’noni anglatib, pul mablag‘lari, qimmatli qog‘ozlar, moddiy va nomoddiy boyliklar, shu jumladan, mol-mulkka bo‘lgan huquqlarni ma’lum bir sohaga iqtisodiy rivojlantirish oqibatida daromad topishni bildiradi.

Investitsiya faoliyatining subyektlari investorlar va investitsiya ishtirokchilari hisoblanadi.¹ Investorlar daromad topish maqsadida o‘z kapitallarini investitsiya faoliyati ishtirokchisi olib borayotgan faoliyatga kiritadilar. O‘z navbatida ishtirokchilar investorlar buyurtmalarini bajarish orqali, ushbu faoliyatni amalga oshishini ta’minlaydilar va ular tomonidan kiritilgan kapital hisobiga foyda topadilar.

Ushbu faoliyat orqali yaxshi daromad topishi uchun, investorlar kelib chiqishi mumkin bo‘lgan xatarlarni oldindan baholashlari, tadqiqotlar o‘tkazishlari va diversifikatsiya qilishlarini taqazo qiladi. Aks holda, kapital kiritilgan sohaning yetarlicha iqtisodiy rivoj topmasligi oqibatida, qiymati pasayishiga, hatto mutlaqo yo‘qotilishiga olib kelishi mumkin.

Qo‘yilishi rejalashtirilgan kapital turiga qarab investitsyaning qator turlari mavjud bo‘lib, ularning keng tarqalgan turlariga:

- aksiyalar, obligatsiyalar, ko‘chmas mulk, investitsiya fondlari, birja fondlari, kriptovalyuta, tovarlar, depozit sertifikatlari va omonat hisobvaraqlari;
- harakatdagi (asbob-uskunalar va boshqa moddiy boyliklar) va ko‘chmas (binolar, inshootlar, kommunikatsiya va boshqa boyliklar) mol-mulklar;
- mualliflik huquqlar, nou xau va boshqa (aqliy) boyliklar; - yerdan, tabiiy boyliklardan va boshqa mol-mulklardan foydalanish huquqlarini misol keltirishimiz mumkin.

Har bir investitsiya turi o‘ziga xos xavf va potentsial mukofotlarga ega. Har xil turdagи investitsiyalar bo‘yicha diversifikatsiya qilish portfeldagi risklarni boshqarishning umumiy strategiyasi bo‘lib xizmat qiladi.

Xatarlardan xabardor bo‘lish uchun, diversifikatsiya qilish va moliyaviy maqsadlar va risklarga bardoshlilik asosida sarmoya kiritilishi juda muhimdir. Bundan tashqari, bozor tendentsiyalari haqida xabardor bo‘lish va investitsiyalarni muntazam ravishda ko‘rib chiqish ehtimoliy yo‘qotishlarni kamaytirishga yordam beradi.

Investitsion yo‘qotishlarga sabab sifatida quyidagi omillarni keltirishimiz mumkin:

¹ 2. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”, O‘RQ-598-соҳ 25.12.2019 // URL: <https://www.lex.uz/docs/-4664142>.

1. Bozor tebranishlari - investitsiyalar narxlarining, bozor sharoitlari, iqtisodiy omillar yoki geosiyosiy hodisalar ta'sirida o'zgarishi;
2. Yomon sarmoya tanlovi – izlanishlarning yetishmasligi yoki tegishli risklarni tushunmasdan aktivlarga investitsiya qilish;
3. Iqtisodiy pasayish – iqtisodiy tanazzul yoki pasayish ko'plab investitsiyalar samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatishi oqibatida;
4. Kompaniyaga xos masalalar - agar kompaniya moliyaviy qiinchiliklarga duch kelsa, bu uning aktsiyalari yoki obligatsiyalari qiymatiga ta'sir qilishi;
5. Vaqt – investitsiyalarni noto'g'ri vaqtda sotib olish yoki sotish kabi noto'g'ri vaqt yo'qotishlarga olib kelishi.

Oldindan to'g'ri baholangan investitsiyalar investorga:

- Sarmoya qilingan mablag' qiyematining vaqt o'tishi bilan o'sishi va daromadning oshishi;
- Infilyatsiya ta'siridan qochish;
- Moliyaviy maqsadlarga erishish
- Ba'zi investitsiyalar, masalan, aksiyalar va obligatsiyalar, dividendlar yoki foizlar qiymati o'sib borishi hisobiga foydani boyitish;
- Korxonalar va loyihalarga sarmoya kiritish orqali iqtisodiy o'sishning jadallashuviga, yangi ish o'rnlarning yaratilishi va ishlab chiqarish sanoati tarmoqlarini yanada kengaytirishga imkon yaratib beradi.

Muvaffaqiyatli investitsiya qilish uchun moliyaviy maqsadlaringizni tushunish, xavf-xatarlarga chidamlilik va chuqur tadqiqotlar o'tkazish juda muhimdir.

Xulosa qilib aytganda, daromad olish, egalik qilinayotgan kapitalning qiymatini oshirish yoki infilyatsiya ta'siridan himoya qilish, iqtisodiy rivojlanishga xizmat qilish yoki ishlab chiqaruv sanoatini kengaytirish, yoki, boshqa foydali natijalarni qo'lga kiritish maqsadida o'z kapitalini ma'lum bir sohaga qo'ygan har qanday jismoniy va yuridik shaxslar, shuningdek xorijiy davlat fuqarolari va yuridik shaxslar tomonidan amalga oshiriladigan harakatlar majmui – investitsiya faoliyati hisoblanadi. Ushbu tushuncha mazmunida faoliyat olib borilishining maqsadi, obyekti va yo'nalishlari, amalga oshirilish tartibi va tomonlarning huquq va majburiyatları, va eng asosiysi tomonlarning yaxshi daromad olish motivi yotadi.

Investitiyalarning mamlakat va Xalqaro huquq tizimidagi ro'lini tushunish – adolatli va barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta'minlash bilan birga, qator ijobjiy maqsadlarga erishishga asos bo'lib hizmat qiladi. Global tijoratning murakkabliklarini yo'lga qo'yishga intilayotgan hukumatlar, biznes va yuridik mutaxassislar uchun ushbu faoliyat juda ahamiyatga egadir.

XOTAMOV ZOIRJON
TOHIR O'G'LI

O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi
universiteti magistratura tinglovchisi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YANGI KONSTITUTSIYASINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI

Dunyoda kundan-kunga yangi sinovlar, xavf xatar va tahdidlar paydo bo'layotgan vaziyatda shuningdek, har jabhada shiddat bilan rivojlanib borayotgan mamlakatimizning shaxs, jamiyat va davlat o'rtasida vujudga keladigan munosabatlarni yanada muvofiqlashtirish hamda qonunlarimizda “inson qadri uchun” tamoyilini milliy qonunchiligidan mustahkamlash maqsadida bosh qomusimiz bo'lmish O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi umumiy, teng, yashirin ovoz berish yo'li bilan yangi taxrirda qabul qilindi.

Yangi tahrirdagi Konstitutsiya mamlakatimiz fuqarolari, chet el fuqarolari hamda fuqaroligi bo'limgan shaxslarning millatidan qat'i nazar ular o'rtasida totuvlik va xavfsizlikni ta'minlash siyosati davom ettirilib, jamiyatda har qanday radikallashuvga yo'1 qo'yilmasligi mustahkamlandi. Yangi taxriridagi Konstitutsiyamizning 20-moddasida “Insonning huquq va erkinliklari bevosita amal qiladi. Insonning huquq va erkinliklari qonunlarning, davlat organlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, ularning mansabdor shaxslari faoliyatining mohiyati va mazmunini belgilaydi. Inson bilan davlat organlarining o'zaro munosabatlarida yuzaga keladigan qonunchilikdagi barcha ziddiyatlar va noaniqliklar inson foydasiga talqin etiladi”¹ deya e'tirof etilganligi ham mamlakatimizda inson hamda uning huquq va erkinliklari Oliy qadriyat ekanligidan darak beradi. Shuningdek, Konstitutsiyamizda Milliy xavfsizligimizning tarkibiy qismi bo'lmish jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga ham alohida urg'u berib o'tilgan. Ya'ni iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ekologik, mafkuraviy xavfsizlikga oid norma va qoidalar mujassam etilgan bo'lib, jamoat xavfsizligi sohasida qabul qilingan barcha qonun va normativ-huquqiy hujjatlarga boshlang'ich asos bo'lib xizmat qilmoqda.

Shuningdek Konstitutsiyamizning 33-moddasida “Har kim fikrlash, so'z va e'tiqod erkinligi huquqiga ega. Har kim istalgan axborotni izlash, olish va tarqatish huquqiga ega. Davlat Internet jahon axborot tarmog'idan foydalanishni ta'minlash uchun shart-sharoitlar yaratadi. Axborotni izlash, olish va tarqatishga bo'lgan

¹ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

huquqni cheklashga faqat qonunga muvofiq hamda faqat konstitutsiyaviy tuzumni, aholining sog‘lig‘ini, ijtimoiy axloqni, boshqa shaxslarning huquq va erkinliklarini himoya qilish, jamoat xavfsizligini hamda jamoat tartibini ta’minlash, shuningdek davlat sirlari yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan boshqa sir oshkor etilishining oldini olish maqsadida zarur bo‘lgan doirada yo‘l qo‘yiladi”¹. Ushbu moddada ko‘rishimiz mumkunki, mamlakatimizdagi har bir inson, zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida istalgan ma’lumotlar olishi, foydalanishi, ilm-fan yutuqlaridan bahramand bo‘lishi, tarqatishi mumkinligi, faqatgina bunday harakatlar o‘zga shaxslarning huquq va qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlariga, ko‘p millatli xalqimiz tomonidan qabul qilingan ahloq normalariga zid bo‘lmasligi, hamda jamoat xavfsizligi va jamoat tartibini ta’minlash bilan bog‘liq muammoli vaziyatlarni keltirib chiqarmaslik alohida norma sifatida belgilab qo‘yildi.

Jamoat xavfsizligini ta’minlashda davlat va fuqarolarning manfaatlarini ko‘zlab faoliyat olib boruvchi huquqni muhofaza qiluvchi organlar, mahalliy davlat hokimiyyati organlari, fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlarining o‘rnini alohida ta’kidlab o‘tilganligini ham ko‘rishimiz mumkin. Ularning bu faoliyatni amalga oshirishda davlatning butun hududida Konstitutsiya va Qonunlarning ustuvorligi davlat hokimiyatini oliyligini bildiruvchi asosiy belgidir. Konstitutsiyamiz mamlakatimizda jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash borasidagi ishlarning huquqiy poydevori bo‘lib xizmat qilish bilan bir qatorda fuqarolarning huquq va qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlari uchun eng katta huquqiy asos bo‘lib ham xizmat qilmoqda. Shuningdek, huquqni muhofaza qiluvchi organlar o‘rtasida jamoat xavfsizligini ta’minlashdagi hamkorligini takomillashtirish masalalari davlat siyosati darajasida isloh qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida davlatning jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi asosiy maxsus qoidalari ham mustahkamlangan. Xususan, 3, 40, 55, 60, 70, 64, 70, 71-moddalari mazmunida keltirib o‘tilgan. Masalan, davlat chegarasi va hududining daxlsizligi (3-modda), fuqarolarning miting, yig‘ilish va namoyishlar o‘tkazish bilan bog‘liq siyosiy huquqlarini ta’minlash (38-modda), har bir shaxsning vakolatli davlat organiga murojaat qilishi hamda ularning murojaatlari qonunda belgilangan tartibda ko‘rib chiqilishi (40-modda), Har kim O‘zbekiston Respublikasining qonunchiligiga va xalqaro shartnomalariga muvofiq, insonning huquq va erkinliklarini himoya talab qilib murojaat etishga haqli (55-modda), Fuqarolar boshqa insonlarning huquqlari, erkinliklari, sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilishga majburdirlar (60-modda), O‘zbekiston Respublikasida ommaviy

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini amalga oshirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi farmoni // URL: <https://lex.uz/docs/-6461609>.

harakatlar hamda fuqarolarning boshqa birlashmalari jamoat birlashmalari sifatida e’tirof etiladi. Jamoat birlashmalarini tarqatib yuborish, ularning faoliyatini taqiqlab yoki cheklab qo‘yish faqat sud qarori asosidagina amalga oshiriladi (70-modda), O‘zbekistonning davlat suverenitetiga, hududiy yaxlitligiga va xavfsizligiga qarshi chiquvchi nodavlat notijorat tashkilotlarining tashkil etilishi va faoliyati taqiqlanadi (71-modda), Qoraqalpog‘iston Respublikasining suvereniteti O‘zbekiston Respublikasi tomonidan muhofaza etilishi (85-modda) kabilar shular jumlasidandir. Jamoat xavfsizligini ta’minlash bilan bog‘liq norma O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining vakolatlari berilgan 109-moddasining 19-bandida aks etgan bo‘lib, unga muvofiq, “alohida hollarda (real tashqi xavf, ommaviy tartibsizliklar, yirik halokat, tabiiy ofat, epidemiyalar) fuqarolarning xavfsizligini ta’minlashni ko‘zlab, O‘zbekiston Respublikasining butun hududida yoki uning ayrim joylarida favqulodda holat joriy etadi va qabul qilgan qarorini uch kun ichida O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining palatalari tasdig‘iga kiritadi. Favqulodda holat joriy etish shartlari va tartibi qonun bilan belgilanadi”. Vaholanki, ushbu norma jamoat xavfsizligiga tahdid soluvchi favqulodda vaziyatlar sodir bo‘lgan holatlarda fuqarolarning hayoti, sog‘lig‘i, huquq va erkinliklarini ta’minlashda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Konstitutsiya doirasida o‘z vakolatlarini amalga oshirishiga xizmat qiladi. Konstitutsiyamizning 127-moddasida “Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari davlat hokimiyati organlari tizimiga kirmaydi hamda mahalliy ahamiyatga molik masalalarni fuqarolarning manfaatlaridan, rivojlanishning tarixiy o‘ziga xos xususiyatlaridan, shuningdek milliy qadriyatlardan, mahalliy urf-odatlar va an’analardan kelib chiqqan holda, qonunga muvofiq mustaqil ravishda hal etishga haqli. Davlat fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari faoliyatini amalga oshirishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratadi, ularga qonunda belgilangan vakolatlarini amalga oshirishida ko‘maklashadi”. Hozirgi kunda jamoat xavfsizligini taminlash maqsadida “xavfsiz shahar”, “obod va xavfsiz mahalla” va “xavfsiz hudud” kabi ustuvor loyihalar ijrosiga katta e’tibor qaratilmoqda. Ushbu loyihalar ijrosini ta’minlash uchun davr talabidan kelib chiqqan holda jamoatchilik vakillari bilan hatto individual tartibda fuqarolar suhbatlar ham tashkil etilmoqda. Bu esa jamoat xavfsizligini ta’minlanishi yo‘lida sezilarli natijalar ko‘rsatishidan umidvormiz. Zero, “Xavfsiz shahar”, “Xavfsiz hudud” loyihalarida belgilangan vazifalarni samarali va to‘liq amalga oshirish, ichki ishlar organlari va milliy gvardiya faoliyatida eng ustuvor yo‘nalishlardan biri etib belgilandi.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, davlatimizning inson huquqlarini himoya qilish yuzasidan Konstitutsiya va qonunlarda belgilab qo‘yilgan normalarni hayotga

izchil tadbiq etish yo‘lida olib borilayotgan siyosati inson va uning huquqlarini ta’minlashga qaratilgan hamda mamalakatimizning butun hududdida jamoat xavfsizligini va jamoat tartibini ta’minlashga qaratilgan. O‘zbekiston Respublikasida hechkimning huquqi sud organining asoslantirilgan qaroridan tashqari hech bir organ yoki mansabdor shaxs tomonidan cheklanishi mumkun emas. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi bizning fuqaroligimizning huquq va erkinliklarini hamda xavfsizligimiz ta’minlanishini ifodalovchi asosiy hujjatdir. Fikrimizcha, yangi tahrirdagi konstitutsiyaviy normalarining qisqacha tahlili Konstitutsiyada jamoat xavfsizligini ta’minlashda inson, jamiyat va davlat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha faoliyatining ustuvor yo‘nalishlarini belgilash, ularni normativ-huquqiy hujjatlarda yanada aniqlashtirish hamda qonunni qo‘llash madaniyatining barqaror rivojlanishiga imkon beradi, deb hisoblaymiz.

ПРИМКУЛОВА ФЕРУЗА
АМИРКУЛОВНА

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази масъул ходими

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҲАМДА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида: «Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислоҳотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат.

Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиши даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамиз.

Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, ҳалқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган асосий қонунимизни таомиллаштириши масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак», деб таъкидлаган эдилар.¹

Шунга асосан, 2023 йил 30 апрел куни бўлиб ўтган референдум натижасига кўра 11 та моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси конституцияси тўғрисида” 2023 йил 1 май куни қабул қилинган Конституциявий қонун асос бўлди. Бу қонуннинг 1-моддасига Конституциянинг янги таҳрири илова қилинган.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 16 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, 26 та боб 27 та бобга кўпайган. Ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошли. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фойзга янгиланган.

Тан олиш керакки, мазкур янги қабул қилинган Конституцияда инсон ҳуқуқлари анча таомиллаштирилган ҳолда янгиланган. Хусусан, эски

¹ 06.11.2021. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

тахрирда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари боби 44–моддаси “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.” деб белгилаб қўйилган бўлса, янги таҳрирдаги Конституцияда бобнинг номи ҳам “Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари” деб ўзгартирилган. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55–моддасида келтирилди, “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усувлар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.”¹

Ўзбекистон Республикаси Конституцияий судининг эксперти Алишер Каримовнинг фикрларига кўра, “Қонунчиликда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинларини тиклаш масаласи унинг ҳаётида ўта муҳим ўрин тутганлиги сабабли, судлар томонидан чиқарилган қарорларни апелляция, кассация ёки назорат тартибида қайта кўриб чиқиш институтлари жорий этилган.

Шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид умумътироф этилган халқаро ҳужжатларида шахснинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари камситилганда ҳамда ирқий, аёлларга, болалар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)

ногиронларни камситиш ҳолати, қийноқлар жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турлар қўлланилганда фуқаро унинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда ҳуқуқларини тиклаш мақсадида БМТнинг тегишли қўмиталарга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бунинг асосий шарти шундаки, фуқаро ўз давлатида яратилган барча ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан қониқмаган тақдирда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш ва низолашаётган масаласини халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш имкониятини яратади. Шахсга давлатнинг ҳуқуқий ҳимояяга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлганидан сўнг, халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқининг берилаётганлиги Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини самарали бажаришга ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига хизмат қиласи. Қолаверса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари яратди.”¹

2023-йил 8-май кунидаги янгилangan Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокамасида Президентимиз таъкидлаганларидек, “Инсон қадри учун” тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу – авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани. Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади. Энг муҳими, “Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!” деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Юқоридаги ислоҳотлар ҳамда фуқароларимизнинг фаоллиги самараси ўлароқ, барча қилинган ишлар факат ва факат инсон ҳуқуқларини янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Жумладан, эътиборишимизни қаратишимииз керакки, ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқининг кафолатланиши Ўзбекистон Республикаси Олий Суди

¹ <http://www.konstsud.uz/uz/news/2023/09/11/konstitutsiyada-davlatning-inson-huquqlarini-taminlashdagi-mazhburiyatlari-belgilanishi-huquq-va-yerkinliklarimiz-kafolati>

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунидаги Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Пленум қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласи ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англатади.

Шунга кўра, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозим.

Судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қуйилмаслигига эътибор қаратишлари керак.¹ Ушбу қарорда Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида, унинг нормалари барча қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини инобатга олиб, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва зарур ҳолларда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги юзасидан муҳим тушунтиришлар берилди. Шахс – Жамият – Давлат мезонлари асосида шакллантирилган янги Конституция фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатидир. Инсон ҳуқуқларининг тўғридан-тўғри амал қилиниши халқимизнинг асосий қонунга ишончини ортишига, ҳуқуқий давлат сифатида дунёвий даражага чиқишига самарали хизмат қиласи.

Инсон ҳуқуқлари энг олий қадриятдир. Зоро Конституция барчамизники экан, унда халқимизнинг эрк ва иродаси мужассамлашганлиги келажак авлодлар учун ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунидаги Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/6523654>.

ХЎЖАЕВА НУРЖАҲОН
МИРЗААБДУЛЛОЕВНА

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази масъул ходими

КОНСТИТУЦИОН ИСЛОҲОТЛАР – ФАРОВОН КЕЛАЖАҚ ГАРОВИ

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий асосини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Бундай норматив ҳуқуқий ҳужжатларниң энг олий юридик кучга эга бўлгани бу давлатнинг Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам давлатимизнинг асосий қонуни ҳисобланиб, 2023 йил 30 апрел куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.

Конституциянинг 23 моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек модданинг учинчи қисмида бош қонунга янги “хорижда яшаётган ватандошлар” тушунча киритилган. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг учинчи моддасига кўра **ватандош** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган шахслар тушунилади¹. Ушбу модданинг мазкур қисмида давлат хорижда яшаётган

¹ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон Қонуни. 13.03.2020 // URL: [https://lex.uz/docs/4761984/](https://lex.uz/docs/4761984;);

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият
фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати” халқаро илмий-амалий
конференция материаллари (2023 йил 29 ноябрь)**

ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қиласди. Бу орқали Инсон ҳуқуклари умумжаҳон Декларацияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, нафақат мамлакат худудидаги балки хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга ҳам ғамхўрлик қиласди.

Конституцияга киритилган янги қоидалардан бири бу 46-модданинг иккинчи қисмида келтирилган: қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг микдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 544-сонли қарорининг Низомида келтирилган минимал истеъмол харажатлари – уй хўжаликларининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун энг кам харажатларнинг ҳисобланган қиймати ҳисобланади¹. Ушбу қоидаларнинг конститисия мақоми даражасига кўратилганлиги бу ижтимоий адолатни таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қиласди.

Янги Конституция тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиб, бу дегани суд ҳукмида конституцион нормаларни бевосита келтирилиши мумкин бўлади. Бундан ташқари Конституция интеллектуал мулк обектлари ва уларга бўлган мулк ҳукуқини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Конституциянинг 53-моддасига кўра интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 27.08.2021 йилдаги “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 544-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5606697>;

тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра 2022-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси тасдиқланган бўлиб, мамлакатда “Интеллектуал мулкнинг самарали ҳуқуқий муҳофазасидан — кучли ҳуқуқий ҳимояси сари” тамойили асосида интеллектуал мулкни жамият ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётини ривожлантирувчи асосий драйверга айлантириш орқали Ўзбекистонни илмий-техникавий ва ихтирочилик жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига киритиш ҳамда минтақавий брендларни худудларни ҳар томонлама ривожлантирувчи восита сифатида юзага чиқариш Стратегиянинг бош мақсади ҳисобланади¹. Бундай чукур ислоҳотлар натижасида интеллектуал мулк ҳуқуқининг таъминланишига ва интеллектурл мулк эгасининг эгалик ҳуқуқлари кафолатланганидан дарак беради.

Янги қабул қилинган Конституцияда суд-ҳуқук ва жиноий-протессуал қонунчиликка оид кўплаб нормалар ҳам қўшилган. Жумладан, Ўзбекистонда расман ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги уни айбли эканлигини исбот қилувчи ягона далил бўлса ҳам у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, шунингдек қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга оширишда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2022 йилдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5987120>;

**МАМАСОЛИЕВ
САИДАКМАЛ**

Тошкент давлат юридик университети
қошидаги академик лицейнинг ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОНИЙЛИК ПАРАДИГМАСИ

2023 йилда, Халқимизнинг орзу-умидлари, мақсад-у, истакларидан иборат чин маънодаги халқ ижоди бўлган Янги Конституция лойиҳаси умумхалқ реферундумга олиб чиқилди ва қабул қилинди. Демак, миллий ғурур ва инсон қадр-қиммати тимсоли бўлган Конституцияни қўллаб-куватлаш, ҳимоялаш, асраб-авайлаш ва унга риоя қилиш ҳар биримиз учун шаъраф, ҳам фахр, ҳам маъсулят, ҳам Ватан олдидаги олий бурч экан¹. Бундай олий бурчни бажариш учун Янги Конституциямиз билан танишиб чиқмоғимиз керак. “Хўш, Янги Конституция инсонинг ҳуқуқларига қандай эркинликлар бермоқда?” Шу ҳақида бир оғиз тўхталиб ўтамиз. Янги Конституциямизда инсон ҳуқуқлари соҳасида императив нормалар эмас, балки кўплаб аниқлаштирилган, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни кўришмиз мумкин. Бундай ёндашув ривожланиш стратегиямизнинг, Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ислоҳотлар кўлами ва талабидан келиб чиққангани ҳам бор гап, албатта. Маълумки, Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг шундай йўлини танлади-ки, унинг пировард мақсади дунёнинг ривожланган 50 талик давлати қаторидан жой олишдир. Янги Конституциямизнинг 65 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, улардан 16 таси инсоннинг ажralmas ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган. 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг "Муқаддима" қисмида "Инсон ҳуқуқларига ва давлат сувренитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, асосий қонунни

¹ С.Мамасолиев.//Ўзбекистон Республикаси Конституциясини замон талабларига мос тарзда ўзгартиш заруратдир.// "Ишонч" газетаси-2022- №82 (4678) -3- бет

қабул қилинади деган сўзларни ўқисак-да, атиги бир бўлимнинг ўзи Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини баён этар эди¹.

Хусусан, 54-моддада илк бор “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади”² экани белгиланди. 56-моддага кўра эса “Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратади”. Шунинг баробарида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши мумкинлиги, бизнинг ҳуқуқий амалиётимизда мутлақ янги воқелик ҳисобланади. Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишлиланган бўлиб, унда биз 25 янги ғоя билан йўғрилган новеллаларни ҳисобладик. Уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари моҳиятан чуқурроқ берилиб, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш механизми, мутлақо янги масала ва йўналишлар сифатида акс этган. Масалан, 25-моддада “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, дейилган. Ўзбекистонда ўлим жазоси 2008 йилда бекор бўлган эди, дейиш мумкин. Тўғри, лекин эндиликда ўлимнинг жазо тури сирасидан чиқариб ташланиши жиноят қонунчилигига инсонпарварлик ва либераллашув тенденциялари ортга қайтмаслигини, шунингдек, Ўзбекистон давлатининг инсон ҳуқуқларига ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ҳурмат билан қарашини конституциявий даражада яна бир бор тасдиқлайди. Айни пайтда Конституциянинг 19-моддасига янги хатбоши киритилиб, унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади”, деб мухрланди. Бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро универсал хужжатлар меъёрларига амал қилиш йўлида событқадамлигини, давлат органлари ва мансабдор шахслар қарорлар қабул қилишда халқаро

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/20596>;

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: lex.uz/docs/6445145.

хужжатларга риоя қилишини, суд-тергов органлари амалиётида халқаро андозаларга мувофиқ фаолият олиб боришини англатади. Худди шу каби 20-моддага мутлақо янги З та новелла киритилди.

Биринчиси, "Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қиласи. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмуини белгилайди". Яъни инсон давлат ва жамият фаолияти марказида туриши, уларнинг фаолияти тўлат-тўқис инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлиги мустаҳкамланмоқда.

Иккинчиси, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”. Бу норма назарий жиҳатдан ҳам адолат мезонларини барқарорлаштиришга хизмат қиласи.

Учинчиси, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талкин этилади”. Процессуал ҳуқуқнинг принципиал позицияси бўлмиш бу норма суд қарорлари ва ҳукмлари чиқарилаётганда тўғрида - тўғри Конституцияга асосланиб қўлланилади.

Конституциянинг мутлақо янги жиҳатлари 23-моддада акс этди. Унга кўра, эндиликда “Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қиласи”. Бундай йўналишдаги сиёsat ўтган йиллар давомида яхши самара берди. Жумладан, Сурия ва куролли тўқнашувлар бўлиб турган чет элдаги бошқа ҳудудлардан юзлаб ҳамюртимиз, асосан, аёллар ва болалар “Мехр” инсонпарварлик операциялари доирасида юртимизга қайтариб олиб келинди. Асосий қонунимиздаги янги жиҳатлардан бири 33-моддада акс этган. Яъни “Давлат Интернет жаҳон

ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади”. Дарҳақиқат, бугун интернет инсонларнинг кундалик эҳтиёжига айланди ва у ҳар биримизни бутун дунёдаги жараёнлардан бохабар қилишда етакчи ўрин тутмоқда. Интернет тармоғига киришни таъминлашга оид янги конституциявий норма мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини, хусусан, сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга ҳуқуқий замин яратади. Бу эса жамият ва давлатнинг очиқлилигини таъминлашга хизмат қиласи. Бевосита, бугун дунёда ахборот билан тўйинган жамият етакчилик қилиб келмоқда. Шу боисдан, 33-модданинг аҳамиятини англаш қийин эмас. Конституциядаги мутлақо янги нормалардан яна бири - 37-модда. Унда илк бор “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар”, деб сиёсий ҳуқуқларимизнинг энг муҳими акс эттирилган. Бу давлат хизматчиси бўлишда барчага тенг имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бу ўрнида Халқаро ҳужжатлар нима дейди.? Фуқоровий ва сиёсий ҳуқуқлар тоғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасида ”..ҳар бир фуқаро ҳеч бир камситишсиз ва асосланмаган чекласларсиз ўз мамлакатида умумий тенглик шартларида давлат хизматига кириш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган¹. Конституциямизда бундай норманинг берилиши фуқароларга давлат хизматига киришда ортиқча талаблар қўйилишинининг, коррупциявий ҳолатлар, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, қариндош-урұғчилик каби иллатлатлатларни олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Конституциямиз жамиятимизнинг бугунги ҳолатини акс эттиради ва у келажакка йўналтирилгани билан ҳам тарихий аҳамият касб этади.

¹ Янгиланаётган Конституция 100 саволга 100 жавоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти.-Тошкент.: "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 йил - 71-бет.

SHUKUROVA MUHAYYO
MUKUMJANOVNA

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining
Toshkent viloyati Ohangaron tumanidagi Xalq
qabulxonasi mudiri, IIV Akademiyasi mustaqil
izlanuvchisi

HOKIMIYAT HARAKATSIZLIGI JINOYATINING OB’EKTIV VA SUB’EKTIV BELGILARI

Ijtimoiy munosabatlar rivojlangani singari jamiyatdagi munosabatlar tizimi murakkablashib, turli-tuman ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi. Ijtimoiy munosabatlar o‘z navbatida ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy-ma’rifiy sohalarda vujudga kelib, insonlar tabiatini o‘zaro bog’laydi. Ijtimoiy munosabatlar bevosita insonning dunyoqarashi, fikrlash madaniyatiga ta’sir ko‘rsatsa, iqtisodiy munosabatlar inson mavjudligining moddiy kafolati sanaladi. Bu munosabatlar davlat va hokimiyatning qo‘li orqali qonuniy normalar bilan tartibga solinadi.¹

Ma’lumki, shaxs tomonidan jinoyat sodir etish holatlari insoniyat tarixining har qanday davrida mavjud bo‘lgan va o‘zining ijtimoiy xavfliligi bilan ajralib turgan. Shu tufayli, bugungi kunda dunyo mamlakatlarining barchasida jinoyatchilikka qarshi kurashish davlat siyosatining muhim yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilangan. Har qanday davlatda jinoiy-huquqiy siyosatni amalga oshirishning dastlabki va muhim bosqichi – bu qonun hujjalarda jinoyat uchun javobgarlikni belgilashdir. Bundan ko‘zlangan maqsad ijtimoiy hayotda sodir etilgan real qilmishning belgilarini jinoyat qonunida nazarda tutilgan jinoyat tarkibi belgilariga solishtirish orqali uning qanday jinoyat ekanligini va unga nisbatan qay turdagи jazo tayinlash kerakligini aniqlash hisoblanadi. Albatta jinoyatning turi xoh u hokimiyat va boshqaruvga oid bo‘lsin, xoh voyaga yetmaganlik, ma’muriy, diniy turda bo‘lsin barchasida obyektiv va subyektiv sabab va belgilar mavjudligi ilmiy jihatdan ma’lum jihatdir.²

Chop etilayotgan darsliklar, ilmiy maqolalar, ilmiy va amaliy tadqiqot ishlarida o‘zlashtirish va rastrata qilish yo‘li bilan o‘zganing mulkni talon-toroj qilish jinoyatlarining jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlariga e’tibor berilib, masalaning kriminalistik jihatlariga yetarlicha to‘xtalib o‘tilmayapti. Xususan hokimiyat va boshqaruv organlarining harakat va harakatsizligiga oid jinoiy holatlar faqatgina qonunda belgilanib uning sharhi va bu borada xalqning huquqiy ongnini rivojlantirish masalasi tobora dolzarb bo‘lib qolmoqda. Agar oxirgi yillar davomida amalga oshirilgan monografik tadqiqotlarga qaraydigan bo‘lsak, jinoyat-huquqiy

¹ S. Saidov (2022). JINOYAT VA JAZONING DOLZARBLIGI. Science and innovation, 1 (C8), 477-479. doi: 10.5281/zenodo.7443353

² Usmonaliyev M., Bakunov P. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik.—T.: «Nasaf», nashriyoti, 2010. – B. 553. (Usmonaliev M., Bakunov P. Criminal Law.General section: Textbook for Universities. — Tashkent: Nasaf Publishing House, 2010. - P. 553);

yo‘nalishdagina U.M.Mirzayev va M.M.Qalandarovlar tomonidan nomzodlik ilmiy darajalarini olish uchun tadqiqot ishlari amalga oshirilgan, biroq mazkur jinoyatni tergov qilish yo‘nalishida biror bir doktorlik tadqiqoti amalga oshirilmaganligi fikrimizning isbotidir. Hokimiyat harakatsizligi jinoyatlarini tergov qilish tushunchasi, metodikasi va ayrim turdagи jinoyatlarni tergov qilish O‘zbekistonda chop etilgan o‘quv va ilmiy adabiyotlarda umumiy tarzda yoritilgan. Aynan, mansabni suiistemol qilish va hokimiyatni o‘z manfaati yo‘lida o‘zlashtirish yoki rastrata yo‘li bilan o‘zganing mulkini talon-taroj qilish jinoyati yuzasidan tergov qilishning kriminalistik-xususiy jihatlarni emas, balki kriminalistik-umumiy jihatlarni qamrab oladigan yoki ushbu mavzuga aloqador belgilar yuzasidan S.A.Otaxo’jayev, O.CH.Xoliqov, M.F.Ergashev, M.H.Obidov, Sh.P Alaev¹, I.R.Astanov, Sh.P.Muxammadov, A.B.Hikmatov, A.B.Abdulaxatov, A.O.Aripov, A.X.Imomnazarov, E.A.Xayrullayev, F.Z.Mirzaev, A.K.Zakurlayev, D.B.Bazarova, M.Abdukarimovalar ilmiy adabiyotlar yaratganlar. Hokimiyat harakatsizligi jinoyatining jinoiy-huquqiy jihatlari Ochilov X.R, Haydarov Sh.D, Shamsiddinov, M. Usmonaliyev, B.D. Matmurodov², O.Zokirova, M.H.Rustamboevlarning ilmiy-huquqiy darsliklarida qisman bayon etilgan.

Har qanday jinoyat – inson xulq-atvorining tashqi ko‘rinishi, ya’ni ong va iroda nazorati ostida sodir qilinadigan harakat yoki harakatsizlik ko‘rinishidagi qilmishdir.³

JK Maxsus qismi norma va qoidalari o‘rganilganda, ushbu biz so‘z yuritayotgan jinoyatlar tarkibining ko‘rib chiqilayotgan elementiga xos tomonlarni ko‘rish mumkin:⁴

– birinchidan, obyektiv tomon jinoyat-protsessual tartibda isbot qilinadigan va o‘rnatiladigan, jinoyat obyektiga qarshi qaratilgan tajovuzni ta’riflaydigan jinoyatning belgilari majmuini ifodalovchi shaxs qilmishining tashqi ko‘rinishi;

– ikkinchidan, obyektiv tomonni ifodalaydigan belgilar (holatlar) ijtimoiy ahamiyatli hisoblanadi va qilmishning ijtimoiy xavfliligi hamda darajasini bildirib turadi;

– uchinchidan, bu belgilar umumiyl ifodaga ega, ya’ni real voqelikda sodir qilinadigan jinoyatlardan kelib chiqadi;

¹ I.R.Astanov. Jinoyat ishlari bo‘yicha maxsus bilimlardan foydalanishning protsessual va kriminalistik jihatlari. Monografiya. T:2018-yil.

² B.D.Matmurodov. Jinoyat tarkibi bo‘yicha kvalifikatsiya qilish masalalari. T:“Lessons press”-2019.

³ Z. Inomjonov VOYAGA YETMAGAN SHAXSLAR HUQUQBUZARLIK SODIR ETISHIDA JINOYAT TARKIBIY ELEMENTI SUBYEKTIV TOMON MASALASI // SAI. 2022. №C6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/voyaga-yetmagan-shaxslar-huquqbazarlik-sodir-etishida-jinoyat-tarkibiy-elementi-subyektiv-tomon-masalasi> (дата обращения: 23.09.2023).

⁴ Rustamboev M.X., Nikiforova Ye.N Huquqni muxofaza qiluvchi organlari: Darslik.-T.: TDYuI, 2005 yil.

– то‘ртinchidan, jinoyat tarkibining obyektiv tomoni yuridik ahamiyatga ega, chunki u jinoyat qonunida va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarda blanket dispozitsiya sifatida nazarda tutiladi.

Jinoyat tarkibining obyektiv tomoni – tajovuzning ijtimoiy xavflilik darajasini ifodalaydigan, jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan obyektga qarshi qaratilgan ijtimoiy xavfli tajovuzning tashqi holatini xarakterlovchi obyektiv, ijtimoiy va yuridik ahamiyatga ega bo‘lgan belgilar yig‘indisidir. Obyektiv belgilar avvalo subyektning jinoyat qurbaniga nisbatan bajaradigan amallaridir. Hokimiyat darajasida esa bu obyektiv belgilarning miqyosi va turkumi kengayib boradi. Chunki hokimiyat avvalo xalq manfaatrlariga nisbatan tajovus va harakatsizlikni bajargan hisoblanadi. Subyektiv belgilar esa hokimiyat harakatsizligi zamirida jarayonga daxldor organ yoki mahalliy hokimiyat organing mansabdor shaxs yoki shaxslarining jinoiy ishlarida xarakterlanadi. Yakka yoki guruh shaklda bajarilishiga qarab subyektiv belgilar turlicha bo’lishi mumkin.

Jinoyat obyektiv tomonining birinchi navbatdagi ahamiyati shundan iboratki, uni to‘g‘ri aniqlash ijtimoiy xavfli qilmishni to‘g‘ri kvalifikatsiya qilishning garovidir. Ta’kidlash joizki, JK Maxsus qismi moddalari dispozitsiyalarida jinoyat tarkibida boshqa elementlarga nisbatan obyektiv tomonning belgilari ko‘proq ifodalangan bo‘ladi. Bu belgilar jinoyatlarni bir-biridan farqlash, buning natijasi sifatida jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish mezoni hisoblanadi. Bir vaqtning o‘zida bitta obyektga qaratilgan bir xil ayb shakllariga ega bo‘lgan qilmishlarni chegaralashda obyektiv tomon muhim rol o‘ynaydi. Masalan, bir vaqtning o‘zida bitta obyektga qaratilgan, qasddan sodir etiladigan, g‘arazli niyatlarda amalga oshiriladigan va umumiy subyektga ega bo‘lgan mulkni talon-toroj qilish jinoyatlarini farqlash JK Maxsus qismi moddalarida turli xil tarzda ifodalangan obyektiv tomonning belgilari orqali amalga oshiriladi.¹

Obyektiv tomonni tahlil qilish bir qator hollarda qo‘srimcha obyektni aniqlashga imkon beradi (masalan, JK 164-moddasining dispozitsiyasi fuqarolarning hayoti yoki sog‘liqi xavfsizligini ta’minlovchi ijtimoiy munosabat shakli sifatida qo‘srimcha obyektni aniqlash imkonini beradi). Shuningdek, obyektiv tomonning alohida belgilari qonun chiqaruvchi tomonidan kvalifikatsiyalovchi belgi sifatida ifodalanadi (masalan, jinoyat sodir etish usuli va vositasi). Tuzilishi jihatidan obyektiv tomonning zaruriy va fakultativ belgilari mavjud. Bunda zaruriy va fakultativ belgilar moddiy va formal tarkibli jinoyatlar bilan bevosita bog‘liq bo‘ladi.

Jinoyat kodeksida, faqat maxsus subyektlar (mansabdor shaxslar, harbiylar) javobgarligi bilan cheklanadigan moddalarning mavjudligi sharhanayotgan moddaga zid kelmaydi. Ushbu subyektlarga nisbatan javobgarlik ularning majburiyat va vakolatlaridan kelib chiqib sodir etadigan qilmishlari uchun nazarda

¹ Davlat va huquq nazariyasi. darslik. Navoiy davlat pedagogika instituti 2020y.

tutiladi. Ayni paytda, bunday tarkibdagi jinoyat sodir qilgan shaxslarning huquqiy maqomi doirasida ham tenglik prinsipi qat’iy amalda bo‘ladi.

Ta’kidlash lozimki, yuqorida keltirilgan jinoiy harakat belgilari mazmun-mohiyatiga ko‘ra obyektiv hisoblanadi va qonun chiqaruvchi jinoyat tarkibining barcha belgilarini obyektiv ravishda ko‘rsatib beradi. Bu belgilar jinoiy harakatning faqat tegishli belgilariga xos bo‘lib, jinoyat tarkibining boshqa qismlariga tegishli bo‘lmaydi. Ayni vaqtda jinoyatning muhim belgilar (subyekt, obyekt, subyekt tomonlari) qonun chiqaruvchi tomonidan muhim apriori deb hisoblanadi, ya’ni qonun moddalaridan qat’i nazar har bir jinoyat ko‘rib chiqilganda, bu belgilar aniqlanadi. Bu belgilar jinoiy ish sodir etilgan hududni aniqlashga ta’sir etmaydi, lekin sud va tergov organlari tomonidan har bir harakatning jinoyatga aloqadorligini aniqlash maqsadida ko‘rib chiqiladi (masalan, harakat jinoyat sodir etishga layoqatsiz kishi tomonidan qilingan bo‘lsa, bunday jinoyat jamiyat uchun xavfli hisoblanmaydi, garchand jinoiy harakatning obyektiv belgilar mavjud bo‘lgan holda ham). Shunday qilib, yuqorida ko‘rsatilgan belgilar ro‘yxati Jinoyat kodeksining tamoyillarini ifoda etadi, ya’ni qonuniylilik, adolatlilik, barcha fuqarolarning qonun oldida tenglik tamoyillarini ko‘rsatadi.

Umumiy manoda hokimiyat subyektiv mexanizmi tarkibida mansab egasi aslida manfaati himoya qilinishi lozim bo‘lgan obyekt yoki obyektlarning zarariga ishlaydigan huquqiy harakatsizlikni amalga oshirishi hokimiyat harakatsizligining subyektiv belgisi sifatida ko‘rinadi. Obyektiv belgilar esa o‘z nomi bilan jismoniy shaxs, yuridik maqomga ega shaxslar, tashkilot yoki birlashmaning ma’lum funksional imkoniyatlarini yuqori boshqaruv tashkiloti tomonidan cheklanishi poymol etilishida yuzaga chiqadi

Bir so‘z bilan aytganda uzoq asrlardan buyon insoniyatning buyuk mutaffakirlari jamiyatda huquqbazarlikning sababini o‘rganish va uni tugatish bilan shug‘ullanib keldi. Avvalo davlatning odilona boshqaruvini yo‘lga qo‘yish butun dunyo hamjamiyati oldida turgan muhim vazifa bo‘lib turgani ham bizga sir emas. Hokimiyatning harakatsizligi va demokratik konstruktivlikni boy berishi xalqning davlatga nisbatan noroziligini kuchaytirish bilan birga kata ijtimoiy-iqtisodiy zarar yetkazadi. Jamiyatning sun’iy intelekt va avtomatlashgan elektron hukumat formatiga o‘tishi bu kabi nohqaliklarniig avtomatik tarzda kamayishiga olib kelmoqda. Ammo shaxsning ijtimoiy holati va normativ-huquqiy layoqat darajasini psixosdiagnostika qila olish va ehtiyojlarini qondirishda inson omilining ham o‘rni beqiyos.

МУНДАРИЖА

Сайдов Шокир Камалович. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқ	3
Ширинов Джахонгир Джаббарович. Нодавлат нотижорат ташкilotларининг конституциявий ҳуқуқлари	6
Отахонов Фозилжон Хайдарович. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари	12
Лещенко Снежана Константиновна. Человек, его права, свободы и гарантии их реализации как высшая ценность и цель общества и государства	18
Азизов Нигмонжон Пардаевич. Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида ижтимоий давлат тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланиши	20
Мужчиль Савелий Александрович. Нормативно-правовые основы защиты прав человека в Республике Казахстан	26
Хамрақулов Шавкат. Мехнат муносабатларининг конституциявий кафолатлари	30
Абдуллаева Наргиза. Халқимизнинг орзу-ниятларини жамлаган ҳужжат	33
Рахимов Дониёр Бахтиярович. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида одил судлов масалалари	36
Шакуров Рафик Равилевич. Значение и формы реализации конституционной справедливости	39
Рахмонов Зафаржон Зайниддинович. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳуқуқий асослари яратилишида конституциянинг ўрни	43
Jumayev Shohjahon Begimqul o‘g‘li. Prokuratura organlarining konstitutsiyaviy-huquqiy asoslari hamda prokuror tekshiruvlarini qonun hujjatlarida tartibga solish masalalari	46

Фиёсов Бахриддин. Конституциявий ислохотлар мисолида жамоат хавфсизлиги масалаларига оид устувор йўналишлар.....	48
Irgashev Dilmurod Ikromovich., Muxtorov Sherzod Shuxrat o‘g‘li. Fuqarolik jamiyati institutlari sifatida mahalla va ommaviy axborot vositalarining o‘rnı.....	53
Қаршибоев Файзулла Умирзакович, Эргашев Жаҳонгир Шералиевич. Ўзбекистон Республикаси конституцияси – янги ўзбекистон пойдевори	58
Нуруллаев Фаррух Умиджонович. Реализация политики международной трудовой миграции в национальной правовой системе Республики Узбекистан	62
Шарапов Бахтиёр Мухтарханович, Пайзиев Аббос Мухаммадович. Ёшлар ҳуқуқларини таъминлашнинг Конституциявий асослари	67
Shomurotov Ma'ruf. Davlat boshqaruvini modernizatsiya qilishda jamoatchilik nazorati institutini takomillashtirish ahamiyati	71
Omirzakov Rustem. O‘zbekiston respublikasining Yangi Konstitutsiyasi: demokratik islohotlar sari qadam	74
Шарипов Акрамжон Курбонович. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ҳуқуқларининг ўзига хос жиҳатлари	77
Бойтураев Фарход Маматкаримович. Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституциясида коррупцияга қарши нормаларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари	83
Jahonov Shohruh Shuhrat o‘g‘li. Jurnalistik tekshiruvi jamoatchilik nazorati shaklining huquqiy tabiatи	88
Мажидов Шахзод Абдиҳалил ўғли. Ўзбекистонда мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқнинг амалий ижроси юзасидан коррупция ҳақида хабар берган шахсларга оид айрим масалалар	92

Begatov Jasurbek Numonjanovich. Fuqarolarning mehnat qilish huquqlarining kafolatlari	96
Aminov Mirobbos Askar o‘g‘li. Mahsulot taqsimotiga oid bitim – davlat-xususiy sheriklik shakli sifati. Qonunchilik tahlili.....	102
Abdukadirova Shoxina Abduqodir qizi. Investitsiya huquqi, uning huquq tizimida tutgan o‘rni va faoliyat asoslari	107
Xotamov Zoirjon Tohir o‘g‘li. O‘zbekiston Respublikasi Yangi Konstitutsiyasining jamoat xavfsizligini ta’minlashdagi roli.....	111
Примкулова Феруза Амиркуловна. Янгиланган Конституцияда инсон ҳамда фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатлари	115
Хўжаева Нуржонон Мирзаабдуллоевна. Конституцион ислоҳотлар – фаровон келажак гарови	119
Мамасолиев Сайдакмал. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсонийлик парадигмаси	122
Shukurova Muhayyo Mukumjanovna. Hokimiyat harakatsizligi jinoyatining ob’ektiv va sub’ektiv belgilari	1226

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ -
МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ
ФАРОВОНИГИННИГ ҲУҚУҚИЙ ҚАФОЛАТИ”**

*мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция материаллари
(2023 йил 29 ноябрь)*

Тўплам қуидаги сайтга жойлаштирилган:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази сайти: <http://uzmarkaz.uz/>
